

Mahalla

№ 41 (1788-1791) 2019 йил 19 — 26 сентябрь

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

info@mahalladosh.uz

www.mahalladosh.uz

ИДОРАСИЗ МАҲАЛЛАЛАР, БОШҚА ИШГА ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН РАИСЛАР, ҲУДУДИГА КЕЛМАЙДИГАН ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ...

➔ 2-3.



БУГУНГИ СОНДА:

5. Тўй-ҳашамлар энди тартибга тушади...(ми?)

Автолизинг
корхоналарига
ишонч борми?

Хусусий нотариуслар
яна алдамайдими?

Айрим
мутасаддиларга
халқ дарди билан
яшаш бегона...(ми?)

Оилавий муаммолар
нега жиноят билан
яқунланмоқда?

Мастлик
мудҳиш фожиаларга
сабаб бўляпти

Маҳмудхўжа
Беҳбудий қандай
инсон бўлган?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА:

«Юрагингни бериб,
дардингни тўкиб
ўйнайдиган роллар
йўқ»

Дилшод НУРАЛИЕВ:
«Мураббийга шароит
яратиб бермай туриб,
ундан натижа талаб
қилиб бўлмайди»

ИДОРАСИЗ МАҲАЛЛАЛАР, БОШҚА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев иштирок этиб, нутқ сўзлаган тadbирда туман ҳокимлари, бошқарма бошлиқлари, туман кенгашлари бошқарувлари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари қатнашдилар.



Кескин танқидий-тахлилий руҳда ўтган йиғилишда, асосан, Президентимизнинг соҳага доир фармонлари ижроси таҳлил қилиниб, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар, пойтахт маҳаллаларида ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш борасида ечимини қўтаётган долзарб масалалар муҳокама этилди.

Пойтахт маҳаллалари намуна бўлиши керак

Тошкент — ҳар жихатдан ривожланиб бораётган мегаполис шаҳар. Бу ютуқларда маҳаллаларнинг ҳам ҳиссаси чексиз. Хусусан, йиғинлар фаолиятида кўплаб илғор тажрибалар тўпланиб, республика миқёсида тадбиқ этишга аризули ижтимоий лойиҳалар дунё юзини кўраётир. Рақамларга назар солсак, маҳаллалар томонидан 6 055 та оиладаги низолаб барҳам берилиб, 2 872 та оила ажралиб кетишдан саклаб қолингани ёки жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони 138 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 36 тага кўпайгани ҳам пойтахтлик маҳалла фаолларининг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари самараси, албатта.

— Маҳаллалар фаолияти таҳлил қилинганда ижтимоий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар, қатор камчиликлар кўзга ташланди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов. — Жумладан, йиғин раислари билан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, профилактика инспекторлари ҳамда унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари ўртасидаги ҳамкор-

лик масалалари мақтанарли эмас. Аксарият маҳаллаларда профилактика инспектори ёрдамчиси қимлигини ҳатто маҳалла раислари ҳам яхши билишмайди. Бошқа маҳаллаларда яшайётган фуқаролар эса инспекторларга ёрдамчи лавозимига ишга олинаётир. Энг ачинарлиси, уларнинг айримлари бир-икки ҳафталаб маҳаллага қадамни босмайди.

«Сиз менга хўжайин эмассиз!»

Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан жиноятчилик ва ҳукукбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида профилактика инспекторларига шу ҳудудда алоҳида-алоҳида хизмат уйлари ҳамда машиналар берилди. Лекин аксарият инспекторларнинг хизмат уйларида истикомат қилмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Яшнобод туманидаги «Иқбол», «Илтифот» ҳамда Нодира номли, Мирзо Улуғбек туманидаги «Авайхон» ҳамда Хумоно номли маҳаллаларда ҳудуд профилактика инспекторларини одамлар мутлақо танишмайди. Маҳалла билан ҳамкорлик йўқлиги, хизмат уйлари ажратилган бўлса-да, лекин у ерда инспекторларнинг яшамаслиги натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳридаги 53 та маҳаллада жиноятчилик кўрсаткичи ошган.

Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис маҳалла идорасида фаолият олиб борада, «Бу — менинг ишим эмас!», «Мен тўғридан-тўғри ҳоким ўринбосарига бўйсунман!» дея маҳалла раислари билан кўп зиддиятларга боришайтгани ҳам келаётган муносабатлардан аён бўлмоқда.

Энг ёмони, бундай сансалорлик туфайли салбий кўрсаткичлар ўсиб бормоқда: жорий йилнинг айнаи давригача республика бўйича носоғлом диний гоялар таъсирига тушиб қолган оилаларнинг 43 фоизи ёки 4 974 таси Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳукукбузарликлар содир этгани учун 1039 нафар шахс профилактика ҳисобга олинган. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар сони 232 нафарни ташкил этган. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари 43 тага етган. Минг афсуски, ёш оилаларнинг ажралиши ҳам оз эмас — 2 223 тани ташкил этиб, ажрашган оилалар 2018 йил шу даврига нисбатан 174 тага ошган. Ҳатто 5-6 йил биргаликда яшаб, фарзанд улғайтириб улгурган оилалар ҳам муроасага келмаётгани йиғинлардаги ишга муносабатнинг қандайлиги, ташаббус, фидойилик етишмаётганини

кўрсатиб турибди. Таҳлилларга кўра, ажралишлар сони Учтепа туманида энг катта микдор — 46 тага етган. Бошқа туманларда ҳам аҳвол қувонарли эмас.

88 нафар маҳалла ходимлари дарсларга қатнашмаган

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида фуқаролар йиғинлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг тегишли қарори билан Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари зиммасига ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Аммо бу борада сусткашликка йўл қўйилмаётганини ҳеч қандай изох билан оқлаб бўлмайди. Тошкент шаҳрида 2019 йилнинг 1 январидан ҳозирги кунга қадар 876 нафар маҳалла ходими малака оширган. Аммо 88 нафари турли сабабларга кўра дарс машғулотларига қатнашмаган.

Маҳалла раисларини кимлар ишдан бўшатмоқда?

Яна бир оғрикли масала нафақат пойтахт маҳаллалари, балки бутун республикамиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тушов бўлаётир. Бу — йиғин раисларини лавозимидан озод этиш масаласидир. Жорий йилнинг май ойида ўтказилган сайловлардан кейин 19 нафар йиғин раиси ишдан четлатилган. Таҳлилларга кўра, маҳалла раисларининг тез-тез алмашишига туман ҳокимлиги ва давлат бошқаруви органларининг тўғридан-тўғри таъсири сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида 2019 йилнинг 1 июнидан фуқаролар йиғинлари ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Аммо бу меъёرنинг ҳозирги кунга қадар қуча қирмагани ҳокимликлар мутасаддилари ушбу фармон мазмун-моҳиятини тўла англаб етмаганидан далолат бермайди-ми? Олдий мисол: Бектемир, Миробод, Учтепа, Шайхонтоҳур, Яшнобод туман-

ларида кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари имзолаган буйруқлар туман ҳокимликлари бухгалтериясига ўтмаслигини баҳона қилиб, ҳокимларнинг имзоси билан фуқаролар йиғинлари ходимларига қайтадан фармойиш расмийлаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда маҳалла ҳодимига кенгаш томонидан буйруқ, туман ҳокими томонидан эса фармойиш чиқариш мумкин. Ахир, бу маҳалла институтига нисбатан ҳурматсизлик эмасми?

Йиғин раиси текин дастёр ёки хизматқорми?

Юқорида қайд этилган фармоннинг 9-бандида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) кенгашлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашини, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклатиш, шунингдек, фуқаролар йиғинлари балансидан бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асоссиз равишда олиб қўйиш тақиқланган. Лекин туманлар ҳокимликлари томонидан маҳаллалар раислари учун солиқ ва коммунал тўловларни, сафарбарлик қакируви резерви бўйича тушумларни ундириш каби масалалар юзасидан ҳар ойда қамиди 7 ёки 8 мартадан йиғилиш-



лар ўтказилмоқда.

Айрим туманларда Мажбурий ижро бюроси томонидан коммунал хизматлардан (табiiй газ, иссиқ сув, иссиқлик, электр энергия) қарздорларнинг рўйхатлари тақдим этилиб, маҳалла ходимлари қарздорликни ундириш вазифаларига жалб этилаётир. Бу ҳол, аяниқса, Шайхонтоҳур туманида аянчали тус олган: МИБ томонидан ҳар бир маҳалла раисига қунлиқ 30 фоиз коммунал хизматлардан (табiiй газ, иссиқ сув, иссиқлик, электр энергия) қарзни аҳолидан йиғиш вазифаси маҳалла ходимлари зиммасига юклатилган.

Энг ачинарлиси, Юнусобод, Чилонзор, Яккасарой, Шайхонтоҳурда маҳалла ходимлари МИБ томонидан босим остида қолаётир. Уларга катта

ИШГА ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН РАИСЛАР, ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ...

БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ
КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШДА ШУ КАБИ МУАММОЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

ҳажмдаги рўйхатлар бўйича оилаларни киска муддатларда ўрганиб бериш топширилиб, акс ҳолда тегишли чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирилмоқда.

Бундай ҳолатларда маҳалла ходимлари қачон ўз иши билан, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва уни соғломлаштириш билан шугулланиди?

Шу ўринда табиий савол туғилади? Худудий кенгашлар раисининг ўринбасарлари маҳалла ходимларини ҳимоя қилмасдан, уларга ёрдам бермаса нима билан шугулланилган?

Био у ёқда турсин, хатто телефонга муҳтож йиғинлар

Худудларда бирор нохушлик юз берса, «Маҳалла қаёққа қарабди?», «маҳалла ишлабди!», «раис нима иш билан банд экан?» дея сўроқ-савол бергувчилар кўпаяди. Аммо ана шундай кенг қамровли фаолиятни тўлақонли юритиш учун йиғинларнинг моддий-техника базаси етарлимикин, деган савол ҳеч кимни қизиқтирмайди. Энг ёмони, бу борадаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Жумладан, 2018 йилда шаҳар бўйича 57 та маҳалла биносини қуриш белгиланган бўлса, амалда 12 та, 2019 йилда 63 та маҳалла биносини қуриш белгиланган бўлса, амалда 17 та идора битган, холос.

Миробод туманидаги «Салар», «Фаровон», «Янги Миробод», «Биродарлик» ҳамда Фитрат номили, Олмазор туманидаги «Бўстонабод», «Чаманбоғ», Сергели туманидаги «Қурувчилар», «Қубай тепа», «Бунёдобод», Учтепа туманидаги «Қўрқамбод», «Қуйи Дархон», «Хуросон-12», «Заргарлик-12», «Ватан-24», «Ҳамдўст», «Ширин», Чилонзор туманидаги «Қатта Чилонзор-3», «Зарқўрғон» маҳаллаларининг хизмат бинолари йўқлиги сабабли бошқа ташкилотларнинг бир хонасида фаолият олиб бормоқда. Шайхонтохур туманидаги Маннон Уйғур номили маҳалла биноси туман ИИБ бўлимининг ташкил этиш учун олиб қўйилган. «Қоратоп» маҳалласининг янги қурилган биноси Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори билан тadbirkор балансига ўтказиб юборилган. Ҳозирда тadbirkор йиғин ходимларидан бу ердан чиқиб кетишларини талаб қилмоқда.

32 та, яъни Юнусободда 7 та, Сергели, Учтепа, Шайхонтохур, Яккасаройда 4 тадан, Яшнободда 3 та, Мирободда 2 та фуқаролар йиғинларига телефон алоқа тармоғи мавжуд эмас.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2 апрелда имзоланган фармоннинг 7-бандида жорий йилнинг 2 июнига қадар фуқаролар йиғинлари томонидан фойдаланиб келинаётган давлат мулк бўлган биноларни бириктирилган ер майдонлари билан биргаликда хатловдан ўтказиб, уларнинг белгиланган тартибда фуқаролар йиғинларига мулк ҳуқуқи билан берилишини таъминлаш вазифаси берилган эди. Лекин шаҳарда-



ги 272 та маҳалланинг кадастр ҳужжати мавжуд эмас.

Худди шундай, 2018 йил 1 декабрига қадар шаҳар, туманлар кенгашлар учун «Маҳалла маркази» биноларини қуриш белгиланган бўлса-да, Тошкент — пойтахт бўлишига қарама-қарши ҳозирги кунга қадар шаҳар кенгаши ўз биносига эга эмас. Ачинарлики, Бектемир тумани кенгаши «Астробод» тўйхонасида ижара асосида, Учтепа тумани кенгаши «Шофайз боғи» фуқаролар йиғинининг бир хонасида, Яккасарой тумани кенгаши «Богсарой» фуқаролар йиғинига тегишли бир хонасида, Яшнобод тумани кенгаши эса мактабга таълим муассасасида фаолият юритмоқда.

Ахвол шундай экан, маҳалла ходимлари, турли фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик тузилмаларига зарур шарт-шароит яратмасдан туриб, улар ишини жонлантириш ҳақида қандай сўз юритиш мумкин? Қўриқиб турибдики, янги раҳбарлар, фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашлар ва уларнинг ижро аппаратлари ханузгача маҳаллаларда ишни самарали ташкил этиш, мувофиқлаштириб боришининг мазмун-моҳиятини тушуниб етаетгани йўқ.

Тўйлар миллатнинг кўзгуси бўлиши керак...

Тадбирда «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган улуғвор гоя билан яшаётган халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаятган урф-одатлари, анъаналари завоқ билмас маънавий илдишларга эга экани, аммо охириги пайтларда тўй ва бошқа маросимларда миллийлигимизга ёт дабдабазолик, кимўзарлик кўпайиб бораётгани ҳам таъкидланди. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Олмазор туманида фуқаролар йиғинларининг ташаббуси ва маҳалла фаолларининг қўллаб-қувватлаши натижасида 2018 йилда 50 тадан ортиқ ихчам тўйлар ўтказилгани, афсуски, бошланган ижобий ишлар ўз ҳолича қолиб кетиб, яна дабдабазолик, исрофгарчилик бошлангани қайд этилди. «Ғаройиб урф-одатлар» «иждо қилиниб» улар республикаимизнинг бошқа ҳудудларига айнаан Тошкент шаҳридан тарқалаётгани, бундай сохта шухрат эса оилаларни мустаҳкамлашга эмас, аксинча низола-

нинг кўпайишига, ажралишларга олиб келаятгани муҳокама этилди.

Энди маҳалла ишига асоссиз аралашилмайди

Юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида йиғилишда асосий вазифалар белгилаб олинди. Аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида бир ҳафта муддатда маҳалла раислари, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, профилактика инспектори ҳамда унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш бўйича Тошкент шаҳар мисолида Намунали тизим ишлаб чиқилаётган бўлди. Бундан ташқари, бир ой муддатда фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини тўлиқ хатловдан ўтказишга келишилди. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари эса эндиликда вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгашлари сессияларида муҳокама этиладиган бўлди.

Икки ҳафта муддатда барча фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича Ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда сектор раҳбарлари томонидан тасдиқлатиш, йиғинлар ходимларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ҳамда бошқа тadbirkорларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашини, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклатиш катъян тақиқлаш қўллаб-қувватланди. Қолаверса, ҳар чоракда туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳар ойда профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни самарали йўлга қўйиш, фуқаролар йиғинларидоги жамоатчилик тузилмаларига услубий-амалий кўмаклашиш, ўзаро боғлиқ бўлган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш

бўйича тизим ишлаб чиқадиган бўлди.

Бундан ташқари, мактабларда давоматни назорат қилиш ва қийиниш маданиятига риоя қилиш, тўй-маросимларни ихчамлаштиришда маҳаллалардаги кекса авлод вакилларида самарали фойдаланиб, жамоатчилик таъсирини қучайтириш ҳақидаги таклиф ҳам қўллаб-қувватланди. Адлия бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларининг маҳалла институти фаолиятига оид билим кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув-семинарларни ташкил этиш муддати ҳам белгиланди.

Ҳоким ваъда берди

Ўртага ташланган долзарб муаммолар, маҳаллалар ишини ортага сураётган камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаҳонгир Ортиқхўжаев фикр билдирди.

— Маҳаллаларимиздаги муҳим шарҳимизнинг, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг қиёфасини белгилайди, — деди Ж.Ортиқхўжаев. — Қолаверса, муҳтарам Президентимизнинг ўзлари қатта эътибор қаратаётган маҳалла институтининг ривожини йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бирламчи вазифамизга айланиши керак. Айниқса, ўз идорасига эга бўлмаган маҳаллаларнинг Тошкент шаҳрида ҳам бориши эъжода ачинарли. Мен кенгаши раиси сифатида ишни таъкидлайманки, жорий йилнинг якунига қадар шаҳримизда бирорта ҳам идорасиз маҳалла қолмайди. Керак бўлса, нафақат био, балки уларни жиҳозлаш, компьютер технологиялари билан таъминлаш масалалари ҳам юз фойз ҳал бўлади.

Шундан сўнг пойтахт ҳокими тегишли мутасаддиларга зарур топшириқлар берди. Бундай маҳаллаларнинг рўйхатини шакллантириш, бўш турган биноларни аниқлаш, ички имкониятларни сарҳисоб қилиб, муаммоларни ҳал этишга доир кўрсатмалар берди. Йиғин раисларининг бошқа ишларга жалб қилинишини кескин қоралаб, бу борада мақбул счимлар ва таклифларни ўртага ташлади.

Танқид — келажак меваси, дейишади. Дарҳақиқат, йиғилишда кўтарилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ишни янгича ташкил этиш эртанги кун учун, маҳаллалар фаолиятини тақомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш учун бемисл кўмак бериши тайин. Ҳар қайси раҳбар ўз вазифасига виждонан ёндашсагина мавжуд муаммоларга адолатли ечим топилади, маҳаллалар қиёфаси, муҳити ўзгаради, халқимиз ҳам бузунидан рози бўлиб яшайди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

«Қишлоқ қурилиш банк» 18460 нафар оилага микрокредит ажратди.

Дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестиваль жаҳон майдонида, албатта, ўзининг муносиб ўрнини топади

Илдизи минг-минг йилларга бориб туташидиган миллий хунарамандчилигимиз замирида бой ва олижаноб фалсафа мужассам. Чунки аждоқларимиз асло бировга қарам ёки боқиманда бўлиб яшашни истамеган, ҳалол ва пок, ўз пешона тери эвазига ризқ топиб оила боққан, фарзанд улғайтирган. Ана шунинг учун ҳам шоҳу султонларнинг-да қўлида бирор хунари бўлган, ҳатто дунёни илму зиёси билан ёритган олиму уламоларимиз ҳеч бўлмаганда Паҳлавон Маҳмуд сингари пўстин тикиб, хунарига кўз нурини тўккан. Шу боис ҳам юртимизда хунаarning минг бир турй тараққий этиб, халқ амалий санъатининг бебаҳо намуналари Буюк ипак йўли бўйлаб жаҳон бозорларига тарқалган. Хунарамандлар бутун бир маҳаллалар ҳаётида асосий ўрин эгаллаб, Ипакчи, Эгарчи, Камончилар, Сандиқчилар, Дегрез каби жой номларини пайдо қилишган.

Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган, Кўкон шаҳрида бўлиб ўтган Биринчи халқаро хунарамандчилик фестивали ушбу бой меросимизни жаҳонга кўз-кўз этиш, дунё хунарамандларини бириштириш, инсониятнинг заволи билмас олижаноб кадриятларини эътироф этиш ва ривожлантириш учун муҳим минбар вазиёсини ўтади.

«Жаҳон хунарамандлари шаҳри»

Илк бор ўтказилаётган байрамда 78 мамлакатдан давлат ва жамоат арбоблари, устозлар хунарамандлар, халқ амалий санъати усталари, мутахассислар, соҳа олимлари, фахрий меҳмонлар, маданият ва санъат намоёндалари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари фестивалъ арафасида қадимий ва бетакрор Хўканди лағифга ташриф буюриб, фестивалнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади. «Ушбу халқаро фестивалъ нафақат кўнмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунарамандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак, тўғри бўлади. Бу — олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли кадрият ва анъаналарни ўзида якқол намоён этадиган, муштарак дилларни бириштирадиган чинакам

дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир. Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестиваль жаҳон майдонида, албатта, ўзининг муносиб ўрнини топади», дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Жаҳон хунарамандлари кенгаши томонидан Кўкон шаҳрига «Жаҳон хунарамандлари шаҳри» деган юсак унвон берилгани қадимий кентнинг дунё хунарамандчилик харитасидаги ўрнини



муштаҳкамлади. Ушбу кенгашнинг Осиё — Тинч океани минтақаси президенти Гада Каддуми хоним Кўкон шаҳрига махсус гувоҳномани тантанали равишда топширгани том маънода тарихий воқеа бўлди. Чунки 2014 йилда таъсис этилиб, шу кунгача дунёдаги 36 шаҳар сазовор бўлган ушбу унвоннинг МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг Кўкон шаҳрига берилгани, албатта, ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

Фестиваль — Кўконни яшартирди. Тайёргарлик жараёнида шаҳарда кент кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий меҳмонхоналар, уй-меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданий-маърифий мажмуалар, савдо комплекслари, кўнгилочар масканлар қад ростлади. Тарихий зиёратгоҳлар, кўчалар, бино-иншоотларда капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу тарика кўхна кент бугун тўлиқ янгича киффа касб этди.

Хунарамандчилик — катта имкониятлар манбан


Хунарамандчилик янги иш ўринлари ташкил қилиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, туризмин ривожлантириш борасида ҳам катта имкониятлар яратди. Шу боис юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йили хунарамандчилик ривожига йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш орқали 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган 5 мингдан зиёд «Уста-шогирд» мактабидан 23 мингдан ортиқ йигит-кизга касб сирлари ўргатилди. Оддий мисол, 2017 йилгача «Хунараманд» уюшмаси 10 мингта яқин аъзога эга бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони қарийб уч баробар кўпайди.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»

ФЕСТИВАЛЬ ҲАЙРАТЛАРИ

Бу лаганга 40 кило ош сузса бўлади

Кўконда ўтган Халқаро хунарамандчилик фестивалида намоён этилган халқ амалий санъатимиз намуналари дунё ахлининг ҳайратини келтирди. Шулардан бири риштонлик кулол Равшанбек Тожиддинов ясаган, оғирлиги 80 килограмми улкан сопол лаганни сотиб олишни истовчилар кўп бўлди. Чунки диаметри 1,2 метр бўлган бу ноёб идиш нафақат бетакрор санъат асари, балки бир пайтнинг ўзида



40 килограмм паловни сиғдириши билан ҳам кўпчилиكنи кизиктирди.

Лагани тайёрлашга кулол уч йил вақт сарфлаб, 100 килограмм махсус лой ишлатган ҳамда уни қоронғи жойда бир ярим йил мобайнида табиий усулда қуритган. Лаган юзасига нақш чизгач, яна 6 ой сабр қилиб, обдон қуришини кутган.

Хунараманд «Орзу» кемасини 5 минг АҚШ долларига сотмади

Бағдодлик хунараманд Бахтиёр Шерматов уч ой давомида узунлиги 4,7 метр, баландлиги 3,5 метр келадиган елканли кема ясади. «Орзу» деб номланган бу кема Халқаро хунарамандчилик фестивали учун махсус тайёрланган. Хорижий сайёҳлардан бири уни 5 минг АҚШ долларига сотиб олиш истагини билдирган, лекин хунараманд ўз ижод намунасини

фестиваль якунлангунича сотмади. Барчанинг кўзини қувнатган «Орзу» юртдошларимиздан бирига насиб этди.


Ясавий зиёратгоҳидаги қозондан илҳом олиб...

Яна бир ҳайратомуз буюм — ёғочдан ясалган қирқ кулокли қозон атрофи ҳам иштирокчилар билан доимо гавжум бўлди. Тошкент вилоятидан келган уста Шавкат Юсуповнинг айтишича, у Қозоғистон Республикасида қадимий масжид реконструкциясида иштирок этганида Хўжа Аҳмад Ясавий зиёратгоҳидаги Амир Темур ясадиган қирқ кулокли қозонни кўриб, унинг кичикроқ нусхасини яшашни ва Амир Темур музейига ҳадя қилишни ният қилган. 4800 та ёғоч бўлагидан 5 йил давомида ясалган қозондаги араб ҳарфларидаги битикларни тажрибали хаттотларга кўчиртирган.

Энг катта шоҳи сўзана

Фестивалда сурхондарёлик каштадўз Нилуфар Жўраева томонидан тайёрланган эни 21 метр, бўйи 5,5 метрли дунёдаги энг катта миллий сўзана ҳам намоён этилди.

Мазкур сўзана Нилуфар Жўраева ҳамда унинг 20 нафар шогирди томонидан 6 ой давомида яратилган. Сўзана иш сурхонча сержило нақшлар ва ёрқин ранглар билан безаш учун 16 килограммдан ортиқ табиий усулда бўялган калава ип сарфланган.



Муносиблар тақдирланди

Халқаро хунарамандчилик фестивали доирасида ўтказилган кўрик-танловда 78 давлатдан 200 дан ортиқ юртимиздан эса 1100 дан зиёд хунараманд қатнашиб, ўзларининг 30 дан ортиқ йўналишдаги ишларини тақдим этишди. Саккизта номинатсия бўйича 24 ғолиб аниқланди.

Жумладан, «Энг яхши хунараманд» номинатсияси бўйича биринчи ўринни (мукофот 7000 АҚШ доллари) Мухаммадали Юнусов (Ўзбекистон) эгаллади, иккинчи ўринга (5000 АҚШ доллари) Суфьян Исмоил Хатри (Хиндистон), учинчи ўринга (3000 АҚШ доллари) Алишер Нарзуллаев (Ўзбекистон) муносиб топилди. Шунингдек, «Энг ёш хунараманд», «Энг яхши хунарамандчилик мактаби устаси», «Қадимий сулола давомчиси», «Қадимий хунарамандчилик турини тиклаган хунараманд», «Энг фаол хунараманд» номинатсияси ғолиблари ҳам тақдирланди.

Самарқанд халқаро аэропортида янги терминал қурилиши бошланди.

ТҮЙ-ҲАШАМЛАР ЭНДИ ТАРТИБГА ТУШАДИ...(МИ?)

Бундан юз йил илгари маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий «Ойна» журнали орқали тўй ва маъракалардаги дабдабозликдан қутулмасак, ҳеч қачон ривожланган давлатлар қаторига қўшила олмаслигимизни башорат қилган эди. Ўтган бир аср давомида сонсиз бидъатлар, иллатлар йўқ қилинди. Аммо тўйларимиз, маъракалардаги аҳмоқгарчилик, дабдабозлик ривожланиб борди. Ҳатто тўй учун олган қарзини тўлай олмай уй-жойини сотган, жонига қасд қилганлар тўғрисида ҳам эшитдик.

Келиннинг сепи оилаларнинг бузилиши, болаларнинг етим қолишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳам бор. Натижада бутун тегишли органлар дабдабозликка чек қўйиш мақсадида қатъий чоралар қўришга мажбур бўлмоқда. 12 сентябрь куни Олий Мажлис палаталари кенгашларининг мавзуга оид қўшма йиғилишида «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишининг тартибга солиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Хўш, янги қарор дабдабозлик, манманликка чек қўя оладими? Шу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Икболжон Мирзаалиев билан суҳбатлашдик.

Юз йилда ҳам ўзгармадик

— Дарҳақиқат, қанчалар аччиқ бўлмасин, Бехбудий бобомиз тўйлар ҳақида қуёниб ёзганидан буён, деярли ҳеч нима ўзгаргани йўқ, — дейди **И. Мирзаалиев**. — Аксинча дабдабозликнинг миқдоси ошиб борди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, маъно-мазмундан мутлақо холи янгидан-янги бачкана одавларни ўйлаб тоялгимиз. Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган тўйлар ва кортежлар, маросим ва маъракалар билан боғлиқ лавҳалар ақли бор одамни ҳушёр тортиради. «Чарлар», «ақика», «мучал тўйи», «киз мажлиси», «қувёв чакирди», «келин кўриши» каби маросимлар камдек яқинда «папка тўйи» деган беъмаъно одаг ҳам пайдо бўлди. Булар минг-минглаб оилаларнинг нафакат ижтимоий аҳволига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жамиятда ижтимоий тенгсизлик, табақаланишни бўрттириб

кўрсатишти ва бу аҳоли орасида норозилик кайфиятининг кучайишига сабаб бўлади.

Латтапарастликни йиғитларимиз кимдан ўрганипти?

Яқинда бир йиғит келин томон сарпога Туркияда эмас, ўзимизда ишлаб чиқарилган кийим-кечак юборгани учун тўйни бузгани ҳақида хабар тарқалди. Йиғитча уялмай шу тўғрида интервью ҳам берди. Бундай шармандаликни каердан ўрганимиз? Хорижданми? Йўқ, албатта. Чунки дунёнинг бирор-та минтақасида бунақа урф мавжуд эмас. Турмуш қуришда латтанинг кадри эмас, балки муҳаббат, ҳурмат асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Муқаддас динимизда эса тўйдан олдин қувёв келинга маҳр бериши керак. Ҳозир эса, аксинча, келинлар латта-путта, эркаклар пардоз воситалари, мебель, машина, уй қурилишида куёвларга «маҳр» бериши кузатиляпти. Бунинг моҳиятини ўйлаб кўраётганимиз йўқ. Сарпога келган костюмнинг олдийроқ бўлгани учун тўйни бузган укамизга эса «эрга текканинг уяши», дея жавоб беришдан ўзга иложимиз йўқ. Ўғлини латтапараст қилиб ўс-тирган ота-онага ҳам аччиқ гапларимиз бор, албатта. Тўғриси, беюс «қувёв»нинг интервьюсини томоша қилиб, тўйи бузилган қиз учун хурсанд бўлдим. Зеро, у бунақанги «йиғит» билан бахтли бўлиши даргумон эди.

Янги қарор вазиятни изга сола оладими?

2018 йилда юқоридаги масалаларда тегишли қарор қабул қилинганди. Афсуски, натижа кутганимиздек бўлмади. Ўша пайтда дабдаба биров пасайишда, бугун яна авжига чиқди. Натижада, билдирилган тақлифларни инобатга олиб Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма йиғилишида тегишли янги қарор қабул қилинди.



Унга кўра, 2020 йилнинг 1 январидан қучга қирадиган Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланди. Уйлаймизки, бу сафар дабдабозликка чек қўйишга эришилади.

Энди тўй кортежида учтадан ортик машина бўлмайди...(ми?)

Низомга кўра, 2020 йилдан тўй ўтказувчи шахслар бу ҳақда камидан бир ҳафта олдин яшаш жойидаги маҳалла раисини хабардор қилиши шарт. Дафн маросимидан ташқари барча оилавий тадбирлар факат бир кун соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади. Ош бериш маросимининг вақти эса ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан белгиланади. Тўй базмларига 200 нафаргача, ошга эса 250 нафаргача меҳмон тақлиф қилиш мумкин. Қўшалок тўй базмларида 250 нафаргача, у билан боғлиқ ошда 300 нафаргача меҳмон қутилади. Тўйхона, кафе ва ресторанларда 50 нафар ва ундан ортик шахс иштирокида оилавий тадбирлар ўтказиш учун шартнома тузилиши керак бўлади. Санъаткорлар ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатадилар. Оилавий тадбирларда икки нафардан ортик хонанданинг (гуруҳининг) хизмат кўрсатишига йўл қўйилмайди. Диний мавзудаги маърузалар факат диний идораларнинг ваколатли вакили томонидан ўқилади.

Шунингдек, никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш, келин-қувёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 талдан кўп автомашинадан ёки жамоат хавф-

ИКТИБОС

«Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду».

Маҳмудхўжа Бехбудий
«Ойна» журнали, 1915 йил.

сизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишга рухсат этилмайди.

«Чарлари» ҳам ўтказилмайди

Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қондаларига зид бўлган турли шоуларни, ортикча вақт ва харажат талаб қиладиган оилавий тадбирлардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни ўтказиш ҳам қатъий тартибга солинади. Жумладан, «келин навқари», «чарлар», «ота кўриди», «сеп ёйди», «қуда чакирди», «қувёв чакирди», «келин чакирди», «тоғора юбориш» ва ҳоказоларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортикча тадбирлар — «етти», «пайшанбалик», «якшанбалик», «йиғирма», «кирк», «хайит», «йил оши», «пул тарқатиш», «мато улаштиш» ва ҳоказоларга барҳам берилади.

Прокуратура назоратига олади

Маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар, солиқ ва ФХДЭ органилари оилавий тадбирларнинг қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширади. Ички ишлар органилари оилавий тадбирларни ўтказишга оид қонун ҳужжатлари талабларига тўйхона, кафе ва ресторанларда рўя этилишини назорат қилади ҳамда ушбу талаблар бузилганлиги аниқланган ҳолатда тегишли шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Бунда тўйхона, кафе ва ресторанлар маъмурияти режалаштириладиган оилавий тадбирлар ҳақида ушбу тадбирлар ўтказилишидан камидан икки кун олдин тегишли ҳудуддаги ички ишлар органига ёзма равишда хабар бериши лозим. Албатта, низоом талабларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида унинг камчиликлари, амалга оширилиши керак бўлган янги долзарб масалалар аниқланиб бораверади. Эҳтимол бу борада кейинроқ мукаммал бир қонун ҳам қабул қилинар. Зеро, жамиятимизни қуртдек кемираётган дабдабозлик иллатига чек қўйиш бугун давлат даражасидаги муҳим вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Улутбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Фуқароларга бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатувчи «Мадад» муассасаси ташкил этилди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши: ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ЧАҚИРИҚ

ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРАЁТГАНИ УШБУ ХАЛҚАРО ТУЗИЛМАНИНГ КЕЛАЖАГИГА КАТТА УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 14 сентябрь куни «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Мазкур қонун Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлисида тасдиқланган эди.

Турк кенгаши қандай ташкилот?

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши — турк дунёси мамлакатлари мулоқоти ва ҳамкорлигини ривожлантириш учун ташкил этилган халқаро платформадир. Мазкур Кенгаш халқаро ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, фаолиятининг асоси туркий тилли мамлакатлар ўртасида дўстлик ва қўшнчиликни мустаҳкамлаш, ҳудудда ва жаҳонда тинчликни сақлаш, ҳавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.

2009 йилнинг 3 октябрида Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистондан иборат тўрт давлат иштирокида Туркийзабон давлатларнинг ҳамкорлик Кенгаши тузилгани эълон қилинган бўлиб, унинг фаолияти принципили 2016 йил 16 сентябрдаги Истамбул декларациясида эълон қилинган. Биринчи босқичда Турк Кенгашига Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо бўлиб кирган. Венгрия ташкилотга кузатувчи мамлакат саналади.


Ушбу келишувдан кейин туркий тилли давлатлар манфаатини бирлаштирувчи жиддий ташкилот пайдо бўлди. Энди бу халқаро ташкилотта

айланди. Дастлаб 1992 йилда Туркий тилли давлатлар саммити ўтказила бошланган эди. Кенгашни ташкил этиш ташаббускори Қозоғистоннинг Биринчи президенти Нурсултон Назарбаев ҳисобланади. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши саммити 2010 йилдан бошлаб 2015 йилгача ҳар йили ўтказилиб келинган. 2015 йилда саммитни ўтказиш навбати Қирғизистонга келган эди. Бироқ бу даврга келиб Қирғизистоннинг ўша пайтдаги президенти Алмазбек Атамбаев Туркия ва Қозоғистон билан алоқаларни совуқлаштиргани ортидан бу саммит ўтказилмаган эди.

Ўзбекистоннинг туркий тилли давлатлар билан алоқаси қандай?

Туркия Республикаси Президенти Ражаб Тойиб Эрдоған 2018 йилнинг 29-30 апрель — 1 май кунлари Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиш ва сентябрь ойида Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ўтадиган навбатдаги саммитда иштирок этишни таклиф қилган эди.

2018 йилнинг 3 сентябрь



куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Шавкат Мирзиёев биринчи марта Ўзбекистон номидан фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Дунёдаги туркий тилли 6 давлатдан бири бўлган Ўзбекистон раҳбарияти 2018 йилгача Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгаши саммитларидан бирортасида иштирок этган эмас.

Ўзбекистон раҳбари саммитда сўзлаган нутқида халқларини ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётгани, бугунги кунда Кенгашнинг сиёсий қун тартибидида ҳеч бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини қайд этди. «Мамлакатларимиз долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда», — деган эди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз қандай ташаббусларни илгари сурди?

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентининг сиёсий иродаси, очик ва амалий ташки сиёсати натижасида Марказий Осиёда вазият ўзгарди, минтақа давлатлари ўртасида дўстона алоқалар мустаҳкамланди. Ўзбекистон раҳбарининг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон президентлари билан учрашув ва мулоқотлари самарасида турли соҳалардаги ҳамкорлик янада ривожланди. Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига аъзо давлатлар билан ўзаро савдо ҳамжи охири бир

йилда 40 фонздан зиёд ошди.

Ўзбекистон Президенти бу кўрсаткичлардан анча юқори марраларга эришиш мумкинлигини таъкидлаб, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир муҳим йўналишларга тўхталиб ўтди. Булар, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, етакчи саноат қорхоналари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида кооперация алоқаларини қучайтиришдан иборат. Транспорт йўналишларининг интеграцияланган тармоғини яратиш, дунё ва минтақадаги асосий бозорларга чиқиб масаласи ҳам манфаатларимизга мос келади. Мамлакатларни инновацион асосда ривожлантириш, бу соҳага масъул бўлган идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва вентур компаниялар ўртасида ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳам энг зарур йўналишлардан. Туризмни ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар, маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамлиги ҳам халқларни янада яқинлаштиришни таъкидлаш ўринли. Шу нуктаи назардан, Президентимизнинг Чўлпонотадаги учрашувида қадимий Хивани ташкилот пойтахтига айлантириш таклифи эътиборга молик.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорлиқни изчил ривожлантираётгани ушбу халқаро тузилманинг келажагига катта умид ва ишонч билан қараётганидан далолат беради.

Ўзаро манфаатлар нимадан иборат?

«Туркий кенгаш доирасида ўзаро самарали ҳамкорлик-

ни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ҳозирги босқичда унинг фаолиятида мамлакатимиз учун амалий жиҳатдан қизиқарли уйғотадиган йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёرمиз», — деган эди давлатимиз раҳбари.

Қирғизистоннинг 2017 йил кузида сайланган Президенти Сооронбай Жээнбеков Туркий тилли давлатлар саммитини 2018 йилнинг 3 сентябрида ўтказиш тўғрисидаги фармонни 21 июнь куни имзолаган. Мазкур саммитнинг ўтказилиши ўшанда Қирғизистон учун Туркия ва Қозоғистон билан алоқаларнинг яхшиланаётганини аниқлаган эди.

Қолаверса, ўшанда Қирғизистон Президенти Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашида иштирок этиш ниятини юқори баҳолаган эди. Қирғизистон Президентининг сўзларига кўра, бу қадам Туркий кенгашнинг кенгайиши ва унинг халқаро майдондаги нуфузининг ошиши учун яхши шароит яратди, ташкилотга янги нафас беради ҳамда кўплаб янгиланишлар манбаига айланади. У мазкур саммит туркий тилли давлатларнинг кўп асрлик дўстлигини янада юқори босқичда қўтаришига ва унинг тарихида янги саҳифа очишига ишонч билдирди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар Кенгашига қўшилиши «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» темир йўли қурилишининг тезроқ бошланишига туртки бўлади.

Бошқа аъзо давлатлар ҳам Ўзбекистоннинг туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиб киришини қўллаб-қувватлади. Озарбайжон ташки ишлар вазирлиги Ўзбекистоннинг «Нахичеван келишуви»ни ратификация қилганини туркий тилли давлатлар бирдамлигини мустаҳкамлашда навбатдаги муҳим воқеа бўлганини эътироф этди.

«Ўзбекистон Республикасининг Турк кенгашида ўзини тақдим этиш қарори бизнинг кўп асрлик чуқур илдизларга асосланган маданий ва тарихий қардошлигимизни янада ривожлантириш, замон талабларига мувофиқ туркий тилли давлатлар манфаати, фаровонлиги нуктаи назардан, муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг Турк кенгашига қўшилиши ҳақидаги тарихий қарорнинг «Нахичеван келишуви» имзоланишининг 10 йиллик санасига тўғри келишида Озарбайжон Республикаси учун алоҳида рамзий маъно бор. Шу йилнинг 15 октябры куни Бокуда бўлиб ўтадиган Турк кенгашининг 7-саммитида Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги қардош Ўзбекистон делегациясини қарши олиш кўнгилли хушхабар ва улкан шарафдир», — дейилди Озарбайжон ташки ишлар вазирлигининг баёнотида.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

ДАРВОҚЕ...

КЕНГАШНИНГ ЎЗ КОТИБИЯТИ БОР

Эътироф этиш керак, ташкилотнинг ўз котибияти ва ҳамкорликка оид керакли ҳужжатлари бор. Ушбу Кенгаш сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва спортга оид барча масалада ҳамкорлик қилишни назарда тутди. Ташкилот таркиби туркий тилли давлатларнинг раҳбарлари Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Катта мансабдор шахслари кўмитаси, Оқсоқоллар кенгаши ва Бокудаги Парламент ассамблеяси, Нур-Султонда Турк академияси, Анкарада турк маданияти халқаро ташкилоти (ТУРКСОЙ) ва Котибиятдан ташкил топган. Котибият Истанбул шаҳрида (Туркия Республикаси) жойлашган. Турк кенгаши яқинда Будапештда ўз ваколатхонасини очишни режалаштиряпти.

2019 йилнинг май ойида эса қўшма турк савдо-саноат палатаси таъсис этилди. Яқин вақтларда Турк инвестиция форуми ўз фаолиятини бошлаши кутилмоқда.

«Human» хусусий бандлик агентлигига берилган лицензия тўхтатилди.

Маҳалладан «бола пули» оламанми?



Муштарийларимиз тахририятимизга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар, икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиблари тўғрисида қатор саволлар билан мурожаат қилган. Мазкур масалалар Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда батафсил ёритилган. Жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ана шу талаблар асосида иш кўради. Кўпинча ушбу тоифага мос келмайдиган фуқаролар вазиятдан норози бўлиб, турли идораларга мурожаат қилишади. Аммо қанча шикоят қилинмасин, маҳалла фаоллари белгиланган тартиблардан четлашмасликларини ҳисобга олиш лозим. Шу боис, соҳа юзасидан одамларни энг кўп қизиқтираётган мурожаатлар бўйича аҳолига батафсил маълумот бериш мақсадида, «Мурожаатлар эътиборда» доимий руқини ташкил қилдик. Мазкур руқн орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ барча саволларингизга мутахассислар жавоби эълон қилиб борилади. Бу гал муштарийларимизнинг саволларига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши мутахассиси Бекзод Шоназаров жавоб берди.

Нафақани раис тайинлайдими?

— Бир неча бор мурожаат қилганимга қарамай, ҳамон болам учун нафақа олмайман. Хар сафар маҳалламиз раиси музқаймоқ ишлаб чиқарувчи цехда ишлашим, ўша ердан нафақа олишимни айтиб, мени қайтаради. Шу тўғрисида?

Наргиза ЭРМАТОВА.
Андижон вилояти Балиқчи тумани.

— Белгиланган тартибга кўра, маҳаллалар томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор маҳаллалар фуқаролар йиғини ёки бундай қарорларни қабул қилиш учун фуқаролар йиғини томонидан ваколат берилган, камида 15 кишидан иборат бўлган комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия мазкур ҳудудда истикомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Маҳалла раиси комиссияга бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса — унинг бутун ваколати даврига сайланади. Аъзолардан кимдир бирор сабабга кўра аъзоликдан чиққан тақдирда, фуқаролар

йиғини Комиссия аъзоларини қайтадан сайлайди. Комиссиянинг ваколати доирасидаги қарори, унинг йиғилишида тасдиқланган таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этсагина қонуний ҳисобланади.

Шу билан бирга, маҳалладан бола парвариши бўйича нафақа тайинланишини истаётган фуқаро, аввало, бирор бошқа қорхона ва ташкилотларда ишламаётган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур қорхона ёки ташкилотлар маблағлари ҳисобидан нафақанинг ушбу турини олмаётган бўлиши шарт.

Ёрдам кимнинг ҳисобидан берилади?

— Уч ойдан буён бола парвариши учун нафақа олиб келаман. Нафақа ва моддий ёрдамлар қайси манбалар ҳисобидан тўланади?

Нолира УМАРОВА.
Бухоро вилояти Ромитан тумани.

— Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тўловларининг асосий манбаи маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Шу билан бирга, маҳалла фаоллари бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ҳам эътиёжманд оилаларга нафақалар ёки моддий ёрдам тайинлаши мумкин. Бунда жамоат ва хайрия жамғармалари, қорхоналарнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар савоб ишга жалб қилинади.

— Белгиланган тартибга кўра, болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, йиғин томонидан сайланган комиссия аъзолари қатор тамойилларга асосланади. Жумладан, маҳалла фаоллари ва комиссия аъзолари ижтимоий адолат принципларига сўзсиз рўя қилинишини, кенг ошкоралик ва очиқлиқни таъминлаши керак. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган, ҳақиқатда эътиёжманд

Комиссия, аввало, боқимандаликнинг олдини олиши керак

— Йиғинимиз томонидан сайланган комиссия аъзолари учун ҳам аниқ йўналиш белгиланганими? Ёки мазкур одамлар кимга нафақа берилиши керак, деб ҳисобласа ўша оила нафақа олаверадими?

Комил ШОДМОНҚУЛОВ.
Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани.

— Белгиланган тартибга кўра, болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, йиғин томонидан сайланган комиссия аъзолари қатор тамойилларга асосланади. Жумладан, маҳалла фаоллари ва комиссия аъзолари ижтимоий адолат принципларига сўзсиз рўя қилинишини, кенг ошкоралик ва очиқлиқни таъминлаши керак. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган, ҳақиқатда эътиёжманд

оилаларни аниқлаши, нафақалар ва моддий ёрдам берилаётган оила ва шахслар маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишини назорат қилиши керак.

Шунингдек, айрим оилаларнинг ўз меҳнати эъзизига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашига интилиши — боқимандаликка йўл қўймаслиги шарт. Оила аъзоларининг моддий фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, уларни хар томонлама жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маълумоти ва касб даражасини ошириш борасида оиланинг маъсулиятини кучайтириши лозим.

Нафақа ва моддий ёрдам олиш шартлари қандай?

— Маҳалладан «бола пули», моддий ёрдам олиш учун оила қатор шартларга мос келиши кераклиги тўғрисида кўп эшитганимиз. Бу қандай шартлар?

Қамолдин УЗОҚОВ.
Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани.

— Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам, шунингдек, болали оилаларга нафақа 6 ойга, бола парвариши бўйича нафақа эса 12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги керак. Агар оилада янги тутилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ бола тарбияланса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари



миқдоридан тўланади. Болали оилаларга бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам оила аъзоларининг ўртача ойлик даромади энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баробаридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади. Оиланинг жами даромадларини аниқлашда оила аъзоларининг меҳнатга ҳақ тўланадиган даромадлари, мулккий даромадлар, тадбиркорлик, чет элдан ишлайдиган оила аъзосидан юборилган маблағ, пенсия, стипендия ва нафақалар, деҳқон хўжалиги юртишдан олинган даромадларнинг барчаси ҳисобга олинади.

Ким устунликка эга?

— Укам ва келинимиз автоҳалокатда вафот этган. 14 ёшга тўлмаган икки нафар жияним менинг қарамоғимда қолди. Менга маҳалладан нафақа тайинланиши мумкинми?

Нурийдил ҚАРИМОВА.
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри.

— Нафақа тайинланиши учун, аввало, сизнинг оилангиз белгиланган қатор шартларга мос келиши керак. Фуқаролар йиғини ёки сайлаб қўйилган махсус комиссия сизга нафақа тайинланиши керак, деб топса, албатта, оилангиз бошқаларга нисбатан нафақа олишда устунликка эга. Жумладан, қонунчиликда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шугулланаётган оилалар, ота-оналардан бири ёки хар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар, 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар), ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар, болани (болаларни)



тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар) устунликка эга ҳисобланади.

Шунингдек, ота-оналардан бири ёки хар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка қўмаклашиш марказларидан ҳисобда турган оилалар, ёлғиз пенсионерлар ҳам нафақа ёки моддий ёрдам ажратишда алоҳида имкониятга эга.

Кексалар Бухорои шарифни зиёрат қилишди

Қадимийлиги, бетакрорлиги ва маҳобати билан бутун дунё эътиборини ўзига тортиб келаётган Бухоро шаҳрини ҳар қанча зиёрат қилсак арзийди. Аммо шу юртда яшаб бу кўҳна кентни бир бор кўрмаганлар ҳам бор.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлоновнинг ташаббуси билан Тошкент вилояти Бекобод туманидаги «Фарҳод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ушбу қадимий шаҳарни зиёрат қилдилар.

— 40 нафар фаолимиз замонавий автобусда Бухоро вилоятининг зиёратгоҳ ва қадамжоларига бордилар, — дейди «Фарҳод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турдибой Мамадалиев. — Ушбу хайрли саёҳат учун 18 миллион сўм пул ажратилди. Улар орасида ҳали Бухорони зиёрат қилмаганларнинг қувончини



сўз билан таърифлаш қийин. Тарихий обидаларимизни кўриб, йўл-йўлакай юртимиздаги ўзгаришларни кўзатиб мамнун бўлган маҳалламиз одамлари ушбу саёҳатини ташкиллаштирган мутасаддиларга миннатдорлик билдиришди.

Дарвоқе, рағбат хайрли ишларга қанот беради. Зиёратга чиқиб маънавий ҳордик, руҳий қувват олишгани учун бекободликлар бир савобли ишга хисса қўшишни дилига тутишди: улар оппоқ бўлиб кийгос очилган пахта ҳосилини йиғиб-теришга ёрдамлашишга аҳд қилишди.

Ю. ҲОЖИЕВА

Ислон — эзгулик дини

Сирдарё вилояти Ховос тумани «Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғинида «Диний мутаассиблик ва радикаллашувнинг олдини олиш ҳамда мавжуд вазиятни барқарорлаштириш» мавзусида ёшлар ва аҳоли иштирокида суҳбат ўтказилди.



отинойиси Д.Холматова, «Нуроний» жамғармаси раиси Ж.Суюнов ислон динининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритишди, ёшларни турли иллатлар, тузоклардан огоҳ бўлишга чақиришди.

Аслида ҳурлик ва эзгулик дини бўлган муқаддас ислон динининг ғояларини нотўғри талқин қилиш оқибатида жаҳолат сари қадам қўйилади. Айниқса, диний тушунчаси тўлиқ шаклланмаган ёш авлодни эътиқод масаласида чалғитиш осон. Адашганлар қисмати эса барчага аён.

Тадбирда туман ёшлар иттифоқи вакили О.Ғафуров, имомхатиб Р.Абдунабиев, туман бош

С.САНГИЛОВА,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ховос тумани кенгаши раиси ўринбосари.

Маҳалла биносидида тикувчилик цехи очилди

Фуқаролар йиғинлари аҳоли бандлигини таъминлашда одамларга доммо кўмакдош бўлиши керак. Шу боис яқинда маҳалламиз биносидида тикувчилик цехини ташкил қилдик. Кенг ва ёруғ хонага замонавий русумдаги 20 та тикув машинаси ўрнатилди.

Тикувчиликка уқуви бор аёллардан 5 нафари ишга олинди, уларнинг аксарияти маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган хотин-қизлардир. Қолаверса, ушбу хунарга қизиқишни борлар ҳам цехга келиб, бемалол тикиш-бичиш сирларини ўрганишлари учун шароит ҳозирланди. Йил охиригача иш ўрнилари сони яна-



да кўпаяди.

Дарвоқе, маҳалла биносидида сартарошлик устахонаси фаолият юритаётгани ҳам аҳолига қулайлик туғдириш билан бирга, 2 нафар кишини доимий меҳнатга банд қилган.

Ҳабибулла СЕЙТМЕТОВ,
Ховос вилояти Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Шифокор беморни ширин сўзи билан даволайди

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Дилбулоқ» маҳалласида «Соғлом авлод учун» шиори остидаги хайрия акцияси доирасида йиғин аҳолиси бепул тиббий текширувдан ўтказилди.

Шифокорлар дастлаб тиббий кўрикдан ўтиш учун келишга имконияти бўлмаган фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олиб, зарур дори-дармонлар улашган бўлса, сўнгра маҳалла идорасига керакли тиббий анжомлар ўрнатиб, кам таъминланган оила вакиллари, жисмоний имконияти чекланган ҳамда ёлғиз қарияларга керакли тавсия ва маслаҳатларини беришди.

Шу кунги тиббий текширувга ҳудуддаги «Дилбулоқ», «Бошлик», «Қушбеги», «Армуғон», «Мухандислар» маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли камраб олинди.

— Тиббий текширувга келган фуқароларга мутахассислар ўз тавсияларини бериши билан бирга, 12 турдаги дори-дармон воситаларини ҳам бепул тарқатишди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамоат фонди акушер-гинеколог Сяран Сулаймонова. — Шунингдек, хаста, келгусида тўла шифо



топиб кетиши учун шифокор назоратида муҳтож бўлган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, туман тиббиёт бирлашмасига тақдим этилди. Улар билан соғломлаштириш ишлари олиб борилади. Бу хайрли ишни амалга ошириш учун бевосита маҳалла фаоллари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши вакиллари бизга яқиндан кўмак берганидан хурсандимиз.

Тиббий текширувга келган фуқароларга давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан турли хўжалик буюмлари ҳам тақдим этилди. Бундай эътибордан фуқароларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Хайрия тадбирида нафақат тиббий текширувдан ўтказди, балки менга қон босимини туширишда ёрдам берувчи маҳкамларни ҳам бепул соғва қилишди, — дейди «Дилбулоқ» маҳалласида яшовчи Сайфулла Отахонов. — Мутасаддиларга бизга кўрсатган ғамхўрликлари учун раҳмат айтаман.

Беморни шифокор ширин сўзи, очик чеҳраси билан даволайди, дейишди. Хайрия тадбирида ҳар бир мутахассиснинг кўрсатаётган меҳри, лутфи фуқароларга сурур бағишлаганини кўриб, бунга биз ҳам яна бир бор амин бўлдик.

Санжар ЭШМУРДОВ
«Mahalla»

Янги бинода фаолият янада жонланади

Сурхондарё вилояти Сароисиё тумани Шарғун шаҳридаги Феруз номи маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога кўчиб ўтди. Идоранинг очилиш маросими катта тўйга айланиб кетди. Тадбирда 350 нафардан ортиқ аҳоли, яъни меҳнат фахрийлари, йиғин ишига бош-қош бўлувчи фидойилар жамланиб, дастурхон ёзилди, ош тарқатилди.

Республикаимизнинг қўшни давлат билан чегара ҳудудида жойлашган мазкур маҳалла аҳли доимо огоҳ ва хушёр, йиғин фаоллари ҳам масъулиятни асло унутишмайди. Тарғибот ишларида моддий-техник базанинг етарли эмаслиги эса кўп палл беради. Эндилликда замонавий бинога эга бўлган йиғин биноси тўлиқ жиҳозланди, компьютер технологиялари билан таъминланди. Бино ва унда яратилган қулайликлар нафақат маҳалла фаолларининг иш фаолиятини тўлиқ олиб боришлари имкон беради, балки ҳудуд киёфасига кўрк ҳам бағишлайди.

Нуриддин САТТОРОВ.



Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми яна ошди.

«МЕН ШУ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДИМАН...»

ЮРТИМИЗНИНГ ЮКСАК УНВОНИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ ҚАНЧАЛИК ШАРАФЛИ БЎЛСА, УНГА МУНОСИБ БЎЛИШ ШУНЧАЛИК КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ, — ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЛОЛА ОПА МУРОТОВА.



Қирқ беш йилдирки, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, эл-юртнинг эътирофи, эътиборини қозонган Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер ҳўжалиги раҳбари Лолахон Муротовага Президентимиз фармонида кўра, энг олий мукофот — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди.

ер мен айтганимдан ҳам зиёда ҳосил берди, — дея юзларида самимий кулгу инганди.

Қаҳрамон даласида

Марказий Фарғона ерларида дехқончилик қилаётган Лола опанинг даласида файзли, плукухли меҳнат оилари ҳукмрон. Мўъжаз дала шийпониди Қаҳрамон опани йўқлаб келаётган катта-кичикнинг қадами узилмайди. Пайкалларда чаман бўлиб очилган оппоқ пахталар улуғворлик, ҳамжихатликдан дарак бериб турибди. Ҳосил ҳам чакки эмас. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, гектаридан 35 центнердан ортиқ пахта териб олинган.

— Юртимизнинг юксак унвонини қўлга киритиш қанчалик шарафли бўлса, унга муносиб бўлиш шунчалик катта масъулият юклайди, — дея сўзларини ифодалайди Лолахон опа. — Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ ҳўжасига илм-фан ютуқлари, инновацион етдириш жорий этилаётгани айти мудо-дао бўлмайди. Ҳўжалигимизда навлар танлаш, ҳашаротларга қарши курашиш, ҳосилдорликни ошириш йўналишларида олимлар билан илмий тажрибалар

майдонларининг мелиоратив ҳолати, қўм, ишр ерларда пахта етиштириш осон иш эмаслигини англаб етгандим. Сап шамол турса бас, барча майдон қўм билан қопланиб қоларди. Ҳаммасига қўл сийтаб, ортга чекинишга йўл йўқ эди. Лекин барчасига чидаш, берилган имкониятдан унумли фойдаланиш, шунинчи оқлашга ҳаракат қилдим. Атрофимга дехқончилик бобида ишорини тажрибасига эга фидойи кишилар, ёшларни жамладим. Ушанда илк бор «жавбар» (рожъ) ўсимлигини экиб, майса бўлиб унган ниҳолларни ишдорлаб пешма-пеш чиғит қадаш тажрибасини амалиётда қўлаганмиз. Шунингдек, ишр майдонларга саз тупроқ ташиб, пол олинган усулда яхоб суви бериб, ерларнинг унмдорлигини оширдик, шамолга қарши минглаб гектар ихотазорлар ташкил қилдик. Қувонарлиси, меҳнатларимиз бесамар кетмади, қўм ерларда ҳам юқори ҳосил олинган мўъжизасини амалда кўрсатиб бера олдик. Чўл ерларда меҳнат қилиш мени ҳар жиҳатдан қийинлаштирди, дехқончиликда ма-лака ва маҳоратимни оширди.

Марказий Фарғонанинг дехқончилик учун ноқулай қўмлоқ ерларида, устига-устак Кўкон шамоли кўз очирмайдиган мураккаб бир шароитда бундай натижага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Фарғонада ҳақли равишда пахтачилик ва ғаллачилик илми профессори сифатида эътироф этиладиган Лолахон Муротова чин маънода тупроқ билан сирлашади, диллашади. Биргина 2018 йилнинг ўзида фермер ҳўжалиги пахтачиликда 650 миллион сўм, ғалладан 350 миллион сўмга яқин соф фойда олди.

Техника — дехқон қаноти

Лола опа бу пурҳикмат нақлга амал қилиб, фермер ҳўжалигида ишчи-хизматчилар учун қулай маданий ва маиший шароит яратишга, ҳўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Таъкидлаш лозимки, бугун фермер ҳўжалиги автосаройига кўпнинг ҳаваси келади. 2 та комбайн, 3 та қатор

орасига ишлов берувчи техника воситаси, 2 та трактор, 1 та минерал ўғитлар билан озиклантйришга ихтисослашган техника, «Damas», «Nexia»... Мухташам шийпонда эса мўъжазгина боғ, шинам айвонлар, ошхона, ҳаммом, ҳуллас, замонавий барча шароитлар муҳайё этилган. Айни пайтда фермер ҳўжалигида 110 дан зиёд одам муқим иш ўрнига эга.

Маҳалладошлар меҳри

Лолахон Муротова «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими фаоли, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида ҳар жабҳада фаол, таппаб-бускор. Ёшлар билан учрашув ва суҳбатларда фермерлик ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, маънавий-маърифий ислохотлар самарасини оширишга муносиб ҳисса қўпиб келмоқда. Бу борада «Нурли обод» фермер ҳўжалигида ўзига хос тажриба мактаби мавжуд. Ёш фермерлар йўл-йўриқ ва маслаҳат олинш учун опанинг ҳузурига тез-тез келиб туради, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги олимларнинг илмий тажрибаларини амалга оширишга бажонидил қўмаклашади.

— Лолахон опа маҳалламиздаги камтар, лекин том маънодаги жонқуяр инсонлардан, — дейди «Қапчугай» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алижон Мансуров. — Биз у киши билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлари Қаҳрамон опамиз томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамларининг чеки йўқ. Аммо улар бу ҳақда гапирганини сира ёқтирмайди. Опанинг саховати ва меҳр-муҳаббатидан миннатдор маҳалладониларимиз жуда кўп.

Нурли манзил

«Нурли обод» фермер ҳўжалиги дала шийпони атрофидаги мўъжазгина боғ, атиргул ва райхонлар ифори таралиб турган шарқона айвонда меҳмонлар учун ораста жой ҳозирланган. Водий қадриятларига ҳамоханг иссиқ кўк чой, тандирда ёпилган нон, мева-фрукт, поллиз маҳсулотлари файзли дастурхон кўрки. Фермер опа билан икки оғиз суҳбатлашсангиз, ўзингиз учун янги бир дунёни кашф этасиз. Унинг нурдай покиза қалби, беғубор орзу-мақсадлари солда ва самимий ҳаёт тарзи замонамиз қаҳрамони босиб ўтган ҳаёт йўлини шундоқ кўрсатиб беради.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Бу хушхабар нафакат фарғоналик фермерлар, балки кенг жамоатчиликни беҳад мамнун этди. Фармон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган оқшомда «Нурли обод» фермер ҳўжалигида қўшалок байрам тантаналари бошланиб кетди. Вилоят ҳокимлиги, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, нуронийлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси фидойилари фермер ҳўжалигининг файзли шийпониди жамулжам бўлишди. Карнай-сурнай садолари янграб, дилтортар куй-қўшиқлар барчане шодон даврага чорлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 6 май санасида Фарғона вилоятига қилган сафари чоғида, Фарғона туманидаги «Комилжон ота Мамажонов» фермер ҳўжалиги дала майдонидида вилоят фермерлари билан бўлиб ўтган мулоқоти чоғида Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер ҳўжалиги раҳбари Лолахон Муротова фаолиятига алоҳида тўхталиб: «Лола опа ҳалоллиги ва ватанпарварлиги учун ҳам унга Худо бераверади» дея бежиз таъкидламаган эди.

Дехқоннинг ўзига қўйиб берса...

Лолахон Муротовани тани-

ганимга чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Иш бошлаган илк йиллари. Ёз харорати забтига олиб турган бир паллада опа раҳбарлик қилаётган бригада даласига етиб келдик. Лолахон опа бир нимадан ҳафадек кўринди, лекин сир бой бермасдан бизни иллик кутиб олди. Бир пиёла чой устида кечган суҳбат табиий равишда ёш мавсумидаги дала юмушларига бориб тақалди.

— Бу ишларни дехқоннинг ўзига қўйиб бериш керак, — деди бироз хуноби оingan қўйи. — Ташқарида келиб «ундоқ қилмайсан, бундоқ қилмайсан» деб ўргатишди. Балки бу ҳам қимматли керакдир. Лекин ҳар бир ер, ҳудуднинг ўзига хос ҳусусиятини билмаган дехқон ютқазади. Мана бу гўзаларга, — қўли билан дала шийпон рўпарасидаги майдонга ишора қилди. — «Сув тарамаясан» деб ҳарҳам қилишяпти. Ахир бу майдонга ҳозир сув олинса, ниҳоллар говлаб кетади, ҳосилдорликка нўтур етади. Мен «экинларнинг бугунги ҳолати сувга мойил эмас», деб туриб олдим. Аччиқ қилиб кетишди. Худо хоҳласа, биринчи теримнинг ўзида 40 центнер ҳосил оламиз.

Орадан кўп вақт ўтмай, Лолахон опа билан тасодиқан учрашиб қолдим ва дала шийпони олдидаги пахта пайкали ҳақидаги суҳбатимизни ёдга солдим.

— Мен ҳақ бўлиб чиқдим, у

ДАРВОҚЕ...


Лолахон Муротова — 1958 йил Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида оддий дехқон оиласида туғилган. Тумандаги 12- ва 31-умумтаълим мактабидида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1977 йил оддий инструкторликдан бошлаган. Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер ҳўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари соҳиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими.

Яқинда Лолахон Муротовага Фарғона давлат университети томонидан фахрий профессор унвони берилди.

йўлга қўйилгани эса иш унуми ва сифатини ошириш имконини бермоқда. 1983 йилда бу ерга ишга келганимни жуда яхши эслайман. Илк кунда барча пайкалларни айланиб чиқиб, роса ишлаганман. Чунки экин

Агросаноат инспекцияси: ўзбек пахтаси жаҳонда кучли бешликка киради.

Электр энергиясиз кундалик турмушимизни тасаввур қилиш қийин. Беминнат дастёримиз бўлган маиший техникалар ҳам, иссиқ-совуқда ҳузурижон кондиционеру музлаткич ҳам электр билан ишлайди. У бўлмаса, қимматбаҳо телевизор «кўр», қўл телефони «соқов»га айланади. Бундай кезларда ўзингизни дунёдан узилиб қолгандек ҳис қила бошлашингиз тайин. Хўш, бугунги кунда қанча электр энергиясини истеъмол қиляпмиз? Янги электр ҳисоблагичларнинг нотўғри ҳисоб-китоб қилаётгани тўғрими? Булар хусусида «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига мурожаат қилдик.



турлича тарифлар қўлланилади. Хонадонларга нисбатан қўлланиладиган 300 кВтлик лимитдан қўзланган мақсад — тежаш маданиятини шакллантириш. Хозирда битта хонадон бир ойда ишлатадиган ўртача энергия сарфи 170 кВтга тенг. Лекин ёзда ва қишда 500 кВт-гача чикиб кетади.

Янги электр ҳисоблагичлар кўпайтириб қайд этилтирми?

Ижтимоий тармоқларда оммавий равишда ўрнатиладиган янги электр ҳисоблагичлар кўрсаткичларини кўпайтириб қайд этилтирми ҳақидаги эътирозлар учрамоқда.

Мисол учун, Сергели туманида жойлашган 12 қаватли уйлардан бирида истиқомат қилувчи истеъмолчи ижтимоий тармоқларда видеоролик жойлаштириб, «Ҳисоблагич ўта кўп миқдорда ҳисоблаётгани, деб шарҳ қолдирган. Бунга жавоб тариқасида 2019 йил 9 августда мутахассислар иш-тирокида «такқослаш тажрибаси» ўтказилиб, қайд этилган натижалар бўйича истеъмолчи-га тўлиқ тушунтириш берилди. Истеъмол қилинган электр энергияси тўғри ҳисобланаётгани тўлиқ тасдиқланди.

Худди шундай, Юнусобод тумани «Минор» маҳалласида истиқомат қилувчи истеъмолчи «Илгари 300 кВт сарфлардик, ҳозирда камида 800 кВт бўляпти», деган мазмунда шарҳ қолдирган. Аслида эса, унинг хонадонига электр энергиясини ҳисобга олувчи янги ҳисоблагич ўрнатилмагани маълум бўлди.

Хозирда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан қучайтирилган тартибда ишчи гуруҳ ташкил қилиниб, ҳар бир мурожаат жойига бориб ўрганилмоқда. Ўрганишлар натижасида, охири вақтда 300 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 50 га яқини ўрганиб чиқилган. Эътиборлиси, мурожаатларни ўрганиш жараёнида биронта ҳисоблагичда носозлик аниқланмаган.

Аҳолига аввалги ҳисоблагичларга нисбатан ҳозирда ўрнатиладиган ҳисоблагичлар аниқлик даражаси, сезгирлиги юқори эканлиги, яъни янги ўрнатиш вақтидаги индукцион ҳисоблагичлар аниқлик даражаси амалиётда кўп қузелтирилган тушунтирилган. Дастлабки ишлаб чиқарилган электрон ҳисоблагичлардан аниқлик даражаси юқорилиги боис ушбу ҳисоблагичлар жуда кичик қувватли ускуналар истеъмолини ҳам ҳисоблаш имкониятига эга.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Электр энергиясидан кўп фойдаланяпмизми?

ЁКИЛҒИ ТАЪМИНОТИДАГИ ТАНГЛИК, ҚАЙСИДИР ЭНЕРГОБЛОК ИШДАН ЧИҚИШИ, ҲАДДАН ОРТИҚ КУЧЛАНИШ КАБИ САБАБЛАР ТУФАЙЛИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДА УЗИЛИШЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН

Электр энергиясиз кундалик турмушимизни тасаввур қилиш қийин. Беминнат дастёримиз бўлган маиший техникалар ҳам, иссиқ-совуқда ҳузурижон кондиционеру музлаткич ҳам электр билан ишлайди. У бўлмаса, қимматбаҳо телевизор «кўр», қўл телефони «соқов»га айланади. Бундай кезларда ўзингизни дунёдан узилиб қолгандек ҳис қила бошлашингиз тайин. Хўш, бугунги кунда қанча электр энергиясини истеъмол қиляпмиз? Янги электр ҳисоблагичларнинг нотўғри ҳисоб-китоб қилаётгани тўғрими? Булар хусусида «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига мурожаат қилдик.

Ўтган йиллардаги каби режа бўйича электр энергияси ўчирилмайди, деб айта олмаيمиз

— Бугунги кунда юртимиздаги худудий электр тармоқлари корхоналари орқали ҳудудлардаги 6,7 миллиондан

ортиқ аҳоли хонадони ва 308 мингдан зиёд юридик истеъмолчиларга 1629 та 35-110 кВ қучланишли подстанциялар, 79 122 та трансформатор пунктлари ҳамда 240,7 минг км. узунликда электр узатиш тармоқлари орқали электр энергияси етказиб берилмоқда, — дейди «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти матбуот котиби **Обид Дилмуродов**. — Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида жорий йилда электр тармоқлари ва трансформатор пунктлари модернизация қилинмоқда.

Энергетика яхлит бир тизим, ундаги ишлаб чиқарилган маҳсулотни сақлаб бўлмайди, занжирдай узатиб турилади. Ҳар қандай ҳолат, масалан, ёкилғи таъминотида танглик юз бериши, қайсидир энергоблокнинг ишдан чиқиши, ҳаддан ортиқ қучланиш каби сабаблар туфайли электр энергиясида узилишлар кузатилиши мумкин. Шундай экан, узилишларни олдиндан режалаштириб бўлмайди.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишлари юзасидан шу пайтгача 24 та туман ва шаҳарларда 950 мингдан зиёд замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилади. 2020 йил якунига қадар 2,5 миллиондан ортиқ электр ҳисоблагичлар ўрнатилади. 2020 йил якунига бориб эса 7 миллиондан ортиқ истеъмолчиларнинг барчаси ушбу тизимга тўлиқ уланади. Бу йил ўтган йиллардагига нисбатан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Шу боис жорий йилда ўтган йиллардаги каби режа бўйича ўчириш бўлмайди. Фақатгина авария ҳолатларида ёки об-ҳавонинг кескин ўзгариши оқибатида энергияга бўлган талаб ошиб кетган тақдирдагина узилишлар бўлиши мумкин. Аммо бундай ҳолатлар режадан ташқари бўлгани боис олдиндан прогноз қилиш ва аҳолини огоҳлантириш имконимиз йўқ.

Электр энергиясини беҳуда сарфляпмизми?

Кундалик ҳаётимизда арзимаган ҳолатлар орқали беҳудага электр энергиясини сарфляпмиз. Билиб туриб бундай қилиш ачинарли, албатта. Аммо шундай ҳолатлар борки, ўзимиз англамаган ҳолда электр энергиясини сарфлаб юборамиз. Мисол учун, бугун ҳар бир хонадонда камида битта телевизор, кир ювиш машинаси, чангюттич, кондиционер каби маиший техникалар бор. Баъзида улардан фойдаланиб бўлгач, тоқдан узиб қўйил-

ДАРВОҚЕ...

Японияда энергиядан оқилона фойдаланиш масаласи ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бошланган. 1978 йилда японлар Энергия тежамкорлиги марказини ташкил этган. Ҳозиргача энергия самарадорлигини 40 фоизга оширганига қарамай, ҳукумат бу масалада тўхтаб қолгани йўқ. Катта ёки кичиклигидан қатъи назар энергия истеъмолини ҳар йили бир фоиздан камайтириб бориш барча корхоналар учун белгиланган, бу борада йил якунида ҳисобот берилади.

ҳолда куну тун қолса, ўртача бир ойда 1,5 кВт.соат, йилига 18 кВт.соат энергия сарфляйди. Агар техник қоидаларга риоя этилса, ҳар бир хонадонда бир йилда ўртача 400 кВт.соатгача электр энергиясини тежаш имконияти бор. Бу кўрсаткич республика бўйича 1,8 миллиард кВт. соатга айланади. Ушбу тежалган энергия билан аҳолиси ўртача бўлган бир вилоятни бир йил мобайнида узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мумкин.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва мувофиқлаштириш тизими йўлга қўйилгач, истеъмолчиларга нисбатан



Ўзбекистонда ягона ахборот сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги ташкил этилади. Хўш, ушбу янги агентликнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Айни пайтда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳам мавжуд-ку. Унга турдош бўлган ташкилотнинг фаолиятига қандай эҳтиёж бор?

ЯНГИ АГЕНТЛИК: ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Аслини олганда мазкур тузилма йўқ жойдан пайдо бўлмади. Фармонга синчковлик билан кўз югуртирсангиз, унда: «Агентлик тугатилган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш йўналишидаги барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади», дея белгиланган. Демак, янги агентликкача ҳам унинг ўрнини босувчи хизмат бўлган ва бу йўналишдаги фаолият бугунги кун талаби асосида давом эттирилади.

Вазифалар доирасига нималар кирази?

— Ўзбекистонда 33 миллион аҳоли истиқомат қилади, — дейди истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоячиси Шерзод Халилов. — Бу — улкан истеъмол бозори мавжудлигини аълолади. Шу маънода кўлмиллини истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жисдий масъулиятни талаб этади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигининг

ташқил этилгани эса бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ваҳоланки, қўллаб мамлакатларда, жумладан, қўшни давлатларда истеъмолчилар сони бизга қараганда камлигига қарамай, соҳа бўйича алоҳида идора фаолият олиб боради. Бундан ташқари, янги агентлик истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимояловчи жамоат ташкилотимиз фаолиятига қатъий тиргак бўлиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, фармонда мазкур тузилмага соҳа бўйича етакчилик мақоми берилган бўлиб, унинг зиммасига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш вазифаси юкланган.

Қолаверса, соҳавий қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш юклатилгани ҳам шундан далолат.

— Мазкур агентликнинг фаолияти истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари такомиллаштиришга хизмат қилади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Шаҳноза Соатова. — Ҳусусан, ташкилот истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижроқисси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни (жумладан,



МАНЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг соғлигини ҳимоялаш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат белгилари ва хизматлар сертификацияси тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бир қатор қоидалар асосида тартибга солинади ва ҳимоя қилинади. Ўз навбатида, ушбу қонунлар ҳамда қоидалар истеъмолчининг ишлаб чиқарувчи, сотувчи, хизмат кўрсатувчи билан ўзаро муносабатларини ўз ичига қамраб олган.

лик уларни амалга ошириш жараёнида маълум бир ҳуқуқларга эга бўлади. Жумладан, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини ўтказиш, уларни соҳавий қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилади, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлганда, тадбиркорлик субъектларида (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) текширишларни амалга оширади.

ларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга йўл қўйилганда эса материалларни ваколатли органларга тақдим этиш баробарида, тегишли фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг (рухсат берувчи ҳужжатларнинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун мутасадди органлар ва ташкилотларга юбориши мумкин. Қолаверса, истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш учун судларга аризалар билан муносабат қилиш амалиёти ҳам шулар жумласидан.

Мухтасар айтганда

Ҳаётда ҳар биримиз кўп ҳолларда истеъмолчи сифатида намоён бўламиз. Шу жараёнда ўзини ҳос ҳуқуқларимиз вужудга келади ва уларнинг поймол бўлмаслигини истаёмиз. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигининг фаолияти бу борадаги ҳуқуқларимиз тўлақонли ҳимояланганини таъминлашда аҳил тизим яратиши билан аҳамиятли, десак адашмаган бўламиз. Яна бир жиҳати, мазкур тизимнинг изчил ва самарали ишлаши бизнинг онгли истеъмолчи сифатидаги фаолигимизга ҳам боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

НУҚСОНЛИ МАҲСУЛОТ АЛМАШТИРИЛАДИМИ?

— Агар сотиб олинган товарда нуқсон бўлса, сотувчи товарни қай тартибда алмаштириб беради?

Эркин ЭРҒАШЕВ.

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани.

Ғайрат МАМАТҚУЛОВ,

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Фарғона вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунини 14-моддасига асосан, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчи томонидан товардаги нуқсонлар бўйича эътироз билдирилиб, алмаштириш тўғрисидаги талаб қўйилган пайтдан эътиборан, 7 кунлик муддатда нуқсонли товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб бериши лозим. Товар сифатини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан қўшимча равишда текшириш зарур бўлганда эса истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан, йигирма кун ичида алмаштириб берилиши шарт. Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш ҳусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан, бир ой ичида қондирилиши керак.

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нарҳини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Қонуннинг 20- ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда) олиш имкониятларини таъминлайди. Бу, шубҳасиз, харидорнинг алданиб қолмаслиги, тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматларнинг ишончлилигига сабаб бўлади. Шунингдек, агентлик томонидан истеъмолчилар ҳуқуқини бузилиши сабаблари таҳлил қилинади, уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар тайёрланади. Тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳулол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзасига келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш ҳам асосий вазифалар қаторига кирази. Бу каби яна бошқа йўналишлар ҳам борки, уларнинг барчаси фуқароларнинг соҳага оид ҳуқуқларини мукаммал таъминлашда жисдий аҳамият касб этади.

Қандай ваколатлар берилди?

Вазифалар қамрови шу қадар кенг экан, табиийки, агент-



АВТОЛИЗИНГ КОРХОНАЛАРИГА ИШОНЧ БОРМИ?

ЛИЗИНГ НИМА ЎЗИ? АВТОЛИЗИНГ
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ-ИШОНЧСИЗЛИГИНИ
АНИҚЛАСА БЎЛАДИМИ? КИМЛАР ТИЗИМДАГИ
ФИРИБГАРЛАРДАН ЖАБР ЧЕКМОҚДА?

Шундай пайтда улар учун ёрдамга «автокредит», «автолизинг» таклиф этувчи ташкилотлар келади. Кредит олишдан кўра, лизинг олиш шартларининг қулайлиги кўпчилиكنи «автолизинг» олишга ундайди. Шу боис кейинги пайтларда автолизинг ташкилотларининг сони ошиб бормоқда. Интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларга қарайсизми, «қулай шартлар асосида машина олинг» деган рекламаларга кўзингиз тушади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ишончли деб бўлмайди. Чунки ҳозир рекламалардан ҳам «автолизинг» ташкилоти одамларни чув туширди», «машина олиш учун 30 млн. сўм берган истеъмолчи пулини қайтариб ололмапти» деган хабарлар урчиб кетди.

Хўш, лизинг нима ўзи? Автолизинг компанияларининг ишончли-ишончсизлигини аниқласа бўладими? Кимлар тизимдаги фирибгарлардан жабр чекмоқда? Қуйида ана шу саволларга жавоб излаймиз?

Лизинг ўзи нима?

Лизинг — молиявий ижара-нинг алоҳида тури бўлиб, унда



бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан, учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Республикаимиздаги лизингга оид муносабатлар 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги қонун

ҳамда Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари билан тартибга солинади. Ушбу қонун ҳужжатларида лизинг берувчи ва олувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Агар лизинг берувчи мол-мулкни ноқонуний равишда ўзлаштиришга уринса ёки етказиши лозим бўлган маҳсулотни шартнома шартларида белгилангандек ўз вақтида етказиб беролмаса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Аммо кейинги пайтларда автолизинг компаниялари бу қоидаларни қўпол равишда бузмоқда.

Автолизинг компанияларига норозилик кескин ошди. Нега?

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясига автолизинглардан азият чекаётган юрдошларимиз



МЕНДА САВОЛ БОР...

«На машина бор, на пулларим...»

— Машина олиш мақсадида автолизинг компаниясига 34 миллион сўм маблағ бергандим. Улар на пулни қайтарди, на машина олиб келиб берди. Шундай ҳолатда автолизинг компаниясига қандай жазо чоралари қўрилади?

Дилрабо МАХМАРАИМОВА.
Қашқадарё вилояти.

Василдин НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси:

— Мазкур ҳолат, яъни алдаш ёки ишонч-ни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳу-

қуқни қўлга киритиш Жиноят кодексининг 168-моддаси билан фирибгарлик деб топилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қўп миқдорда, тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

мурожаатлари шу кунларда кескин ошиб кетди. Жумладан, Андижон вилоятида яшовчи М.Темиров федерацияга мурожаат қилар экан, Фарғона шаҳридаги «Умид савдо фэйз инвест» масъулияти чекланган жамияти билан 2018 йилда шартнома тузиб, «DAMAS» DLX автомашинасини буюртма қилгани, бироқ буюртмаси унга етиб келмаганини маълум қилган. Шартномага биноан, МЧЖ ҳисоб рақамига 31 250 000 сўм бошланғич тўлов амалга оширилган. Машинани оладиган фурсат келиб, ўтиб кетса ҳамки, автоуловдан дарак бўлмаган.

Федерация томонидан тушунтириллар олиб бориладиган сўнг 40 кун ичида автомашина учун тўланган пул қайтариб берилишини зиммаларига олган «Умид савдо фэйз инвест» МЧЖ масъуллари яна ўз ваъдасидан турмади. Федерация мутасаддилари ҳам бу ишни охирига етказмай қўйишмади. Ваъда бериб бажармайдиганлар автомобил учун тўланган бошланғич пул маблағини эгасига қайтариб беришга мажбур бўлди.

Яна бир шундай ҳолат айни шу автолизинг ташкилотининг бошқа бир филиали билан содир бўлди. Бухоро вилояти Олёт туманидаги «Денов» маҳалласида истикомат қилувчи Ўткир Азимов яхши ният билан Бухоро шаҳридаги «Умид автолизинг» МЧЖга «Nexia-3» Евро 2-позиция автомашинаси учун шартнома асосида пул тўлайди. Нақд 38 000 000 сўмни ҳеч қандай эътирозларсиз, ўз вақтида топширади ва автоулов келишини кутади. Буни қарангки, на шартномадаги ваъда берилган шартлардан. Натижада истеъмолчи фуқаролик ҳуқуқлари поймол этилганини тушуниш этади ҳамда шартномани бекор қилади.

Бироқ «Умид автолизинг» ташкилоти пулни қайтаришини пайсалга солиб келади. Сабр қосаси тўлган харидор тўлаган барча пулини қайтариб олишда амалий ёрдам сўраб, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Ишонч телефони (1091)га мурожаат қилади. Федерация мутахассислари ҳар икки томон билан мулоқотда бўлиб, уларга қонунчилик талабларини тушунтиришди.

Сингапурликлар тўрт насага эга бўлганидан сўнг ўзларини бахтли ҳисоблашар экан. Булар — оила, иш, машина ҳамда уй. Ростдан ҳам, булардан биронтаси кам бўлса, инсон унга эришишга ҳаракат қилади.

Масалан, ким машинаси бўлишини хоҳламайди дейсиз?

Аммо ойлик-маошга кун кўрадиган инсон учун машина олишга сармоя йиғиш ҳам доим осон бўлмайди. Йиллаб тийинни-тийинга улаб яшашга ҳамма ҳам қўнт қила олмайди.

Натижада Ўткир Азимов томонидан тўланган 38 000 000 сўм пул маблағи тўлиқ қайтарилди.

Ҳаммаси ижобий яқун топди, аммо нега бу каби ҳолатлар кўпайиб кетди, деган савол туғилади. Муаммоли вазиятлар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари аралашмай туриб ҳал бўлмаяпти. Тизимда бундай муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб нима?

Тизимда ўзгариш қилишга эҳтиёж бор

Лизинг компанияларининг қайси бири ишончли ёки ишончсизлигини аниқлаш мушкул. Сабаби лизинг фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия талаб этилмайди. Шунингдек, бундай тадбиркорлик субъектларининг устав фонди миқдори бўйича ҳам бирон-бир талаб қўйилмаган. Агар лизинг ташкилотларига лицензия жорий этилганида лицензия берувчи ташкилот ҳам уларнинг фаолиятини назорат қиларди ва тадбиркорларнинг масъулияти ҳам ортарди. Лицензия олиш учун ўзига ҳос талаблар қўйиларди ва автолизинг компанияларининг бу талабларни қай даражада бажарганига қараб уларни танлаш мумкин бўларди. Устав фонди миқдори белгиланган тақдирда унинг миқдори қараб ажратилиш мумкин эди.

Бугунги кунда амалиётда кўпгина лизинг фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик тузилмалари масъулияти чекланган жамияти шаклида ташкил этилган бўлиб, исталган шахс ушбу фаолият билан шуғулланиши мумкин. Шунингдек, улар исталганча харидор билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Бугун юзага чиқаётган муаммолар шуни кўрсатадики, лизингга оид муносабатларни тартибга солувчи қонунни қайта кўриб чиқиш даркор. Ушбу қоидаларни бузганлик учун жазо чораларини қучайтириш керак. Зеро, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш давлат ва жамиятнинг биринчи вазифасидир.

Иномжон ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон
Истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
жамиятлари федерацияси
раиси ўринбосари.

Ҳарбий хизматни ўташнинг янгиланган тартиби тасдиқланди.

Нотариуслар аҳолига сифатли, тезкор ва энг муҳими, барча қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиши шарт. Зеро, нотариал тасдиқланган ҳужжат юз йиллар ўтганидан сўнг ҳам бирор муаммога сабаб бўлмаслиги керак. Аммо нотариус қинғир, фирром йўлга ўтса-чи?

Бундан саккиз, тўккиз йил муқаддам пойтахтимизнинг Юнусобод туманида нотариуслар кўмагида ёлғиз кариаларнинг уйларини алдов йўли билан ўзларига расмийлаштириб юрган жиноий гуруҳ қўлга тушгани ёдимизда. Бунинг ортидан «нотариуслар иши» бошланиб, ҳўл-қуруқ баробар ёнганди. Қинғирликлар, айниқса, хусусий нотариуслар фаолиятида кўп аниқланди. Бундай иш билан шуғулланаётган баъзи шоввозлар кўчмас мулк, автотранспорт савдосида катта миқдорда ноқонуний даромад тўплагани маълум бўлиб қолди. Натижада 2009-2010 йилларда 110 та хусусий нотариус интизомий жазога, 61 таси жиноий жавобгарликка тортилди. 49 тасининг лицензияси олиб қўйилди. 2010 йил 15 майдан эса хусусий нотариуслар фаолияти буткул тўхтатилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизimini тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 2020 йил 1 январдан хусусий нотариал идоралар фаолиятига қайта рухсат этилмоқда. Ҳўш, бунинг сабаблари нимада? Хусусийлашган нотариуслар яна аввалгидек фирромликни бошлаб юбормайдими? Бунинг олдини олиш учун қандай тийиб туриш механизмлари жорий этилади?

Хорижий тажриба ва миллий нотариал амалиёт

— Хусусий нотариусларнинг таъкил этилиши ҳақидаги хабар аҳоли ўртасида «таъкил этилаётган нодавлат нотариал идораларда яна олдинги ҳолатлар учрамасмикан?»

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР КУЧИ

Очик ахборот тизимига жойлаштирилган нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган юридик ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатнинг қоғоз шакли билан тенг ҳуқуқий кучга эга бўлади. Фуқаро тегишли давлат органи ёки мансабдор шахсга мазкур ҳужжатларнинг қоғоз шаклини тақдим этиш мажбуриятини озод этилади. Республика ҳудудида нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар асосида нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ушбу аризалар, ижара шартномалари ва ишончномаларни тақдим этмасдан хос рақами орқали очик ахборот тизимида уларни текшириш мумкин.



ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ЯНА АЛДАМАЙДИМИ?

НОТАРИУС ЖАВОБГАРЛИГИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИНАДИ. БУ ЭСА НОТАРИУСНИНГ НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТИ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШГА ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ

«бизнинг ҳуқуқ ва манфаатларимиз поймол бўлмасмикан?» деган саволларни тугдириши табиий, — дейди Адлия вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Савара Ўринбоева. — Лекин бу фармон илгор хорижий тажриба ва миллий нотариал амалиётни ўрганган ҳолда қабул қилинди.

Мисол учун, сўнгги йилларда хусусий нотариусларнинг йўқлиги бошқа турдаги муаммоларни келтириб чиқарди. Нотариат тизими ўта бюрократлашиб, узундан-узоқ навбатлар юзага келди. Давлат боғлиқ ва тўловлар ундиришда чалкашликлар келиб чиқа бошлади. Эндиликда очилган хусусий нотариусларда ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида, биринчидан, нотариал ҳаракат билан боғлиқ барча ишлар электрон тизимда бажарилиши назарда тутилмоқда. Барча жараёнлар онлайн назорат қилинади. Нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун керакли маълумотлар ва фуқароларнинг бармоқ изи тизим орқали

электрон текширилиши сабабли уларни сохталаштиришга йўл қўйилмайди. Тўловлар эса электрон ҳисобланади ва тўланади. Фуқаролар «SMS» хабар орқали тўлов суммасини тасдиқлайди.

Янгича усул барчага қулайлик яратади

Энди аҳоли нотариал идорада навбат кутиб ўтирмайди. Идорама-идора сарсон бўлиб юрмайди. Масалан, илгари нотариусга мурожаат қилган фуқаро ҳужжатлари билан бирга, бир катор ташкилотлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги қвитанцияларни ҳам топширар эди. Уларнинг орасида калбақилари ҳам учрар, буни текширишнинг иложи йўқ эди. Электрон тўлов тизимига ўтилгач, бундай ҳолатларга барҳам берилди. Нотариус бир зумда электрон базага кириб, миқдор топширган маълумотлар билан бирга, қарздорлик ҳақида ҳам текшириб қўради. Агар қарздорлик чикса, шу ернинг ўзидаги касса орқали тўловни амалга ошириш мумкин. Тўловларни ўз вақтида тўлаб юрганлар билан эса бундай ҳолатлар юз бермайди. Аҳоли учун иккинчи қулайлик сифатида кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимларни мисол қилиш мумкин. Дейлик, вилоятдан келиб, пойтахтда ишга жойлашган фуқаро қари ота-онани ҳам кўчириб келди-ю, вилоятдаги ҳовли-жойни сотиш зарурати туғилди. Қари одамнинг узок йўлга чиқишидаги қийинчиликларни тасаввур қилиш қийин эмас. Энди бу тоифадаги ишларни исталган нотариал идорада амалга оширса бўлади.

Булардан ташқари нотариус жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинади. Бу эса нотариусни ноқонуний ҳаракати натижасида етказилган зарарни қоплашга имконият яратади.

Сифатли ва қонуний хизмат кафолатланади

Юртимизда фаолият юритган олдинги хусусий нотариал идоралардаги ҳолатлар тақрирланмаслиги учун янги очилган хусусий нотариусларнинг ҳар бир фаолияти онлайн назоратга олинади.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан аҳолига кўрсатилаётган давлат ва ҳуқуқий хизматлар сифатини доимий баҳолаб бориш, рейтингларни аниқлаш борасида, «сирли миқдор» тадбирлари ўтказилади. Бунинг учун давлат хизматлари марказлари, фуқаролик ҳолати

ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунда республика бўйича **611 та** давлат нотариал идораларида **895 нафар** нотариус ва нотариус ёрдамчиси, **1038 нафар** нотариус котиби ҳамда **223 нафар** нотариус стажёри фаолият юритмоқда. Бундан кейин барча нотариал идоралар нотариуслари Нотариал палатага аъзо бўлади. **2018 йилда** республика бўйича **651 нафар** нотариусдан **28 нафар**ининг иш фаолияти «аъло», **268 нафар**иники «яхши», **278 нафар**иники «қониқарли» ва **77 нафар**иники эса «қониқарсиз» деб баҳоланган.

далолатномаларини ёзиш органлари ҳамда нотариал идоралар ходимлари томонидан содир этиладиган суниест-молчиликларни аниқлаш мақсадида профессионал консалтинг фирмаларини шартнома асосида жалб қилинади. Шу пайтгача «Сирли миқдор» ташрифидан сўнг 17 нафар адлия ходимларининг кирдикорлари фош бўлган. Ҳулоса шуки, бу сафар хусусий нотариуслар фаолияти тубдан ислох қилиниб, улар аҳолига сифатли ва қонуний хизмат қилиниши кафолатланган.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР БЎЙИЧА 5 МУҲИМ САВОЛ

1. ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР НИМАГА КЕРАК?

Ақсарият давлатларда хусусий нотариуслар бор. Хусусий нотариуслар ходимлар сонини, иш вақти ва бошқа ташкилий масалаларни ўзи ҳал қилиши, топган даромади ўзида қолиши сабабли навбатлар, сансалорлик ҳамда коррупция ҳолатлари камайди. Хизмат сифати ва тезкорлиги ошади.

2. ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ХИЗМАТ НАРХЛАРИНИ ЎЗИ ИСТАГАНДЕК БЕЛГИЛАЙДИМИ?

Йўқ. Нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдорлари Ҳукумат томонидан белгиланади.

3. ХУСУСИЙ НОТАРИУС ТАСДИҚЛАГАН ҲУЖЖАТ ДАВЛАТ НОТАРИУСИ ТАСДИҚЛАГАН ҲУЖЖАТ БИЛАН БИР ХИЛ КУЧГА ЭГАМИ?

Ҳа. Давлат ва хусусий нотариуслар тасдиқлаган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

4. БАРЧА ДАВЛАТ НОТАРИУСЛАРИ БИР КУНДА ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАРГА АЙЛАНДИМИ?

Йўқ. Жараён босқичма-босқич амалга оширилади. Етарли миқдордаги хусусий нотариуслар ташкил этилгунга қадар давлат нотариуслари ўз фаолиятини давом эттиради.

5. ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ОЧИЛИШИ НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ ҚОПЛАЙТИРМАЙДИМИ?

Ундай эмас. Хусусий нотариуслар фаолияти Адлия вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади.

1) нотариал ҳаракат билан боғлиқ барча ишлар электрон тизимда бажарилади ва уларнинг тарихи сақланади. Жараёнлар онлайн назорат қилинади, ноқонуний ҳаракатлар тўхтатилади;

2) нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун керакли маълумотлар ва шахснинг бармоқ изи тизим орқали электрон текширилиши сабабли уларнинг сохталаштирилишига йўл қўйилмайди;

3) тўловлар электрон ҳисобланади ва тўланади, фуқаро «sms» хабар орқали тўлов суммасини тасдиқлайди;

4) нотариус ноқонуний ҳаракати натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплайди. Нотариуснинг жавобгарлиги мажбурий суғурталади.

ТУМАН ҲОКИМИ МУАММОЛАРНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТЯПТИ?

АҲОЛИНИНГ ЎЗИДАН ҲАМ БАЪЗАН ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИШ, МУАММОЛАР
ЕЧИМИДА ФАОЛЛИК КЎРСАТИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ

Бугун маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари аҳолига ҳисобот бермоқда. Зиммасидаги вазифаларни нечоғли адо этаётгани, қандай ютуқларга эришганию йўл қўйган камчиликлари билан халқни таништирмоқда. Ҳўш, бундай учрашувлар ўзини оқлаяптими? Вилоят, туман ҳокимлари муаммоларни қай даражада ҳал қилмоқда? Шароити оғир ҳудудлардаги вазият чиндан ҳам ўнгланаяптими?

Шу каби саволларга Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ҳокими фаолияти билан танилиши асносида жавоб изладик. Туман ҳокими Мурат Абдиров билан бўлган навбатдаги учрашувда аҳоли табиий газ етказиб беришдаги узилишлар, ичимлик суви етишмаслиги, йўлларнинг таъмирталаблиги, бандлик каби масалаларни ўртага ташлади. Аҳоли мурожаатлари ечими юзасидан тегишли ташкилот раҳбарларига шу ерининг ўзида топшириқ берилди. Айрим фуқароларга ҳокимлик томонидан ёрдамлар кўрсатилди.

778 та янги иш ўрни яратилди

Дарҳақиқат, бундай юзма-юз мулоқотлар мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида ечим топишига замин яратмоқда. Чунончи, ўтган давр мобайнида туман ҳокимлигига 375 нафар жисмоний ва 321 та юридик шахсдан мурожаат келиб тушган. Жорий йилнинг ўзида 212 нафар фуқаро яқка, 126 нафари эса юридик тadbirkor сифатида фаолиятини бошлади. Натижада 778 та янги иш ўрни яратилди.

Туман инфратузилмасини ривожлантириш, шу асосда аҳолига қулай турмуш шароити



ти яратиб бериш масаласи ҳам доимий эътиборда. Ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси таъминотидаги узилишлар бирин-кетин ҳал этиляпти. Хусусан, «Ўғжим терек» маҳалласидаги 6,2 километрли ичимлик суви, «Алтин дала» маҳалласидаги 13,4 километрли газ тармоғи таъмирланди. Жўзим бағ овулида ҳам 11,3 километр масофадаги газ қувурлари созланди. Шунингдек, Ишан қалъа, Қазаякли, Қанли овулларида ичимлик сув таъ-

миноти яхшиланди.

Мурожаатлар нега қаноатлантирилмади?

Туманда макташга арзиғулик ишлар билан бирга, масъуллар эътиборидан четда қолаётган, ечимини қутавериб «стокати ток» бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Йўлларнинг абгорлиги, бир неча маҳаллада ичимлик суви етишмаслиги, табиий газ босимининг пастлиги шулар жумласидан. Хусусан, «Халқобод — Кегейли», «Кегейли — Бозатов» йўналишларидаги йўллар мана, неча йилдирки, йўловчиларни қийнаб келмоқда. Бу бўйича қилинган мурожаатларнинг ўнга яқини хали-ҳануз жавобсиз қолмоқда.

— Бу муаммо бизни ҳам тавишига солмоқда, — дейди йўл қурилиши бўйича туман ҳокими ўринбосари Камил Алланазаров. — Унинг ечими 2019 йил дастурига қиритилган. Айни пайтда «Кегейли — Бозатов» оралигидаги 45 километрли йўлда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Аммо ҳаммаё етишмовечлиги боис иш тўхтаб қолди. Шу боис қилинган мурожаатлар ҳануз ечим топмади.

Шунингдек, Қумшунгил, Ак-туба, Жалпак жап овул фуқаролар йиғинлари болалари кўча-кўйда сув ўйнаб, тупроқ кечибақт ўтказишга мажбур бўлмоқда. Боиси бу йиғинларнинг биронтасида мактабгача таълим муассасаси йўқ. Кегейли тумани мактабгача таълим бўлими мудир Алтингул Кайтекееванинг айтишича, ҳудудда 17 та давлат, 2 та шериклик асосидаги ва 12 та оилавий боғча фаолият юртияпти. Уларга 2 минг нафардан зиёд бола камраб олинган. Аммо бу — кам кўрсаткич. Боиси ҳудудда яна 600-800 нафарга яқин кичикинтой мактабгача таълим ёшга етган.

Чикиндилар «полигони»дан масъуллар беҳабар

Тумандаги «Куяшли» маҳалласидаги ҳолат таъбимизини янада хира қилди. Худуддаги каттагина майдон аллақачон чикиндилар «полигони»га айланиб улгурган. Куз шамоли эса елим пакетларни хар ёнга сочмоқда. Очик осмон остидаги чикиндихонанинг бадбўй хидига чидаб яшаётган яқин-атрофдаги хонадон эгаларига «тасанно»лар айтди.

Ҳўш, бу ҳудуд чиндан ҳам чикиндилар ташлаш учун ажратилганми? Йиғин раиси Қайратдин Қурбаниязовнинг айтишича, у яқинда раис этиб сайлаган, муаммодан хабари бор. Ҳал этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Аҳоли вакиллари эса чикиндихона икки йилдан буён каттараётганини иддао қилишди. Қизик, муаммони ҳал этиш бўйича бошланган ишлар қачон якунига етади? Аслида ҳам йиғин масъуллари уни ҳал этишга қиритилганми?

— Бу муаммо 15 йилдан буён бизни қийнаб келмоқда, — дейди «Тоza ҳудуд» давлат унитар корхонаси Кегейли тумани филиали раҳбари Оринбай Каримбердиев. — Ҳозир чикиндихонага айланган ҳудудда аввал сунъий кўл қурилганди. Бир мuddат ўтгач, унинг суви қайтиб ташландиқ жойга айланди. Баъзи фуқаролар бу ерга қичинди ташлай бошлади. Аҳоли бизга бадбўй хиддан нолиб мурожаат қилишди. Ваколатимизга кирмасида, бу ҳудудни тозаладик. Кўлни кўмиб, текислаш ишларини бошлаганмиз. Яқин орада бу ишлар якунига етади. Шунда ҳудуд ҳам обод бўлади.

Масъуллару мутасаддиларни айблаш осон. Аммо уларни ҳам тушуниш керак. Киши гоҳида бир оила муаммоларини ечишга ожизлик қилади. Маҳаллий ҳокимлик вакиллари эса неча минг аҳолига эга ҳудудга бошчилик қилади. Табиийки, маҳаллаю жойлардаги муаммоларни аниқлаш, ўрганишга доим ҳам вақт топилмайди. Шундай кезларда аҳолининг ўзидан эътиборли бўлиш, муаммолар ечимида фаоллик кўрсатиш талаб қилинади.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Давлат шериклиги асосидаги боғча қандай молиялаштирилади?

— Ҳудудимизда боғча йўқ. 2 нафар фарзандимни туман маҳалласидаги мактабгача таълим муассасасига олиб борамиз. Аммо баъзи қўшниларимизда бунга шароит йўқ. Ўзим тadbirkorman. Шунинг учун маҳалламизда давлат-хусусий шериклиги асосида боғча очмоқчиман. Айтинг-чи, бунда давлат шериклиги асосидаги хусусий боғча қандай молиялаштирилади?

Зиёд АЙТЕМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.



Шерзод
ИБРАГИМОВ,
хукукшунос:

— Қонунчиликда бундай боғчаларни молиялаштириш тартиби аниқ белгиланган. Унга кўра, давлат хусусий шериклар учун бюджетдан субсидия ажратлади. Яъни мактабгача таълим муассасасининг битта тарбияланувчиси учун харажатлар суммасининг 50 фоизига кўплаб беради. Молиялаштириш маблағлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг



алоҳида очиладиган ҳисобварағида жамғарилади.

Махсус ҳисобварақ маблағлари тижорат банкларига фойсиз асосда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган арзон уй-жойлар, кўп хонадонли уйларнинг I-II қаватларидаги хонадонларни сотиб олиш учун тақдим этилади. Шунингдек, кредитлар ДХШ тўғрисидаги битим объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун ажратилади. Имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан мактабгача таълим фаолияти билан шуғулланувчи тadbirkorга йиллик 1 фоиз ставка бўйича 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан берилди.

Электрон сигареталар сотуви тақиқлангани маълум қилинди.

«Кўшни маҳаллада табиий газ бор, бизда эса...»

БУ ХУДУД ГАЗ БОСИМИ ПАСТ БЎЛГАН
«КЗИЛ ЧИЗИҚ»ҚА ТУШГАН

Совуқ кунлар яқинлашгани сайин яна куз-киш мавсумига тайёргарлик мавзуси кўтарила бошлайди. Айниқса, бу йилги кузнинг дастлабки ойидаёқ ҳаво ҳароратининг пасаяётгани аҳоли ташвишини икки ҳисса оширди. Натижада табиий газ, электр таъминоти бўйича мурожаатлар сони ҳам орта бошлади.

**Аввал «труба»да,
энди эса «баллон»да...**

«Чорбоғ» маҳалласи Наманган тумани маркази Тошбулоқ шаҳарчасига туташиб кетган. Хаттоки, икки маҳаллани ажратиб турадиган бирон-бир белги ҳам йўқ. Таажжубки, ана шундай даражада марказга яқин маҳалла мана, бир неча йилдирки, зангори оловдан бебаҳра. Кўшни «Катта Тошбулоқ», «Хўжакишлоқ», «Миришкор» маҳаллаларида аҳоли бемалол табиий газдан фойдаланиб келаётган бир вақтда чорбоғликлар махсус баллонларда келтириладиган суюлтирилган газга навбат кутишмоқда.

— Аслида маҳалламиз бундан ўттиз йил муқаддам юз фоиз газлашган, — дейди фуқаролар йиғини раиси **Наимжон Тошбоев**. — Бунинг учун ҳар бир кўчага тармоқ тортилган, одамлар қарийб ўн беш йилга яқин табиий газдан бемалол фойдаланиб келишди. Лекин кейинчалик босимнинг пасайиб кетгани, тўловлардаги бошбошдоқлик сабаб маҳалламиз босқичма-босқич асосий тармоқдан узиб қўйилди. Дастлабки йили битта кўчада, кейинги йил яна бир кўчада, уч йил муқаддам умуман газ келиши тўхтади. Хонадонлар бирин-кетин суюлтирилган газ баллонига ўта бошлади. Ҳозирга келиб, 780 хўжаликнинг фақат 14 тасигина тармоқдан газ олади. Қолганларига эса газ баллон етказиб беришмоқда. Натижада ҳақиқатан ҳам, газ баллони алмаштириладиган кунлари навбат пайдо бўлиб, фуқароларимиз ўртасида можааролар келиб чиқишгача борапти.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Республикаимизда **6,8 миллиондан** ортиқ хонадон газлаштирилган бўлиб, бунинг қарийб **3,5 млн.** таси табиий газ, **3 млн. 400 мингга** яқини суюлтирилган газ билан таъминланмоқда.

Бугунги кунда табиий газдан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатаётган **84466** юридик истеъмолчиларнинг **6045** тасини саноат, **45 405** тасини яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этади.

2020-2025 йиллар давомида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш динамикасини инобатга олган ҳолда қўшимча **300 тага** яқин авто ва вагон-цистерналар, маиший газ баллон ташувчи

245 та автотранспорт харид қилиш,

32 та газ тўлдириш пунктлари ва станцияларига қўшимча сиғимлар ўрнатиш режалаштирилган. Натижада ойига **53 минг** тонна суюлтирилган газ истеъмолчиларга етказиб бериш имкони яратилади.

**Баллон алмаштириш
учун вақт, куч, «махорат»
керак...**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Наманган «тумангаз» идораси марказдан икки кадам наридаги ушбу маҳаллада ҳар қирқ беш кунда бир маротаба газ баллонларини алмаштириб беришни йўлга қўйган. Охирги маротаба шу йилнинг 3-4 сентябрь кунлари бўлиб ўтган ана шундай жараёнда навбат талашишлар, одамларнинг норозилиги кўп кузатилди. Ачинарлиси, асосан, уй бекалари бўлган истеъмолчиларнинг вақти газ баллони олиб келадиган машинани кутиш, келганида эса минг машаққат билан баллон алмаштиришга уринишини кузатиш осон эмас.

**Ўттиз йил аввал тортилган
тармоққа энди бошқа эга
чиқмоқда**

Маҳалладаги Боғзор кўчасида яшовчи 34 хўжалик бундан ўттиз йил муқаддам яхши ният билан хашар усулида ўз кўчасига табиий газ тармоғи тортган. Яъни ҳар бир хўжалик маълум миқдорда пул йиғиб, ўз кучи билан қарийб 3 километр масофага темир кувур тортиб келган. Бундан ўн йилча муқаддам эса дастлаб айнан шу кўча «Наманган тумангаз» томонидан марказий тармоқдан узиб қўйилди. Сабаб эса оддий — «босим паст, юқори худудга чиқмаяпти, аҳолининг қарздорлиги катта». Ўтган вақт оралиғида боғзорликларнинг газ таъминотида тааллуқли бормаган идораси, учрашмаган мутасаддиси қолмади. Кейинчалик, бутун маҳалла бошига ана шундай кун тушгач, «кўпга келган тўй» дея югур-югурларга барҳам берилди.

— Хашар билан тортилган табиий газ тармоғи қуёрулари шу кунларда кесиб кетилиши мумкинлиги ҳақида эшитиб, тинчимиз бузилади, — дейди меҳнат фахрийси **Турдиали Сулаймонов**. — Ахир, халқнинг



тулига тортилган тармоқни ўзбошимчалик билан кесиб кетишга кимнинг ҳаққи бор. Бунинг ўрнига таъминотчи корхона мутасаддилари тайёр турган тармоққа табиий газ бериш масаласини ўйлаб кўргани маъқул эмасми? Қолаверса, кўшни маҳаллаларда табиий газ таъминоти яхши бўлган бир ҳолатда нега бизнинг худуд бу табиий неъматдан бебаҳра қолиши керак?! Таъминотчи табиий газни берсин, биз тўловни вақтида амалга оширишни кафолатлаймиз. Ҳозир кўчамиздаги одамларнинг ҳоҳиш-истаги, талаби — шу!

Таъминотчи нима дейди?

Мазкур масалани «Ўзтрансгаз» АЖ Наманган вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиалининг Наманган тумани бўлимига бордик. Очиғи, чиройли бинода ҳукм сураётган сокинлик, яратилган замонавий иш шароитлари ҳавасимизни келтирди. Навбатчи табиий газ таъминоти бўлими раҳбарининг хонасини кўрсатиб юборди. Бу хона олдида катта навбат ва кизгин иш устидан чиқамиз, деган ҳадикда эдик. Амалда каттагина хонада, бир кишининг бемалол телефон ўйнаб ўтирганини қўриб, хайратимиз ошди. «Бўлим бошлиғимиз иш юзасидан «Галча» маҳалласига чиқиб кетганлар, мен, ўринбосарлари Иброҳим Қодиров бўламан» дея ўзини таништирди у. Масаланинг мохиятидан хабар топгач эса, куйидаги фикрларни билдирди:

— Дарҳақиқат, «Чорбоғ» маҳалласига табиий газ тармоғи тортилган ва узок йил таъминот бўлган. Лекин 2012 йиллардан сўнг маҳалла табиий газдан босқичма-босқич узилишига тўғри келди. Бойси бу худуд газ босими паст

ДАРВОҚЕ...

«Ўзтрансгаз» АЖ таркибидаги ўтган асрнинг 80-йилларида ташкил этилган Бўйхородаги «Газли» газни ер остида сақлаш иншооти қувватига кўра, дунёдаги **20 та** йирик иншоотнинг биридир. Ҳозирда газ сақлаш ҳажми бўйича дунёда **3-ўринда** турувчи «Газли»нинг қувватини **3,3 баробарга** ошириш бўйича бўйхора амалга оширилмоқда. Натижада мазкур омбор қувватига кўра, дунёдаги газни ер остида сақловчи **750 та** иншоот орасида **4-ўринга**, газ сақлаш ҳажми бўйича эса **2-ўринга** кўтарилади.

бўлган «кизил чизик»қа тушган. Ҳозирда эса уни яна қайта улашнинг илоҳи йўқ. Тортилган газ қуёруларини кесиб кетиш ҳақида эса эшитмаганман. Даво килинганидек, кўшни маҳаллаларда табиий газ борлиги тўғри. Лекин бу таъминот ҳам ўша худудларда 50 фоиздан ошмайди. Яъни ўша маҳаллаларда ҳам босим яхши бўлган кўчаларгина таъминланаяпти. Қолганларига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

Демак, чорбоғликлар бу кишда ҳам табиий газдан умид қилишмаса бўлади. Зеро, табиий газ таъминотида мастул бўлган идора мутасаддиларининг бепарволиги, бошқача айтганда, «дунёни сув босса, тўпингга чиқмаслиги» шундан далолат бермоқда.

Илҳомжон РАҲМАТОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

**Газ баллонлари етказиб
берилишини ким назорат қилади?**

— Аҳоли хонадонларига суюлтирилган газ баллонларини вақтида етказиб бериш масаласида кўпга муаммолар келиб чиқаяпти. Бундай ҳолатлар юзасидан қайси ташкилот иш олиб боради?

Ноира ЖўРАЕВА,
Наманган шаҳри.

Элмурод АХМЕДОВ, Энергетика вазирлиги хузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси мутахассиси:

— «Ўзгасгаз» инспекция» ўз фаолияти давомида доимий равишда газ таъминоти корхоналари томони-

дан суюлтирилган газни ўз вақтида ва амалдаги меъёрий талаблар асосида аҳоли хонадонларига етказилишини назоратга олган. Бу борада олиб борилаётган навбатдаги профилактик ва тезкор тадбирлар давомида, газ таъминоти корхоналарининг баъзи нопок ходимлари томонидан шахсий манфаатларини ўйлаб талон-торожликка йўл қўйиш, тасдиқланган графика роя этмаслик, қабул қилиш ва тарқатиш жараёнларида бирламчи хужжатларни нотўғри юритиш каби ҳолатлар аниқланди.

Жумладан, жорий йил бошидан 15 август кунига қадар худудларда ўтказилган профилактик тадбирлар давомида республика бўйича 90 та газ тарқатиш станциялари ва газ тарқатиш пунктлари томонидан аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш жараёнида 420 дан ортиқ қўпол кода бузилишлари аниқланиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Натижада иктисод қилиниши мумкин бўлган 25,2 минг тонна суюлтирилган газ миқдори аниқланди.

Қўқонда нархи 3 минг доллар бўлган электромобиллар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 мартдаги «Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси»га 50 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиб, унинг ҳисобидан қадим кентнинг «Микрорайон», «Сугдиёна» ва «Сартепа» массивларида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилиши белгиланганди.

АЙРИМ МУТАСАДДИЛАРГА ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ БЕГОНА... (МИ?)



Ажратилган маблағ ҳисобидан бажарилган ишларни ўрганиб, газетамизнинг жорий йил 20-27 июнь кунларида 28-сонда «Кўпчилик ичидаги кўзбўямачилик» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Афсуски, таъмирлаш ишларида масъул ташкилотлар ҳалигача мақолага ҳеч қандай муносабат билдирмади. Шундан сўнг балки сўзни эмас, амалини афзал билган мутасаддилар вақтини жавоб ёзишга эмас, муаммони ҳал этишга сарфлагандир, деган умид билан яна ўша манзил томон йўл олдик...

«Хужжатларга имзо қўйиб беришимизни сўрашяпти»

Дастлаб «Микрорайон» худудини кўздан кечирдик. Буюк Ипак йўли кўчасидаги 8 йўлакдан иборат 18-уйда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Аммо таъмирланган деворлар олдида каттиқроқ аса урилса, янги сувоқлари тўкилиб кетади.

— Йўлакларнинг ҳаммага кўринадиган биринчи қаватлари таъмирланди, юқори қаватларда эса тунги чироқлар ҳам йўқ, таъмирланмади ҳам, — дейди

ҲАДЕМАЙ КУЗНИНГ СОВУҚ КУНЛАРИ БОШЛАНИБ, ЗУМ ЎТМАЙ, КИШ ҚАХРАТОНИ ЭШИК ҚОҚАДИ. УНГАЧА БЎЛГАН ҲАР СОНИЯ ЭСА ҒАНИМАТ. ХЎШ, АЙНИ КУНЛАРДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КУЗ-КИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАЙ ДАРАЖАДА? БУ БОРАДА ЖОЙЛАРДА ҚАНДАЙ ЮМУШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ?

18-уй 3-хонадонда яшовчи Шохрух Бехбудий. — Биринчи қават йўлагига ҳаракатни сезиб ёниб-ўчувчи чироқ ўрнатилган, лекин бу чироқ уч ойдан буён кечаю кундуз ёниб туради. Ўчиришнинг иложи йўқ. Ертўладан турли ҳашаротлар чиқяпти, таъмирлаш ишлари эса ўлда-жўлда қолиб кетди, томондан тушадиган ёмғир сувлари учун қувурлар қўйилди, аммо сувнинг чиқиб кетиши йўли йўқ.

Шу уйнинг 6-хонадонидида яшовчи Владимир Сизиковнинг хонадонидидаги иссиқлик қувурлари уланмасдан қолиб кетган, бунинг устига, қувурлар алмаштирилганидан сўнг қаватлар орасида тешиклар очик қолган.

— Ўша пайтда мен шу уй бошқарувчиси эдим ва уйимиз «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамияти томонидан тўлиқ таъмирланиши режалаштирилганди, — дейди **Махфират Матрупова.** — Аммо қурувчи ташкилот раҳбарлари ҳар кунни мардикор бозоридан тажрибасиз ишчи олиб келиб ишлатди. Масъуллар ҳар доим уй атрофини ободонлаштириш учун алоҳида артезиан қудуғи, болалар майдончаси, нурунийлар дам олиш жойи қилинишини айтидилару амалда эса бу аҳвол. Уй олдида ёмғир сувлари учун бетон ариқ ўрнатилган, аммо сув оқиб кетадиган жойи йўқлиги сабаб ёмғир суви кириш йўлагигача тошиб келади. Энди бажарилган ишлардан розимиз, деб ҳужжатларга имзо қўйиб беришимизни сўрашяпти. Кўп қаватли уйлари таъмирлаш лойиҳаси туфайли қурувчилар машинали бўлди, биз эса уйимиздаги чала қолган ишлар қачон ва қандай ҳал этилишини кутиб яшаймиз.

Кизиги, мазкур худуддаги 20-уйнинг таъмирини кўрган кишининг ҳаваси келади. Уйнинг ташки кўриниши, айвон, йўлаклардаги ишлар, ўриндик, дам олиш жойи, барчаси кўнгилдагидек бажарилган. Ҳар иккала уйга смета тузилди, ишлар белгиланган ва шунга асосан маблағ ажратилган бўлсаю, нега унда ёнма-ён икки уйнинг таъмир ҳолати икки хил?

Ширкат раиси қачон ваъдасини бажаради?

«Микрорайон» худудидаги 12-, 14-, 37-уйларда ҳам таъмирлаш ишлари чала бажарилган. Худуддаги Али Қушчи кўчасида жойлашган



4-уйда таъмирлаш ишлари фақат қоғозда тўлиқ бажарилган.

— Йўлакларнинг кириш қисмига силлиқ кафель терилган, бу эса қор-ёмғирли кунларда сирганиб кетиши хавфини кучайтиради, бунинг устига, уларнинг бирортасида чироқ йўқ, — дейди **шу уйда яшовчи Татьяна Петрова.** — Бир неча йил олдин ширкат томонидан асосий ишлар бажарилганди, ҳозир қурувчилар том, қувурлар ва ертўлани таъмирладилар, холос. Кириш эшиклари, йўлаклар ва болалар майдончаси шундайлигича қолиб кетди. Бунки кимдан талаб қилишни билардик, ҳозир ширкат билмайдиган, қурувчини эса топиб бўлмайди, киши яқинлашяпти, таъмирлаш қачон тугагини билмаймиз.

Худуддаги «Зулфия строй-сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 10 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Лекин бу уйлarning биронтасида

белгиланган эди. Ўтган вақт давомида қандай ишлар бажарилгани билан қизиқдик.

— Ўша мақоладан кейин биронта масъул келиб аҳволини ўрганмади, натижа бўлмагач, Президент порталига мурожаат қилдик, — дейди **8-уй бошқарувчиси Сайёра Камилова.** — Бир ҳафтадан кейин Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан Маъруф исмли киши кўнгирок қилиб, мурожаатини ётишни сўради, имзо қўймаганимдан сўнг ширкатимизнинг собиқ ходимларини чақирди, улар ертўланинг сувини қуришти, иссиқ, совуқ сув, канализация қувурларини уч кунда алмаштиришди. Лекин 25-хонадон олдидаги ертўлага уланган чуқур ўз ҳолича қолиб кетди. Ўшандан бери ҳеч нарса ўзгармади, қурувчи эса май ойидан буён келмайди. Қурувчилар дастлаб ишни бошлаганида Янги йил байрамигача тугатишни айтганди, кейин Наврўз байрамигача, деди. Кейин яна ёз фаслини ваъда қилишди, энди яна

«КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИҲАСИ ТУФАЙЛИ ҚУРУВЧИЛАР МАШИНАЛИ БЎЛДИ, БИЗ ЭСА УЙИМИЗДАГИ ЧАЛА ҚОЛГАН ИШЛАР ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛИШINI КУТИБ ЯШАЯПМИЗ».

таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган. Бу ҳолатни ширкат раҳбари Абдухамид Мусурмонов қуйидагича изоҳлади:

— Уйлари таъмирлаш учун 4 та қурилиш ташкилоти бириктирилган, аммо улар белгиланган маблағнинг ярми билан шунча ишни битирди. Тез орада пулнинг қолган қисми ажратилса, таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланади. Яъни 10 та уйнинг кириш эшиклари тўлиқ домофонли янги темир эшикларга алмаштирилади, йўлаклар таъмирланади, чироқлар қўйилади, ўриндиклар ва чиқинди учун урналар ўрнатилади, уйга кириш йўлакларни бетонланади. Али Қушчи кўчаси 6-уй ва Тараққиёт кўчасидаги 45-уй ўртасида болалар майдончаси, артезиан қудуғи, дам олиш учун айвон қурилади. Таъмирлаш ишлари ортда қолган Тараққиёт кўчаси 45-уйда том ва эшиклар янгиладиган, йўлаклар таъмирланиб, уй тўлиқ рангланади.

Авалги эълон қилинган мақоламизда ширкатга қарашли 8-уй ертўласида сув тошиб, бадбўй хид таратаётгани ҳақида ёзгандик. Бу уйни мукамал таъмирлаш учун жамғарма томонидан 248 миллион сўм маблағ ажратилиши

Янги йилни қутамизми? Ширкат раиси ҳар сешанба кунини «бугун пул чиқади, эртадан қурувчилар ишни бошлайди», деб ваъда беради, аммо натижа йўқ.

Хулоса ўрнида...

Давлатимиз раҳбари бошчилигида жорий йил 5 сентябрь кунини куз-киш мавсумига тайёргарлик ҳолатига бағишланган видеоселектор йиғилишида мавсумга пухта ҳозирлик қўриш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди. Хусусан, иситиш қозонлари, ирригация ариқларини шай ҳолга келтириш, аҳоли эхтиёжи учун қўшимча талаб этиладиган электр ва газ таъминотини ҳисобга олиш, мавсум учун барча ишни вақтида бажариш бўйича масъуллар олдида тегишли вазифалар қўйилди.

Бу, албатта, кечиктириб бўлмайдиган юмушлардир. Берилган топшириқлар ижросидан келиб чиқиб ҳам соҳа мутасаддилари Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйлари таъмирлаш ишларини қисқа вақтда якунлашлари лозим эмасми? Ёки уларга халқ дарди билан яшаш бегонами? Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Масъуллар нима дейди?

— Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйларида ҳақиқатан ҳам, юқорида қайд этилган муаммолар мавжуд ва улар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётди, — дейди **Самарқанд шаҳар ҳокимлиги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Хайриное Шатанова.** — Шунинг эътиборига олиб, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган тегишли ташкилотлар ходимларидан иборат махсус гуруҳлар бу борада юзга келган муаммоларни босқичма-босқич бартараф этишга киришди. Таҳлилларга кўра, кўп қаватли бинолардаги таъмирлаш ишлари айрим лудратчи ташкилотлар томонидан юзаки бажарилган. Айни кунларда мазкур масалалар юзасидан масъулиятсизликка йўл қўйган айрим қурилиш ташкилотларига нисбатан зарур чоралар кўриляпти. Ўйлайманки, қисқа муддатларда бу муаммолар бартараф этилади.

Каркидон сув омбори тўлиғича Ўзбекистонга берилди.

ЯНГИ «УЙ ДАФТАРИ» МОЖАРОСИ

уни сотиб олиш мажбурийми ёки ихтиёрий?

«Энди уй дафтари юритиш мажбурий экан», «Бекор бўлган уй дафтари яна кучга кирибди» қабилидаги гап-сўзлар одамлар орасида турли тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Яқинда менда ҳам шундай саволлар туғилди.

Чамаси, бир ҳафтала олдин эшик кўнгираги чалинди. Очиб карасам, ташкарида кўлида бир нечта дафтар ушлаб олган киз турибди. Салом-аликдан сўнг маҳалла томонидан янги уй дафтари берилётгани, энди барча шу дафтардан фойдаланиши, паспорт столига эски дафтари олиб бориб, янгисига муҳр бостириб олишимиз кераклигини айтди. Гап орасида электр токи, газ ва ер солиғи тўловлари энди мана шу дафтарнинг орқасига ёзиб борилишини кўшимча қилди. Мен ҳам маҳалладан берилган экан-ку деб, эътирозсиз олиб қолаётгандим, аммо дафтар учун 10 минг сўм тўлашни лозимлигини эшитгач, нима учундир кўнглимга шубҳа оралади.

Тўғрироғи, кизнинг тушунарсиз изоҳларидан ҳеч нарсани англамай янги «уй дафтари» ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш истагида интернетни титқилай бошладим. Ахир, XXI аср — технологиялар даврида яшаймиз, шу масалага ҳам маҳалладагиларни овора қилмай дедим-да! Аммо, афсуски, уй дафтарларини янгилаш бўйича на бир қарор, на бир ҳукумат топириғи ёки бирон ҳуқуқий асос топдим. Шунда «Тошкентда яна «уй дафтари» қайта жорий қилинмоқда» сарлавҳали хабарга кўзим тушди. «Ана энди бу масалага ойдинлик киритаман», дедим ўзимча. 2018 йилнинг июль ойида чиққан хабарда Тошкентда кўп хонадонли уйларда яшовчилар учун аввал бекор қилинган уй дафтарлари яна жорий этилиши айтилган экан.

Шунингдек, «ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан тавсиявий тартибда ҳар бир хонадонга тегишли бўладиган №4 ва №5 формадаги рўйхат карточкалари эски тизим бўйича уй дафтарига алмаштириляпти. Мутахассисларнинг фикрича, улардан рўйхатга киритиш (прописка) ва рўйхатдан чиқариш билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳамда газ, электр, сув ва иссиқлик таъминоти хизматларига, жумладан, нотариал органларга ҳужжатларни тақдим этишда фойдаланиш қулай бўлади. Уй дафтарига хонадонда яшовчилар ҳақида барча маълумотлар киритилади. Тошкентликлар уй дафтарини китоб ёки газета сотиладиган чакана савдо дўконларидан олиши мумкин. У хонадон эгасида сақланади, бу тавсиядан фойдаланиш-фойдаланмаслигини унинг ўзи ҳал қилади», дейилган. Бу ерда ҳам маҳаллалардаги ҳовли-жойлар эмас, кўп хонадонли уйлар назарда тутиляпти. Аммо «уй дафтари»га берилган тавсиф кўлимдаги гап тўлиқ мос келади. Демак, дафтар маҳаллаларда ҳам тарқатилляпти.

Қизиги, фуқароларга, хабарда таъкидланганидек, дафтарни олиш ихтиёрий экани айтилмаяпти. Масалага ойдинлик киритишга қарор қилдим ва

ишни маҳалла раисининг олдига боришдан бошладим.

Туман кенгашидан хат олганмиз

— Бу масалада фуқаролардан менга кўплаб мурожаатлар келиб тушляпти, — дейди Тошкент тумани «Бозбон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Султонмуродов. — Одамларни дафтар чиндан маҳалла томонидан тарқатиляптими ёки бу «ишбилармонлар»нинг ишими, деган саволлар қизқтиряпти. Бу ерда ҳеч қандай қаллоблик йўқ. Аммо уй дафтарлари маҳалла топириғи билан ҳам тарқатилмаяпти.

Гап шундаки, янги кўринишдаги «уй дафтари» якка тартибдаги тadbirkor Мансуров Абдорхон Собирович томонидан ишлаб чиқарилаётган экан. Р.Султонмуродовнинг билдиришича, унга 2019 йилнинг 22 июль санасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент тумани кенгаши Тошкент тумани кенгаши бошқаруви раиси И.Саидкаримов имзоси билан Тошкент туманидаги барча маҳалла фуқаролари раисларига, деб қайд этилган қуйидаги мазмундаги хат келган: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент тумани кенгаши Сизга якка тартибдаги тadbirkor Мансуров Абдорхон Собировичнинг 2019 йил 3 июль куниндаги 13-сонли хатига асосан, ҳудудингиздаги хонадонларга уй рақами ўрнатиб бериш ва уй дафтарларини тарқатишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман» (матн ўзгартирилмаган ҳолда хат нусхасидан кўчирилди).

— Шундан сўнг янги «уй дафтари»ни кўриб чиқсам, ҳақиқатан, фуқаролар учун қатор қулайликларга эга экан, — дейди раис. — Шу боис маҳалламиз ҳудудида уйма-уй юриб тавсия этилишига рухсат бердим. Маълумки, 2022 йилда юртимизда илк бор йирик миқёсдаги аҳолини рўйхатга олиш тadbiri ўтказилади. Бу бўйича 2019 йилнинг 5 февралда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни тadbiri концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ҳам қабул қилинган. Янги тартибдаги «уй дафтари» эса аҳолини босқичма-босқич рўйхатга олиш жараёнида қўл келади. Боиси кўплаб хонадонлардаги «уй дафтар»лари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Айрим хонадонларда ҳамто «уй дафтари»нинг ўзи йўқ. Шунга қарамай, янги «уй дафтар»ни сотиб олиш мажбурий эмас ва уни олиш-олмастик фуқароларнинг ўзи ихтиёрида. Уни харид қилган инсонлар эса янги дафтардан фойдаланишдан олдин тартибга кўра унга ўз ҳудудларидан Миграция ва фуқаро-



ликни расмийлаштириш бўлиmlаридан муҳр қўйдириб олишлари лозим.

Барча ҳужжатлар тақдим этилган

— Июль ойида якка тартибдаги тadbirkor Абдорхон Мансуров туман кенгашига ҳудудлардаги хонадонларга уй рақами ўрнатиб бериш ва уй дафтарларини тарқатишда амалий ёрдам беришни сўраб хат ёзган, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент тумани кенгаши бош мутахассиси Отабек МУРОДОВ. — Тadbirkor бизга янги кўринишдаги «уй дафтари» учун олган муаллифлик ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон бўйлаб тadbirkorлик қилиш ҳуқуқига оид барча зарур ҳужжатларни тақдим этгач, дафтар билан танишиб чиқдик. Ҳақиқатан, бу «уй дафтари» эскиридан фарқли, қатор афзалликларга эга экани, фуқароларга газ, электр ва солиқ тўловларини қайд этиб боришда қулайлик туғдириши боис, тadbirkorнинг мурожаатига жавобан маҳалла фуқаролар йиғини раисларига ушбу масалада амалий ёрдам беришларини сўраб, хат ёсўнатдик. Аммо на тadbirkorнинг, на туман кенгашининг хатида мажбурий деган сўзнинг ўзи йўқ — фақатгина бу хат тавсиявий характерга эга. Шунингдек, дафтарнинг нархи ва уни тарқатаётганларнинг туман кенгашига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аммо «уй дафтари»нинг мажбурий сотиляётгани бўйича бизга фуқаролардан бир қанча норозилик мурожаатлари туғиди. Аслида, дафтар аҳоли орасида тарғибот қилиниши ва ихтиёрий тарзда сотиб олиниши керак эди. Аммо фуқароларнинг аксарияти «уй дафтари» маҳалла томонидан берилгани рўқач қилиниб, мажбурий сотилганини айтляпти. Натижада бунга маҳалла фуқаролар йиғини ва туман кенгаши айбдор бўлиб қолмоқда. Шу боис биз тadbirkorни чақириб, дафтарни тарғибот қилиш жараёнида аҳолига уни олиш-олмастик ихтиёрий эканини айтиши бўйича озоҳлантириш бердик. Фуқаролардан ҳам маҳалла томонидан берилляпти дейилган ҳар қандай маҳсулотни харид қилишдан олдин унинг тарқатилиши бўйича зарур ҳужжатларни талаб қилишларини сўраймиз. Бу ҳам ҳафсизликини таъминлаб, ҳам тушунмовчиликларнинг олдини олади.

Инновацион ғоя асосида яратилди

— Янги кўринишдаги «уй дафтари» ўз инновацион ғояи асосида яратилган бўлиб, уни ишлаб чиқариш учун тегишли тартибда муаллифлик ҳуқуқини олганман, — дейди якка тартибдаги тadbirkor Абдорхон МАНСУРОВ. — Маълумки, маҳаллаларда баъзан газ ёки электр таъминотида ишлайман деб, инсонлардан ноқонуний пул ундирадиш қаллоблар учраб туради. Мана шу ҳолат менга янги турдаги «уй дафтари» ғоясини ишлаб чиқишимга туртки берди. Яъни бу дафтар қаллобликларнинг олдини олишга ёрдам беради. У билан фуқаролар ҳар бир келган газ, электр ёки сув инспекторидан ўз исм-фамилиясини дафтар орқасидаги қайдар қисмига ёзиб, уни имзолаши, керак бўлса, печат босиб кетишини талаб қила олади. Бу хонадон эгаларининг инспекторларни яхши таниб олиши, ҳар гал кимга пул тўлаётгани ва безоналарни ажрата олишида ёрдам беради. Тўловлар бўйича муаммо чиққан вазиятларда эса дафтардаги қайдар орқали масалага ойдинлик киритиши осонлашади.

Ҳозирда маҳсулотни республика бўйича сотишга патент олганман. Шу боис секин-аста барча вилоятлар туман кенгашиларига хат билан мурожаат қилляпти. Аслида дафтарни дўконларда сотишимиз мумкин, аммо аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида маҳаллаларда юриб, ҳар бир хонадонга тавсия этилиши афзал кўрдик. Чунки орамизда «уй дафтари» эскириб, айримларники йиллар давомида сарғайиб кетганига қарамай, иш билан банд бўлиб, уни янгилай олмаётган инсонлар бор. Улар янги, янада қулай ва қатор афзалликларга эга «уй дафтари»ни жон деб сотиб оляпти. Аммо юқорида таъкидлаганимдек, дафтар тарғибот асосида тақдиф этиляпти, уни харид қилиш мажбурий эмас.

Бўлган воқеалар — шулар. Агар хонадонингизга бундай дафтар хали етиб келмаган бўлса, демак, уни олиб келишганида, энди сиз дафтар тadbirkorнинг инновацион ғояси экани ва шунчаки, тавсия асосида тарғиб этиляётганини биласиз. Асосийси, уни харид қилиш ёки қилмаслик сизнинг ўз ихтиёрингизда!

Ирола ТОШМАТОВА

«Чироқчи» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилади.

ОИЛАВИЙ МУАММОЛАР НЕГА ЖИНОЯТ БИЛАН ЯКУНЛАНМОҚДА?

МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУДУДДАГИ ҲОЛАТНИ «ЯХШИ» ҚИЛИБ КЎРСАТИШГА УРИНИШ ҲАРАКАТИ ВАЗИЯТНИ ЯНАДА ЧИГАЛЛАШТИРМОҚДА

Ён-атрофингизда бир-бирини айнан такрорловчи инсонлар борми? Албатта, ташқи кўринишидан ўхшайдиганлар топилади. Аммо бир кишининг ички олами, дунёқараши, турмуш тарзи ҳеч қачон иккинчи одам билан бир чорраҳада кесилмайди. Хўш, нега? Чунки ҳар ким бир китоб, унда ёзилганлар ўзга ҳикояю тақдирлардир.

Шунинг учунми, Наманганда ўз фарзандини деразадан улоқтирган она, Самарқандда укасига пичоқ ўқталган ака, Тошкент вилоятида тоғасининг қотилига айланган жиян билан боғлиқ воқеаларга кимдир оддий, яна биров ҳайрат ва надомат билан муносабат билдирди. Ачинарлиси, қонқариндошликдан чиқиб, бир-бирига ваҳшийларча қўл кўтарганлар билан бир қавмданмиз.

Тарғиботлар самараси нега сезилмаяпти?

Давлат ва жамоат ташкилотлари жиноятчиликни камайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида тизимли иш олиб бораётгани ҳақида гапирармиз. Бирок жиноят кўрсаткичлари юқориликча қолмоқда. Профилактика кунлари, жонли мулоқотлар, уйма-уй юриб ўтказилаётган суҳбатлар наҳотки самара бермаяпти? Нера?

Чунки ҳамон ишсизлар кўп, ҳамон оилаларда носоглом мухит ҳукмрон. Рақамларга эътибор қаратинг: Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ишсиз юрган шахслар томонидан 5 минг 226 та жиноят содир этилган. Биргина Сирдарёда меҳнат билан банд бўлмаганлар 97 та жиноят ташкилотчисига айланган. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 222 та маҳалланинг 134 тасида жиноятлар содир этилган. 48 тасида эса жиноятлар сони ортган.

— Сирдарё туманида 4 минг 939 нафар ишсиз фуқаро мавжуд, улардан 27 нафари жиноятга қўл урган, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Сайёра Ўдаева. — Оиладаги аксарият келишмовчиликлар моддий етишмовчилик сабаб рўй беради. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида барча йўналишдаги жиноятлар 28,4 фоизга камайган. Бирок оғир, ўта оғир жиноятлар, шунингдек, қасддан баданга оғир, ўртача ва енгил шикаст етказиш ҳолатлари кўпайган. Масалан,

туманининг «Пахтакор» маҳалласида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти 2 тага, «Хазина» маҳалласида эса ўғирлик жинояти 4 тага, «Матонат»да фирибгарлик 2 тага ошган. Жиноятларда иштирок этган шахслар бўйича таҳлилда эса ёшлар (159 нафар) энг кўп жиноят содир этгани аниқланди.

Жиноятлар сони ортган... (ми?)

Қашқадарё вилоятидаги вазият анча яхшилانган бўлсада, ижтимоий мухит барқарорлигига эришмаган ҳудудлар хануз бор. Чунончи, вилоятдаги 768 та маҳалладан 433 тасида жиноят содир этилмаган. 90 та йилги фаоллари ўтган йилги камчиликлардан хулоса чиқармаган чоғи, жиноятлар сони барқарор сақланган. Афсуски, 173 та маҳаллада вазият оғирлашган, яъни жиноятлар сони ошган. Оила-турмуш доирасидаги 977 та жиноятнинг 69 таси ўч олиш, 103 таси рашк, 303 таси мол-мулк талашниш сабаб содир этилган. Шунчаки келишмовчиликнинг чуқур илдиз отиши эса 253 та ҳолатда қонун талаблари бузилиши билан яқунланган.

Бу каби ҳолатларнинг урчишига, аввало, оилалардаги ижтимоий мухитнинг барқарор эмаслиги сабабдир. Шунинг учун оила-турмуш доирасида содир этилаётган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар салмоғи юқори. Биргина мисол. Шахрисабз шаҳрида истикомат қилувчи Бекзод (исми ўзгартирилган)нинг ўйламай, шошмашошарлик билан қабул қилган қарори хотинининг ўлимига сабаб бўлди. Ўзи чет элда ишлаб юрган йигит уйига қайтади. Турмуш ўртоғи ота-онаси билан жанжаллашиб ота уйига қайтганини эпитидию, ўлкасини қўлтиқлаб қайнотасиникига боради. Хотинини хиёнатда айбла, унга пичоқ ўқталади. Ўртага уларнинг 9-синфда ўқиётган фарзанди тушади. Бекзод хотини Нигора ва ўғлига жароҳат етказганидан қониқмай, ўзи билан олиб келган елим идишдаги бензин кийилгисини ётоқхонадаги кийим-кечаклар устига

ДАРВОҚЕ...

РАШК ҚОТИЛЛИККА САБАБ БЎЛДИ

Республикаимизда оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган 93 та қотиллик жиноятининг 37 таси эри томонидан хотинига нисбатан, 33 таси яқин қариндошига, 14 таси ака-укасига, 5 таси хотин эрига нисбатан содир этилган.

Жиноятларнинг 43 тасига ўзаро муросага келиша олмаганлик оқибатида, 17 тасига рашк ва 4 тасига ўч олиш мақсадида қўл урилган.

Оила-турмуш даражасида қасддан баданга тан жароҳати етказиш 12,5 фоизга камайган.

селип ёқиб юборади. Она-бола шифохонага етказилади, аммо Нигоранинг жони шу ерда узилади. Бекзод «қотил», деган тамғани олди. Фарзанд эса ҳам ота, ҳам она меҳридан мосуво қолди. Норасиданинг айби нима? Айтинг, у бу қисматта лойикмиди?

Фаолларни ишдан олиш — муаммо ечими эмас

Тўғри, ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Хўш, эрнинг хотинини, жияннинг тоғани, онанинг фарзанди қотилига айлантирган важ нима? Эрхотин ўртасидаги сурункали жанжаллар, йиллар давомида йиринглаб кетган қариндош-уруғ орасидаги адоват, оилада ўзаро ишончнинг шакланмаганию «мен»идан бошқани тан олмайдиган эгоистлик. Сабаблар аён, аммо ечим аниқ эмас.

Бундай пайда оддий ва доимий бўлган биргина ечим бор: айб маҳаллага ағдарилди, фаоллар масъулиятсизликда айбланади. Тўғри, қолипга тушган доимий ечимда ҳам жон бор. Ахир, фаоллар маҳалла хонадонларидаги вазият-

дан хабардор бўлиши, оила аъзоларига тўғри йўл кўрсатиши керак. Бирок «айб сенда» деб маҳалла раисию профилактика инспекторини ишдан олиш билан иш битмайди-ку?!

Нима қилиш лозим?

Аввало, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг қай бўғинида сусткашликка йўл қўйилётгани аниқланиши даркор. Шундагина топишган ечим амалда ҳам самара беради. Афсуски, бу муаммо фақатгина бир ҳудудга хос эмас.

— Оила-турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар таҳлили ўрганилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бош мутахассиси Шахзода Рашидова. — Чунончи, ўтган йили қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳаётий тажрибасизлик, ҳуқуқий онгнинг пастлиги каби ҳолатлар натижасида, жиноятлар эса оиладаги муросасизлик, ишсизлик, ишончсизлик сабаб рўй бергани аниқланди. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг асосий иштирокчилари 25-35 ёшдаги шахслар экани ойдинлашди.

Албатта, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, оқибатларини камайтириш мумкин эди. Аммо бунга 2 та асосий омил тўсқинлик қилган: биринчидан, ўзбек оилаларидаги муносабатларнинг «оила сири»,

«оилани сақлаб қолиш», «оила ор-номуси» каби ўзига хос хусусиятларга эгаллиги бўлса, иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъул ходимларининг маъмурий ҳудудда вазиятни «яхши» қилиб кўрсатишга уриниш ҳаракатининг натижасидир. Хар ким зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажарса, лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўй-масагина, вазият ўнгланади. Шундагина кичик келишмовчилик сабаб эр хотиннинг, тоға жияннинг, қайнота келиннинг қотилига айланмайди.

Имкониятлардан унумли фойдаланинг!

Бугун маҳалла ҳудудларидаги ижтимоий мухит барқарорлигини таъминлашда асосий қучага айланган. Ютуқлар билан бирга камчиликларга йўл қўйилмаётгани ҳам ҳақиқат. Аммо фаолиятга «Шундай юрсак ҳам бўлаверадим», «Жиноятчилик биттага камайди» деган ёндашиш фидойи, жонкуяр фаоллар учун хос эмас. Чунки сиз бор имкониятларингизни ишга солсангиз, улардан унумли фойдалансангиз, нафақат ижтимоий мухит барқарорлигига эришсангиз, балки республикаимиздаги энг илғор маҳаллалардан бирига айланасиз.

Бунинг учун иш жараёнини тизимли ташкил этиш жоиз. Бу борада «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги патруль ва «Маслаҳат гуруҳлари»нинг ўзи сизга катта таянч ва маслаҳатчи бўлади.

Садоят МАХСУМОВА
«Mahalla»

Экспорт улуши юқори бўлган корхоналарга имтиёзлар берилди.

МАСТЛИК МУДҲИШ ФОЖИАЛАРГА САБАБ БЎЛЯПТИ

«Тўйдан қайтаётгандим, озроқ ичгандим. Тўғри, уриб юбордим шу болани, энди шунга шунчами? Нима қиласизлар мени, икки-уч йил қамалсам қамаларман, кейин чиқиб келаман-да...»

Ижтимоий тармоқларда маст ҳолда автомобиль бошқариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ва 15 ёшли ўсмирнинг умрига завољ бўлган ҳайдовчининг ана шу сўзларини эшитган борки, бу инсоннинг қилишига пушаймон бўлиш ўрнига қаҳрамонлик кўрсатгандек баралла гапираётганига ҳайрон қолди. «Икки-уч йил қамалсам қамаларман, кейин чиқиб келаман-да», деяётган бу одам ана шу жувонмарг бўлган бола ўрнига ўз ўғли ё кизини қўйиб кўрсин-чи?..

Ҳа, ота-она учун бу фоний дунёда фарзанд доғидан-да огирроқ ғам-андух бўлмаса керак. Бу фалокат туфайли яққало ягона ўғлини не-не орзумидлар билан улғайтираётган, унинг кун сайин ўсаётган бўй-бастига қараб бахт таъмини туяётган ота-она бошига осмонлар кулаб тушди гўё. Ҳаётдан тўймаган бир навинҳолнинг кўзлари очик кетди...

Маълумотларга кўра, Навоий вилоятида жорий йилнинг саккиз ойи давомида

бошига айланишига катталар сабабчи бўлаётгани ачинарлидир. — дейди Навоий вилояти ИИБ ЙХХБ матбуот хизмати раҳбари Фаррух Якубов. — Маст ҳолда транспорт бошқариш қатъи тақиқланган. Бунинг учун қонунчиликда жазо чоралари белгиланган. Шунга қарамай, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда транспорт бошқарувчилар сони камаймаяпти. Олти ҳолатда айнан маст ҳайдовчи содир этган автоҳалокат туфайли мактаб ёшидаги болалар ҳаётдан кўз юмган. Яна бир ачинарли жиҳати, йўл ҳаракати ҳодисалари сабабли вояга етмаганлар ўлими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 тага кўпайган.

Болангизни назоратсиз қолдирманг!

Фаёзбек Зарафшон шахрида яшарди. Ўн ёшли бу болакайнинг ақл-заковатию фаҳм-фаросатига ҳамма ҳавас қиларди. 4-синфни аъло баҳо-



— Фаёзбекка 5-синфда ўқини насиб этмади, — дея кўзига ёш олади онаси Нафосат Зиёева. — У муҳим автоҳалокат қурбони бўлди. Таътилда ўзимиз шаҳарда қолиб, دادасининг дўстлари билан Фаёзбек ва укасини қишлоққа жўнатгандик. Тайёр машина, эртага орқасидан етиб борамиз, деб ўйлабмиз. Ўзимиз билан олиб қолсак, шу фалокат бўлмасмиди? Бунинг учун бир умр ўзимни кечиролмайман. Балки Аллоҳнинг санаб берган кун, ўлчаб берган ризқи шудир, аммо болани бировга бериб юбориб, унинг ўлимига сабабчи бўлдим...

Фаёзбекнинг фожиали тақдири билан боғлиқ автоҳалокат жорий йилнинг июль ойида, «Зарафшон — Қонимех» йўлида, ҳайдовчининг тажрибасизлиги, тезликни оширтгани боис бошқарувни йўқотиб, машинани йўл тўсигига уриши натижасида содир бўлган. Фарзанд доғи ўртаётган ота-она бу фожидада ўзларини ҳам сабабчи деб билишмоқда, бироқ энди афсус-надоматдан наф йўқ. Навоий вилояти ИИБ ЙПХБ инспекторларининг таъкидлашича, болалар билан боғлиқ автоҳалокатларнинг 40 фоизи

ота-оналар фарзандларини назоратсиз қолдириши оқибатида рўй бераётир.

Маст ҳайдовчи автоҳалокат содир этиб, воқеа жойидан қочиб кетди

Жорий йилнинг 31 август кунни Кармана туманида яна бир муҳим автоҳалокат содир бўлди. «Навоий — Бухоро» йўналиши бўйлаб ҳаракатланётган автоулов ҳайдовчиси маст ҳолда бошқарувни йўқотиб, машинани бетон тўсикка урган. Натижада автоуловда йўловчи сифатида келаётган 29 ёшли Насиба Абдуллаева огир тан жароҳати олган. Ширакайф ҳайдовчи эса унинг ахволи огирлигини била туриб, биринчи ёрдамни кўрсатмай, воқеа жойидан қочиб кетган. Оқибатда йўловчи шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмган.

— Насиба билан танишганимга бир йил бўлганди, ўша кунни у билан бирга овқатланиб, озроқ спиртли ичимлик ичгандик, — дейди Кармана туманидаги «Каттамачит» маҳалласидан Жавоҳир Нишонов. — Насиба бир иш билан қишлоққа бориб-қелишни илтимос қилди. Спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлсам-да, уни хафа қилмаслик учун рулга ўтирдим. Тезликни оширганимни сезмай қолибман. Машина тўсикқа урилгач, Насибанинг қонга беғаниб ётганини кўриб, қўрқиб кетдим. Шу боис унга биринчи ёрдам кўрсатмасдан, қочдим.

«Бузокнинг югургани сомонхонагача», ширакайф ҳайдовчи ҳам узокка боролмади, орадан бир кун ўтиб у қўлга олинди. Энди қилмишидан пушаймонлигини айтиб, ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларидан ўзига енгиллик қилишни сўраяпти. Аммо «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман», деган нақл бежиз айтилмаган.

Жазони кучайтириш керак... (ми?)

Рақамларга мурожаат қилсак, йил бошидан буён Навоий вилояти бўйича давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 768та маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш ҳолати аниқланган. Шундан 9 ҳолатда автоҳалокат келиб чиққан. Натижада 6 киши ҳаётдан кўз юмган, 7 нафар шахс жароҳат олган. Статистикадан аниқлаш мумкинки, кунга камида уч-тўрт киши маст ҳолда машина ҳайдаш фалокатга сабаб бўлишини ёки огир қонунбузарлик эканини билишмайдими? Ё бўлмаса, қондабузарлик учун белгиланган жазо чораларидан ҳайи-кишмайдими? Қонунчиликка кўра, сарқуш ҳолда транспорт воситасини бошқарган кишилар уч йилгача машина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва маълум миқдорда жарима солинади. Агар озодликдан маҳрум қилиш ёки беш-ўн йилга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан айириниш каби кескинроқ чоралар қўрилганда, кишилар сарқуш ҳолда машинага ўтиришдан олдин бир оз сергак тортишармиди...

Албатта, бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ЙХХ хизмати ходимлари томонидан мунтазам тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай, бундай нохуш ҳолатларга бутунлай чек қўйиб бўлмаяпти. Ҳатто ҳайдовчилар ва уларнинг яқинлари томонидан ЙХХ хизмати ходимларига зўравонлик қилиш, уларни ҳақоратлаш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Сарқушликни қай бир донишманд ўз ихтиёри билан ақдан озиш машқи, дея таърифлаганди. Афсуски, қиминилар ўзи истаб, нафс йўлига кириб, ақдан бегона бўлиши ўзгаларнинг, бегуноҳ бошқа инсонларнинг жабр чекиши, ўлимига сабаб бўлмоқда. Оқил ўзганинг, нодон эса ўзининг қилмишидан сабоқ олади, деганлар шундай бўлса керак.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»



йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 22 нафар вояга етмаган тан жароҳати олган. Афсуски, уларнинг 9 нафари вафот этган. Ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси мактаб ёшидаги болалардир.

— Болаларнинг ҳалокат қур-

ларга битирган Фаёзбек ёзги таътилни китоб ўқишу шахмат ўйнаш билан ўтказаятганди. Жонажон мактабини, устозлари ва синфдош дўстларини соғингани боис янги ўқув йилини сабрсизлик билан кутаётганди. Аммо...

МЕНДА САВОЛ БОР...

Маст ҳолда автомобиль бошқарса...



— Ўртоғим маст ҳолда автомашина бошқариб, қондани бузгани учун жавобгарликка тортилди. Айтиш-чи, қонунчиликда бундай ҳуқуқбузарлик учун қандай жазо чораси белгиланган?

Темурбек РУСТАМОВ,
Навоий вилояти.

Ўқтам УСМОНОВ,

Навоий вилояти ИИБ матбуот котиби:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси «Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш» деб номланган бўлиб, унга мувофиқ, ҳайдовчиларнинг

транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса — базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади.

Хизмат сафарлари харажатларини қоплаш тартиби ўзгарди.

АНДИЖОНДА ҒЎШАНГАДАН ҚОЧГАН КЕЛИН, 36 МИНГ УЙСИЗ ОИЛА ВА 336 ТА БУЗИЛГАН РЎЗҒОР ҲАҚИДА



Андижон шаҳрида яшовчи обрўли бир оиланинг қизи келин бўлди. Куёв узок йиллар чет элда ишлаб анча сармоя тўплаган, уддабурон йигит экан. Афсуски, тўйдан уч кун ўтиб, келинчақ ота уйига қайтиб келди. Воқеанинг давомини Андижон шаҳар «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари Ҳабибахон Жўрабоевдан эшитдик.

Никоҳ кечасидаги зўравонлик

— Буни қарангки, «қўча кўрган эчки» биринчи кечада ўз жуфти ҳалоллига зўравонлик ишлатган, — дейди **Ҳ.Жўрабоев**. — Табиийки, қиз эртаси кунни ота уйига қочиб кетган. Оилаларни сақлаб қолиш учун қонун ва ахлоқ доирасидаги барча ҳаракатларни бажаришимизга тўғри келди. Шу боис ими-жисмида куёв билан умуман бошқа тумандан бўлган

диний уламнинг суҳбатини ташкиллаштирдик. Кўпни кўрган қори муқаддас динимиз, ўзбекчиликда эр кишининг оила қилиш шартлари, талаблари тўғрисида ёш йигитга тушунтириш берди. Аёлининг эридаги ҳақларини бирма-бир санаб чиқди. Бу талабларга амал қилмаганлар жамиятнинг лавна тигида дучор бўлиши, гуноҳга ботилиши асослаб берди. Амалимиз таъсир қилди, тезда ёш оила тикланиб кетди.

Бир вилоятда 336 та оила барбод бўлди

Бугун жамиятимиздаги энг оғриқли жихатлардан бири бу — оилавий ажралишлар ҳисобланади. Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида вилоятимизда 336 та оила барбод бўлди. Шулардан 162 таси ёш оилалар ҳиссасига тўғри келяпти. Талқикот маркази таҳлилларига кўра, ажралишларнинг асосий сабаблари қайнона - келин муносабатларига бориб тақалмоқда. Ўғил-қизларни турмушга тайёрламаслик, ҳаётнинг паст-баландини тушунтирмаслик оғир оқибатларга олиб келмоқда. Оталар алимент тўлашдан қочиби, фарзандларини суд орқали бўлиб олишга ҳаракат қилляпти. Бундай ҳолатда

фарзандларнинг ота ёки она меҳрига зор қилиши уларни ташвишга солмаяпти.

Ажралишларга қатор омиллар сабаб бўляпти. Жумладан, «Никоҳ шартномаси» асосида турмуш қуриш масаласи ҳамон эътибордан четда қолаёттир. Ота-оналар бу иш менталитетимизга мос эмас, у европаликлар томонидан ўйлаб топилган ортикча дахмаза, деб иддао қиладилар. Тўғри, никоҳга кирувчилар «Никоҳ шартномаси» тузишга мажбур эмас. Лекин айнан мана шу ҳукукий ҳужжат бева аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга имконият яратади. Аёлларнинг камситилишига сабаб бўладиган омиллар фақат шулар билан чекланса қошқини эди. Ҳозир Андижон шаҳрида келинларни ҳонадон рўйхатига расмийлаштирмаслик ҳам урф бўляпти. Бу масалада фуқаролар йиғинлари, ФХД, профилактика инспекторлари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси

болали аёлларга Меҳнат кодексига кўзда тутилган имтиёзларнинг яратилмаслиги, айниқса, хусусий корхоналарда белгиланган вақтдан ортикча ишлатилаётгани, улар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда қатор муаммоларга дуч келаётганлиги, мута-

ДАРВОҚЕ...

2019 йилнинг биринчи уч ойи мобайнида «1146» ишонч рақамига келиб тушган мурожаатлар таҳлиллари оиладаги маиший зўравонликлар орасида энг кўп тарқалгани хотин-қизларга нисбатан зўравонлик эканини тасдиқлади. Яъни **430 та** мурожаатдан **207 та** ҳолатда аёллар турмуш ўртоқлари томонидан турли шаклдаги зуғумга дучор бўлаётганидан шикоят қилган.

«**Оила маркази томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 19,5 минг оила бошпана учун тўлов қобилиятига эга. Қолган 16,5 мингтасида эса бундай имконият йўқ.**»

томонидан ташкил этилаётган ишчи гуруҳлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳам сезиларли самара бермаяпти.

12 минг оила умумий ётоқхонада яшашга рози

Ҳозир Андижон шаҳрида 103 минг оила истиқомат қилади. Шундан 36 мингтаси уй-жойга муҳтож. Оила маркази томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 19,5 минг оила бошпана учун тўлов қобилиятига эга. Қолган 16,5 мингтасида эса бундай имконият йўқ. Яна 12 минг оила умумий ётоқхоналарда ҳам яшашга розилигини инобатта олсак, аёлларнинг эмин-эркин ва осойишта ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун ҳали анча бош қотириш зарурлиги ойдинлашади.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, меҳнат жамоаларида

садди раҳбарларнинг бепарволиги, ариза ва шикоятларни ўз муддатига қўриб чиқмаслиги ҳам хотин-қизларнинг камситилишига сабаб бўлмоқда.

Янги қонун вазиятни юмшатадими?

Албатта, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни бу борадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беради. Ушбу ҳужжат Европа ва Осиё давлатларининг шу йўналишида эришган тажрибалари асосида ишлаб чиқилгани мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, у маҳаллий шарт-шароитга мослаштирилганида таъсир кучи янада самарали бўларди.

Масалан, корхона ташкилотлар, ўқув муассасаларида хотин-қизлар қўмиталарининг бошланғич ташкilotини тузишга алоҳида эътибор қаратиш, қўмига аъзоларига ташкилот раҳбариятининг соҳадаги қарорларига таъсир ўтказа оладиган даражадаги ваколатларини бериш аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза этишда муҳим роль ўйнаган бўларди. Ўйлайманки, ҳаёт давом этар экан, депутатларимиз яратётган қонун-қондалар ҳам тобора такомиллашиб бораверади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳимоя ордери нима?

— Яқинда мамлакатимизда «Хотин-қизларни тазйиклар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонун кучга кирганидан хабаримиз бор. Шу муносабат билан кейинги кунларда аёлларга тақдим этиладиган «Ҳимоя ордери» тўғрисида кўп гапирилляпти. Бу ордер ўзи нима эканлиги тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

Нодира КАРИМОВА,
Тошкент шаҳри Юнусобод тумани

Хасан ТОШХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, «Хотин-қизларни тазйиклар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга «ҳимоя ордери»ни тақдим қилиш тўғрисида меъёрлар мавжуд. Ҳимоя ордери — тазйик ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга

тазйик ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат ҳисобланади. Ҳимоя ордерида тазйик ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг жабрланувчи билан алоқасини тақиклаш. (Бунда иш жойлари ёки таълим муассасаларида жабрланувчининг тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билво-

сита алоқасига йўл қўйилади.) Жабрланувчи ҳамда зўравоннинг бир хонада бирга бўлишини тақиклаш. Зўравоннинг зиммасига жабрланувчинини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун ҳаражатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиёни компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш қабиларини назарда тутлади.

Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиш чоғида зўравоннинг қилмишида Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиш билан бир вақтда иш материаллари жиний жавобгарликка тортиш масаласини хал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

Шифокорни ким ҳимоя қилади?

Ижтимоий тармоқларда ҳафта оралаб «фалон жойда тиббиёт ходимига тажовуз қилинди» деган хабарларга кўзингиз тушади. Ҳар гал қонунбузарга нисбатан ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жиноий иш қўзғатилишига қарамай, орадан маълум вақт ўтиб яна шундай ҳолат такрорланганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, ўтган ойда Сирдарё вилоятида беморнинг яқини шифокорларни пичоқлаши, Андижонда эса шифокорлар хонасига бензин сепиб ўт қўйилиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Булар — ижтимоий тармоқларда тарқалгани, биз билмаган, ҳатто ҳуқуқий чора кўрилмаган (чунки ҳамма ҳам ҳуқуқ-тартибот идорасига мурожаат қилишни ўзига эппилмайди ёки бошқа сабаб туфайли) зўравонликлар қанча бўлса...

Сабаб нима?

Маълумотларга қараганда, биргина Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудлардаги филиалларида 2018 йил ва 2019 йилнинг дастлабки олти ойи давомида 50 дан ортиқ тиббиёт ходимларига бемор ва унинг қариндошлари томонидан тажовуз қилиш ҳаракатлари содир этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими томонидан изоҳ берилишича, тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳолатларининг содир этилишига асосий сабаблардан бири ушбу қилмиш учун кўзда тутилган жиноий жазоларнинг бирмунча либераллигидир.

Нима учун ички ишлар, прокуратура идораси ёки суд ходимига нисбатан бундай тажовуз бўлганини жуда кам эшитамиз? Сабаби, қонунни бундай шаклда бузмокчи бўлган фуқаро қилмиши учун оёғини ерга теккизмай олиб бориб, қамаб қўйишлари мумкинлигини яхши билади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бир муддат олдин Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан ўз хизмат вазифаси-


ни бажариб турган тиббиёт ходимига бемор ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан ғайриқонуний равишда тажовуз қилиниши ёки уларга тан жароҳати етказилишидан иборат қилмишларни Жиноят кодексининг безорилик учун жавобгарлиқни кўзда тутувчи 277-моддаси билан квалификация қилиш ҳамда ушбу ҳаракатларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш таклиф этилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирлиги шифокорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Бош прокуратурасига ҳам мурожаат билан чиқиб, юқоридаги ҳатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлиқни кучайтириш ташаббусини илгари сурди.

Нима учун ички ишлар, прокуратура идораси ёки суд ходимига нисбатан бундай тажовуз бўлганини жуда кам эшитамиз? Сабаби, қонунни бундай шаклда бузмокчи бўлган фуқаро қилмиши учун оёғини ерга теккизмай олиб бориб, қамаб қўйишлари мумкинлигини яхши билади.

«Самосуд»га жазо борми?

Тўғриси айтганда, фуқаролар бундай ҳатти-ҳаракатга қучли ҳис-ҳаяжон таъсирида қўл уришади. Гўёки айбдорни

Ёхуд тиббиётчиларга қилинаётган тажовузлар нотўғри тасаввурнинг мевасими?



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

ХАЛҚАРО ФОРУМ ДОИРАСИДА 22 ТА КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

Жорий йил **13-14 сентябрь** кунлари Наманганда ташкил этилган халқаро тиббиёт ва фармацевтика форумида Россия, Хитой, Ҳиндистон, Германия, Австрия, Исроил, Миср, Покистон, Словакия ва Украина компаниялари билан умумий қиймати **92,7 миллион** АҚШ долларилри **22 та** келишувга эришилди.

Жумладан, «Косонсой фарм» ЭИЗда фаолият юритувчи «Спринг фармацевтик» МЧЖ ҳамда Мисрнинг Pharco pharmaceuticals corporation компанияси ҳамкорлигида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича **30 миллион** ҳамда Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан Австриянинг AME International GmbH компанияси ўртасида вилоят кардиология марказини жиҳозлаш учун **10 миллион** АҚШ доллари, «Мерримед Фарм» МЧЖ билан Германиянинг Textima Export Import компанияси ўртасида қўл тармоқли тиббиёт маркази ташкил этиш юзасидан **30 миллион** евро миқдоридаги шартномалар имзоланди.

Шу билан бирга, форум доирасида маҳаллий ва хорижлик малакали мутахассислар ҳамкорлигида юқори технологияга асосланган **40 га** яқин мураккаб операциялар, жумладан, вилоят тарихида биринчи марта буйрак қўчириб ўтказиш амалиёти ҳам муваффақиятли бажарилди.

сида тиббиёт ходимларига нисбатан шакланган салбий фикрни йўқотишга эришиш лозим. У ер-бу ерда «врачлар порахўр, пул бермасанг, даволамайди» деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Шунинг таъсирида, даволанаётган яқинимиз соғлиғида бирор салбий ҳолат кузатилса, бирор асосимиз бўлмаса-да шифокорни маломат қилишдан ўзимизни тиймаймиз. Соҳада фаолият кўрсатаётган айрим нафси бузуқ, таъмагир ходимларни деб шифокорларни ёппасига ёмонотлиқ қиламиз. Ахир, уларнинг мураккаб ва маънавий ҳаётини туфайли қанчадан-қанча дардманлар шифо топади, ҳаётга қайтади. Тиббиётчиларга қилинаётган тажовузлар аини шу нотўғри тасаввурнинг меваси деб ўйлайман. Бундай янглиш тушунчани ўзгартириш учун

шифокор меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, тизимдаги нопок ходимларнинг қилмишига тегишли баҳо бериш, қолаверса, жойларда маҳалла фаоллари ва тиббиёт ходимлари биргаликда аҳоли билан иш олиб бориши лозим.

Хулоса ўрнида

Чиндан ҳам, тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилиш, уларнинг соғлиғига зийн етказиш, тахқирлаш ҳолатлари барчамизни жиддий ташвишга солиши керак. Чунки бундай муносабат соҳа эгаларида ўз касбини рағбатни сусайтириши, тизим малакали кадрларидан ажралишига олиб келиши мумкин. Бундан фақат ва фақат жамият ютказишини, ҳар биримиз панд еишимизни эсдан чиқармайлик.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Нима учун тиббиёт ходимлари оқ либос киядилар?

Ўрта асрларда шифохона ва госпиталлар йўқ эди, шунинг учун Европада тиббий ёрдамга муҳтож кишилар монастырларда стационар равишда даволанишган. Монастир касалхоналари шифокат ҳамшираларининг аънавий либослари — узун тўқ рангли кўйлак ва оқ фартуқ билан оқ рўмол бўлган.

1860 йилларда инглиз шифокор-гигиенисти Жозеф Листер антисептиклар назариясини ишлаб чиқди ва ундан кейин тиббий либослар тарихи бошланди. Секин-аста фартуқлар ва никоблар пайдо бўлди. Оқ халатлар биринчи бўлиб доимий амалиётта 1870 йилда Франция-Пруссия уруши пайтида немислар томонидан киритилди. XX аср бошларида жарроҳликда оқ фартуқлар, калпоқчалар ва никоблардан фойдаланиш кенг тарқалди.

Лондондаги Роял Фри госпиталида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, беморларнинг кўпчилиги шифокорларни оқ либосларда кўришни афзал қўришади. Бунга асосий сабаб оқ либослар узок масофадан шифокорни кўришга ёрдам беради.

Афсуски, тез орада классик стерил оқ рангли тиббий халат тарихга айланади. Унинг ўрнига амалий қудай бўлган қўқ би-нафшаранг, апелсин ранг, яшил ва ҳоказо рангларда кийимлар ишлатилмоқда.

белгиланган, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими Абдуҳалил Турсунов. — Бундан ташқари, ушбу қилмиш олиб келган оқибатлардан келиб чиқиб, жазо янада оғирлашиши мумкин. Институтимиз ҳозирда «Ўзича судлаш»дан келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилмоқда. Хориж таъжрибасини ўрганиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифлар устида иш олиб бораёلمиз. Мақсадимиз «самосуд» билан боғлиқ жиноятларга жавобгарлик белгилашда мустаҳкам қонунчилик тизимини яратишга эришишдир.

Салбий тасаввурни ўзгартириш зарур

— Эз соғлиғи йўлида туну кун хизмат қилаётган шифокорларга нисбатан бундай муносабатни ҳечам оқлаб бўлмайди, — дейди кеска шифокор Тоҳир Иброҳимов. — Аммо бир нарсани эсдан чиқармаслик лозим. Халқ ора-

Қидирувда бўлган шахс паспортининг амал қилиш муддати тўхтатилади.

«ИНСОН БИЛАН ТИРИКДИР ИНСОН...»

Кўлдош ака одатича қўлида тоққайчи билан томорқасида қўймаланиб юрган эди, ногоҳ девор ортидан қўшнилариинг гангур-гангур овози қулоғига чалинди. Кўп ўтмай, шовқин кучайди: даҳанаки жанг етилиб келаётгани аниқ эди. Кўлдош ака беихтиёр қаддини ростлаб, қулоқ солди: девор-дармиён қўшниси Баширали туғишган акаси билан тортишаётган эди.

Хуррам ака укасини қора тортиб, шу ерга иморат соляпти. Янги лойиҳага кўра, Баширалига тегишли томорқанинг бир қисми энди акасига ўтиши лозим. «Хўйнахой, жанжал ана шу томорқадан чиққанов, — дея ўзинча тахмин килди Кўлдош ака. — Баширали-ку гирт жинни (одамлар бежиз унинг исмига «жинни» сўзини қўшиб айтишмайди), кўзига кон тўлса, отасиниям танимайди. Аммо Хуррам ака оғирлик қилса бўларди. Харқалай, укасининг феълини билади-ку. Аслида шу ерга қўчиб келиб чакки қилипти. Харна бўлсаям жигарим деганда. Мана энди, «узюкдаги кишинашар, яқиндаги тишлалар» деганларидай...»

Хаял ўтмай, девор ортидан дарахтларининг қарсиллаб кесилгани эшитилди. Баширали хар болта урганда «их, их» дея бор захар-зугумини тўкиб соларди. Кўлдош ака ҳалиги тахминни тўғри чиққанини фахмлади. Шошиб тоққайчини белига кистирдию можаро бўлаётган томонга ошқиди. Бориб девордан мўраланди бир зум хайратдан қотиб қолди: Баширали гуллаб-яшнаб турган мевали боғни кийратиб кесар, боёқши Хуррам ака кўзларига ишонмай, бир четда тушимми-ўнгимми, дея мунгайиб қараб турарди.

Кўлдош ака девордан ошиб ўтгунча яна бир неча қимматли дақиқа ўтди. Болта хар урилганда ичида бир нима чирт-чирт узилиб тушаётгандек сесканар эди. Кесилаётган дарахтларнинг аксариятини Кўлдош ака ўз қўли билан пайвандаганди.

— Тўхта! Тўхта дейман! — Кўлдош ака жон ҳолатда югуриб келиб, Баширалининг қўлига ёпишди ва болтани тортиб олди. — Эсингни едингми? Дарахтда нима гуноҳ? Уволидан қўркмайсанми?

Аёвсиз, кийратиб кесилган ёш ниҳоллар ерда чўзилиб ётар, омон қолган икки-уч туп олма, беҳи қўчалари бу кўнгилсиз можародан афсуслангандек, баҳор шабдасида хомуш бош чайкаб турарди. Бу нохуш манзарадан Кўлдош аканинг юраги эзилиб кетди. Баширалига ғазаб билан ўқрайдию ичидан хуруж қилиб келган аламини базўр тутиб қолди. У қўшнисининг феълини яхши билар, унга танбех бериш деворга гапириш билан баробар эди.

Кўлдош ака ҳамон беҳол-беҳуш турган Хуррам акани уйига етаклаб кетди. Қўлига иссиқ чой тутди. Кўнглини кўтарди, кесилган боғни қайта тиклаб бераётганини айтиб, янги қўшнисига далда берди. Ҳозиргина бўлиб ўтган кўнгилсизлик ҳақида чурқ этиб оғиз омади. Кўлдош ака гарчи жанжалнинг асл сабабини билмаса-да, Баширалининг бу қилмиши ичкоралик, бахиллик эканини аниқ сезди. Ҳа, ука мевали боғининг бир қисми акага ўтиб қолишини истамаган эди...

ОДАМЗОТ ҚАЕРДА ЯШАМАСИН, ЯХШИ КИШИЛАР, ЯХШИ ҚЎНИ-ҚЎШНИЛАРНИНГ МЕХР-ОҚИБАТИГА МУҲТОЖ БЎЛАДИ. АГАР КИШИ ЯХШИЛАР ОРАСИДА ЯШАЁТГАННИНГ ҲИС ҚИЛИБ ТУРСА, БУНДАЙ ОДАМНИНГ ҲАЁТИ ЗАВҚЛИ, МАЗМУНЛИ ЎТАДИ



Бахилнинг боғи қўқармас!

Кўлдош ака яхши боғбон эди. Кейинчалик у ўша кесилган боғни беминнат қайта тиклаб берди. Хуррам ака туғишган укасидан топмаган оқибатни янги қўшнисидан топди.

Фалакнинг гардиши билан бу орада яна бир ғалати воқеа содир бўлди: Баширалининг боғи ўз-ўзидан, қутилмаганда қуриб қолди. Аллақандай бир сирли касаллик тегдими ёки бошқа сабабданми, харқалай, мевали дарахтлари бирин-кетин, япроқ ёзар-ёзмас сўлиб, қовжирди. Қўни-қўшнилариинг хаёлига лоп этиб халқнинг ўша доно мақоли келди: бахилнинг боғи қўқармас!

Баширали факат бахилгина эмас, худбин қимса эди. Боғидан чиққан ҳосилни бола-чакасига ҳам едирмай-ичирмай, қишга асраб, узюк жойларга эгтар, қиммат нархда пуллар эди. Унинг феъл-атвориини яхши билган маҳалла аҳли «балодан ҳазар» дея ундан нарироқ юришарди. Авжи саратонда сув танқис маҳал одамлар навбат билан томорқасини сўғорса, Баширали зўравонлик, сурбетлик билан хоҳлаган вақтда сувни навбатсиз эгаллаб оларди. Мабодро қўшнилариан биронтасининг товуғи ёки мол-ҳоли адашиб Баширалининг томорқасига ўтиб қолса, соғ чикмас, баъзан умуман қайтиб чикмас эди. Энг ачинарлиси, хотини ва болаларининг феъл-атворида ҳам Баширалининг таъсири яққол сезилиб турар, хар бир оила аъзосининг қонида худбинлик, манфаатпарастлик бор эди. Қишлоқда енгил машиналар ҳали унчалик расм бўлмаган кезларда Баширали янги «Волга»сини кўз-кўз қилиб минарди.

Бир куни Хуррам ака оғир бегоб бўлиб қолади. Хотини, болалари Баширалидан акасини докторга олиб боришни илтижо қилишади. Баширали кўнмайди. Орада яна кўнгилсизлик бўлади. Хуррам ака бандачилик қилганда Баширали азага ҳам қирмайди. Аммо маҳаллада Кўлдош акага ўхшаган сазоватли, олиҳиммат, диёнатли одамлар кўп эди. Улар ҳамиша бир-бирларининг жонига оро қиришар, тўй-ҳашам, маъра-маросимларининг бошида туришарди. Айниқса, ёлғизқўл, ночор кишиларга алоҳида ҳиммат кўрсатишарди.

Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин дермиш. Орадан йиллар ўтгач, Баширали ростдан ҳам жинни бўлиб, жинниҳонага тушади. Узюк ётса ҳам тузалмайди, ит азобида ўлиб кетади...

«Ховли олма, қўшни ол!»

Бу узюк-юлюк воқеа-тафсилотлар узюк болалигимдан бир хотира сифатида онгу шууримга маҳкам ўрнашиб қолган. Назаримда, Кўлдош ака билан Баширали икки хил одам, икки хил олам, эзгулик ва қабоҳатнинг жонли тимсоли эди. Яхшилик ва ёмонлиқнинг нима эканини илк бор ана шу қўшнилариинг икки хил ҳаёт тарзига гувоҳ бўлиб англаганман.

Маҳалла! Қўшничлик!.. Аслида мен шу ҳақда гапирмоқчи эдим. Албатта, ҳеч ким қўшнисининг Баширалига ўхшагини истамайди. «Қўшнинг ёмон бўлса, қўчиб қутулсан», деган нақл бор. Бошқа жойга қўчадиган одам биринчи галда қўшнисининг қимлигини сўраб-суриштиради. Янги уй билан қўлагани келганлар, албатта, биринчи галда «Қалай, қўшнинглар яхшими?» дейди. Ахир, «Ховли олма, қўшни ол!» деб бежиз айтишмаган.

Одамзотнинг бошида яхши-ёмон қушлар бўлади. Шундай маҳал мақолда айтилгандек, «Узюкдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши». Аммо шу оддий ҳақиқатни билган ҳолда қўни-қўшничлик муносабатларига ҳамма вақт ҳам жиддий аҳамият беравермаймиз. Гап факат Баширалига ўхшаган қимсаларда эмас. Сир эмас, гоҳо дуппа-дуруст, ўқимшли, ўқитан, тушунган одамлар ҳам бир жойда яшаб туриб, ён қўшнисининг дарду қувончидан йироқ яшайдилар.

Шаҳар ҳаётининг ўзига хос, мураккаб томонлари бор. Шаҳарда одамлар бирмунча биқик, ўз қундалиқ ташвишларига қўмилган ҳолда яшайди. Атом асрининг шиддатли оқими шаҳарда яққолроқ сезилади. Вақт тигиз. Асаблар таранг. Энг зарур ишларга ҳам улгуриш қийин. Ойлаб, йиллаб энг яқин одамларимизнинг ҳолидан хабар ололмаймиз. Яқинларимизга хат ёзмай қўйганмиз. Замонавий қўл телефонлари хизматга шай турганда бунга эҳтиёж ҳам йўқдек. Шундай экан, ўзимиздан ортиниб қўшнилари билан кирди-чиқди қилишга ҳамиша ҳам ҳафсала қилавермаймиз...

Одамнинг тафтини одам олади

Дарҳақиқат, битта «дом»да яшаб туриб («Дом» деганимиз ахир, бутун бир маҳалла!) бир умр бир-бирини танимайдиган, бир-бирининг туриш-туруши билан қизикмайдиган одамлар ҳам кам эмас.

...Янги «дом»га қўчиб ўтганимиздан

кейин бир-икки йил ўтгач, қўшни йўлакдаги бир хонадонда меҳмон бўлишга тўғри келди. Гурунғ авжиди икки ҳам-сухбат бир-бирига қўшнисидан шикоят қила кетди. Болаларининг шўхлиғию девор ортидан тарақа-туруқнинг тинмаслиги — ҳамма-ҳаммасини тўкиб солишди. Кейин сиз қайси йўлакда, нечанчи хонадонда турасиз, дея ўзаро суриштиришга тушибди-ю иккисиям бир-бирига тикилганча хангу манг бўлиб қолди. Маълум бўлишича, улар девор-дармиён қўшни бўлиб, ҳалигдан буюн ўзларини бир-бирига ёмонлашган экан.

Олдинига роса қулишдик, кейин ҳижолат чекиб, жим бўлиб қолдик. Назаримда, ҳамма бу қўлнинг замиридаги аччиқ ҳақиқатни ўйлар эди. Булар-ку бир-бирларини билмай-танимай шундай «қовун туширишди». Аммо баъзан бир йўлакда яшаб, хар куни зинапоёда, остонада юзма-юз келишса ҳам пайғи келганда заррача бир-бирига ҳадди синмайдиган қўшнилари ҳам йўқ эмас.

Бир куни йўлакдаги қўшнилариан бирининг юраги ёмон бўлиб қолди. «Тез ёрдам» ҳадеганда келавермади. Қўнгилсизликдан қўпчилик бохабар бўлди. Худди шу йўлакда бир дўхтир ҳам яшарди. Аммо ҳеч ким унга учрай қолишни маслаҳат бермади. Ҳалиги қўшни ҳам бунга ботиномиди. Чунки ўша дўхтир ҳеч ким билан қўшничлик қилмас, ҳеч қачон биринчи бўлиб бировга салом бермас, ҳатто саломга зўрга алик олар, бировга мундоқ очик чеҳра билан бокқанини ҳеч ким кўрмаган эди. Табиий, бундай қимсага оғиз очиб дард айтиш осон эмас эди.

Янги қурилган «дом»да бир-бирини етти ухлаб тушида кўрмаган, мутлақо нотаниш, касби-кори, феъл-атвори хар хил одамлар энди бир жойда яшай бошлайдилар. Агар «дом»да лоқал бир-иккита одамларнинг бошини қовуштирадиган, диёнатли кишилар бўлса, нур устига аъло нур.

...Бизнинг йўлакда ажойиб бир оила яшайди. Мен бу оилга хар жихатдан ҳавас қиламан. Ниҳоятда аҳил-тотув яшашади, болалари бири-биридан ақли, одобли. Шундай оила билан девор-дармиён қўшни бўлганимизни катта омад деб биламан. Биз тез-тез кирди-чиқди қилиб турамиз. Тушнис диққатга сазоворки, бу қўшнимиз олдин яшаган жойдаги қўшнилари билан ҳам алоқани узмаган, улар билан худди туғишган қариндошлардек яқин бўлиб қолмишган. Байрамлар, хар хил оилавий тантана-маросимларда, албатта, бир-бирларини йўқлашади. Шу қўшнимиз баҳонасида жуда кўп ажойиб хонадонлар, яхши одамлар билан танишиб, дўстлашдик, улар билан борди-қолди қилладиган бўлдик.

«Оқибатсиз қариндошдан оқибатли бегона яхши», деганлари шу бўлса керак. Шундай ҳаётин-ибратли воқеа-ходисалар ҳаёлимиздан ўтганда беихтиёр сеvimли шпоримиз Эркин Вохидовнинг мана бу мисраларини эслайман:

*Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатда ҳаётнинг боши.
Одамзотга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр қўши.*

ШОДМОН ОТАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Кентнинг кўрки озодлиги билан. Қишлоқнинг таомили бошқа — ўз томингни ўзинг курайсан. Шаҳарда ҳар кўча, ҳар кўй, ҳар соатда тозаланмаса бўлмайди. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги биз яшайдиган Афросиёб, унга ёндош Шароф Рашидов номидаги маҳаллалар ҳам доим ораста.

Шаҳарда сахар уйғониб, биринчи бўлиб кўчага мен чиқдим, десангиз ҳам хато киласиз. Бир пайтлар шоира Зулфияхоним ҳайкали ўрнатилган сўлим хиббон (ҳозир белорус адиби Якуб Колас бюсти қўйилган. Аҳоли у ерни ҳануз суюкли шоирамиз номи билан тилга олади)нинг йўлакларини ҳов Тўйтепадан келадиган ажойиб синглимиз Умидаҳон Маърипова билан бектемирлик Одинахон Тожиёва, этак томонини эса яна бир бектемирлик Рустамжон Мамадалиёев аллақачон ёғ тушса ялагудек қилиб қўйган. Автомобиллар туну кун тинмайдиган катта, равон йўлларда эса Бўзсув томонлардан келадиган Майрам Шерова, Соҳиба Дадасева, Тастангул Ўрлова, Нурхон Асомовалар жавлон ураётган бўлишади.

Ажаб, дейсан ичингда. Улар шунча жойдан қачон етиб келадилар экан?

— Сахар, тўрт яримда уйдан чиқамиз, — дейди Умидаҳон ийманибгина. Тўрт яримда йўлга чиқиб учун камида бир соат олдин ўриндан туриш керак.

— Демак, Тошкент шаҳрини сиз уйғотар экансиз-да, — деймиш унга.

Умидаҳон гапимизнинг ҳазил маънода эканини тушунади ва кулиб қўяди. Дарҳақиқат, Тошкентни фаррошлар уйғотадилар, десак бўлавераркан. Шундай эмасми?

Фаррош Рустамжон Мама-



ШАҲАРНИ ФАРРОШЛАР УЙҒОТАДИ

лик қилган.

— Онамиз бизни кўча супуриб катта қилдилар. Яратганга шукр, йиртик-ямок киймадик... Ота-оналаримизни Худо раҳматига олган бўлсин!

— Фаррошлигингиздан болалар огринмайди? — сўраймиз.

Рустамжон ўғиллари томонидан бундай малолланишни ҳеч қачон сезмаганини айтади. Ичимизда, хайрият, деб қўямиз. Хайрият! Отасининг топганини лоппа-лоппа еб, касбидан ор қиладиган зурриёдлар камми?!...

Аллоҳ розилигини олиб берадиган амал

Яқинда интернетда Россияга бориб ўқишга киролмай, йигирма йилдан кейин ўз йўлини топган пулдор бир йигитнинг фикрларини ўқиб қолдик. У шу йиллар мобайнида не қўйларга тушмадим, хатто фаррошлик қилдим, деб ёзибди. Ингит айтган гапларнинг замирида фаррошлик мусофирчилик кунларида мени

рининг гоҳ у, гоҳ бу мавзесида кўча супуриб юрадиган, ёши етмишларни қоралаган бир мўйсафид бўларди. Этиксимон қалишни кийволиб, бир қарасангиз, Самарқанд дарвоза, бир қарасангиз Кўча, бир қарасангиз Рақат, Оқилон томонларда пайдо бўлиб қолар, фаррош бўлса керак десангиз, мумкин бир жойни супурмас эди.

Қайси йили маҳалламизда бир одам вафот этди. Хилхонаси Яқкасарой қабристонидан экан. Майитни олиб бораёт-сак, ҳалиги одам Усмон Носир кўчасини супуриб юрибди. Ёнимда келаётган маҳалла оқсоқолидан унинг қимлигини сўрадим.

— Э, бу кишими, аслида, ҳеч нарсаси муҳтожлиги йўқ, — деди у. — Лекин шу амални одат қилган. Беш вақт намозни қанда қилмайди. Қайси масжид олдида бўлса ўша ерда ўқийди. Аллоҳ розилигини шу амал билан топаман, деб айтаркан. Жанозада ҳам қатнашди ҳали.

Дарҳақиқат, бироз ўтмай «фаррош амаки» ҳалпиллаганча таҳоратхона томон ўтиб кетди. Жамоат билан намоз ўқиди, жанозада қатнашди ва масжид кираверишидаги сепон ариқчага ташлаб қўйган супургисини олиб, қалишни сураганича яна катта кўча томон жўнади...

Фаррошлик у дунё саодатини олиб бериши мумкин бўлган ҳосиятли касблар сирасига киришини, «Элим фаррошликни раво кўрса, супургини мукаддас туттум» деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаганини ана шу «ўзига тўқ фаррош» чол мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Айтишга арзимас-ку, лекин...

Биз яшайдиган Афросиёб, Шароф Рашидов номидаги маҳаллалар покизалиги Миробод тумани ободонлаштириш бўлими 3-участкаси ишчи-хизматчиларига юклатилган. Учаска бошлиғи Иззатилла Исматов билан бот-бот учрашиб қоламиз. Турли вазифаларда ишлаган, назаримизда,

туман ҳокимлиги қозонида ҳам қайнаган бамаъни йигит. Тинмайди азамат. Қачон қарасангиз, кезгани кезган. Шундай қилмаса ҳам бўлмайди-да. У томони Жанубий Корея, Туркманистон республикалари элчихоналари, яна қанча салобатли нозик идоралар. Бу

«Худо хайрингизни берсин, майли, итингизни сайр қилдиринг, фақат ҳожатни уйда ёки махсус жойда амалга оширишни ўргатсангиз, нур устига нур бўларди!»

томони белорус адиби Якуб Коласа ёдгорлик ўрнатилган бениҳоя гўзал хиббон. Сўлим, шабадағилиги боисми, кечаси-ю кундузи одам аримайди. Ёзнинг жазирама кунларида бола-бақрадан тортиб, ёш-яланг, қарияларгача ёспирилиб чиқишади. Зиёрат ниятида келган хорижий сайёҳлар, давлат арбоблари, дипломатларни ҳам тез-тез учратасиз бу ерда.

Аммо домиди ит боқиб, сайр қилдириш учун кўкаламзор жойларга, майсали йўлакларга олиб чиқувчилар атрофни ифлослантиришдан қўнғил хира тортади. Сен майсаларни босиб олмайин деб охиста юрганинг-да кимлардир уни кўппаги билан бирга тепалаб, бу ҳам етмагандай, тоза ҳаво улашадиган ўша барра майса устига итини бамайлихотир тўсиб турса... Алам қилиб кетар экан. Бу ишингиз яхши эмас, десанг сени хайвонот оламининг душманига чиқаришиб, жоҳил, бағритош одамга боққандай, кўзларингга ўқрайиб тикилишларини кузатасан. Гоҳида:

— Итни кўчада сайр қилдирмасин деб қаерга ёзиб қўйибди, кўрсатинг?! — деб савол беришади. Муткул аҳволдан кутқарадиган бундай

белгиларни эса кўрсата олмаганингдан кейин, ноилж тилингни тишлайсан! Худо хайрингизни берсин, майли, итингизни сайр қилдиринг, фақат ҳожатни уйда ёки махсус жойда амалга оширишни ўргатсангиз, нур устига нур бўларди!

Кўпчиликка малол келадиган яна бир ҳолат, сайилгоҳнинг шоҳона курсиларида ўтириб олиб чақиллатиб «семичка» чақиб пўчоғини шундоқкина бикинида турган махсус идишга эмас, тўғри келган ёкка отадиганларни кўриб улар ўз уйларида ҳам шундай қилишармикин, деб ажабланиб қоласан. Йўқ, уйларида бу номатқудчиликни қилмайди улар!...

Ушбу муаммо юзасидан Иззатилла Исматов билан, фаррошларнинг ўзлари билан ҳам кўп фикрлашиб қоламиз. Нима қилинсаки, юқоридаги кусурлар барҳам топса. Сухбатдошларимизнинг ёзгиришича, хиббон янги очилган пайтда чиқинди ташлаш, ит етаклаб кирмаслик ҳақида оғохлантурувчи белгилар бўлган экан. Демак, кимлардир уларни йўқ қилган. Бундайлар, табиийки, ноинсоф кимсалар.

Қатъийлаштириш фурсати келди

Ҳосиятли бир касб — фаррошлик баҳонасида, қўнғилмизни безовта қилиб турган айрим мулоҳазаларимизни ҳам баён этдик. Хар қалай, бу борада ҳам республикамиздаги бугунги ҳақиқий аҳвол чуқурроқ ўрганилиб, ҳеч йўқ шаҳарлардаги асосий кўчаларда чиқинди ташлаш, элчихоналар, халқаро аҳамиятта молик нозик идоралар теварағидаги кўкаламзор хиббонларга қучуқ олиб кириш, айниқса, ҳожат чиқаришни тақикловчи белгилар ўрнатилиш долзарб заруратга айланганга ўқшайди.

Ажойиб сўлим жойларимизнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, ўзини маданиятга, маърифатга покиза инсонман деб билувчи ҳар бир юртдошнинг бурчи эканлигини миллати, ирқидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз чуқур ҳис қилишини истардик. Умуман, ушбу муаммолар борасида мавжуд қонуналарга тегишли ўзгартишлар киритиб, изчил ишлайдиган қонуности ҳужжатларини яратиб, ижросини ҳам қатъийлаштириш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Бу ишни қайси ташкилот амалга оширадиган, буниси қоронғи. Хар ҳолда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги (жойларда вилоят) ободонлаштириш бошқармалари ташаббусни қўлга олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси.



далиев шу йил эллик ёшини қаршлабди.

— Иккита ўғлим бор. Каттаси ўн тўққизга тўлди. Ишлайди, шопир. Кичигимиз ўн еттига, мактабни тугатяпти. Худо хоҳласа, келаси йили келин оламиз, — дейди ички бир шукроналик билан.

Рустамжоннинг сўзларидан яна шунга ҳам уқамизки, унинг волидаси ҳам заводда фаррош-

очлик, яланғочликдан сақлади, деган шукроналикдан кўра, шаънинга ярашмаса ҳам, фаррошлигини ўзимга раво қўрдим, деганга ўқшаш алам балкиб турарди. Эҳ, йигит-а, инсон қалри, шарқона қадриятлардан бироз воқиф бўлганида эди, фикрларини сал бошқачароқ ифода этган бўлармиди.

Бундан ўн беш, йигирма йиллар олдин Тошкент шах-

Яроқсиз автомобиллар ЙХХ хизмати рўйхатидан ўчирилмоқда.

Маҳмудхўжа Бехбудий қандай инсон бўлган?

У ЎЗИНИНГ ҚАНДАЙ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ БИЛАН ЗАМОНДОШЛАРИ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНГАН? УНИ ЖАН ЖАК РУССО ВА ЛОМОНОСОВЛАР КАТОРИГА ҚЎЙИШИМИЗ УЧУН ҚАНДАЙ АСОСЛАР БОР?..

Узоқ танаффусдан сўнг ўтган асрнинг 50-йилларида М. Бехбудий номи яна тилга олина бошлади. Биринчи бўлиб «Шарқ юлдузи» журналида Сибирь лагерларидан омон-эсон қайтган Лазиз Азизоданинг «Бехбудий» деган ажойиб мақоласи босилиб чиқди. Муаллиф XVIII асрдан кейин Туркистонда авж олган таназул ва XIX аср бошларида рўй берган миллий уйғониш ҳаракати ҳақида бир неча сўз айтган, бундай ёзган эди: «Бехбудийнинг хизмати французларнинг Жан Жак Руссо, русларнинг Ломоносов, Чернишевский, Писаревлари, Кавказ туркларининг Фатхали ва Нажафбеклари, татарларнинг Маржоний ва Носирийси ила бирдур».



рий Бехбудийнинг бошидаги кийгиз қалпоқка ишора қилиб: «Муфтий бўлган бир одамга бу ажнабийлар қиёфати ярашмайди. Дастор(салла)ни нима қилдингиз?» деб тегажоглик қилганида Бехбудий унинг хазилига жавобан бундай деган экан: «Бу ажнабийларнинг кийимини эмас, мажусий боболаримиздан қолган ёдгорликдир».

Мен бу хотира билан илк бор танишганимда Бехбудий кўз ўнгимда олис ота-боболардан қолган буюмларини ташлаб юбормаган, аксинча улар қалдирга етиб, уларни аждодларимиздан қолган мерос сифатида, халқ ва оила тарихининг бир парчаси сифатида эъзозлаган киши ўлароқ гавдаланган. Бун-

каторидан ўрин олишини истаган мусулмон халқи, айниқса, ёшлар, унинг фикрича, илм-фан асосларини эгаллаши, бир эмас, бир неча тилларни ўзлаштириши зарурдир. У «Тахсил ва сафар замони...» деган мақоласида ватандошларига мурожаат этиб, бундай ёзган эди:

«Азиз биродарлар! Ҳазрати Али афандимиз қаррамаллоҳу ваъжаҳу жаноблари буюрадурларки: «Аллим алаадақум ли заманин гайри заманикум, лианнаҳум ҳулику ли заманин гайри заманикум». Мазмун шарифи: «Эй мусулмонлар! Болаларингизга келар замон илмининг ўрстингиз! Зероки, аларни Худо таоло халқ этди, сизни замонангиздан бошқа, яъни келар замон учун». Юқоридаги сўз шундай бир қийматбахо ва турмуш ва кераклик сўзидурки, ёлғуз анинг ила биз, мусулмонлар, омил бўлса эди, бутун дунё ва охирашмиш овод бўлур эди.

Ҳар замонни илми, ҳикмати ва парварishi бошқадур. Модомики, ҳар бола, яъни ҳар қиёми замони отаси замонидан бошқа бўлса ва ҳар отага ўз фарзандини келар замон учун ва келар замона мувофиқ суратда тарбия ва таълим этмоқи лозим бўлса, биз на учун келар замон эмас, балки ҳозирчи ва бу кунги замон ва соатимиздаги илм ва фанларни болаларимизга ўргатмаймиз?..»

«Илм ва тарбия мерос қолсун»

Бехбудий аксар мақолаларида кенг халқ оmmasига, айниқса, тўй-хашамларга қодир кишиларга мурожаат этиб, қайта-қайта бундай деган: «Азиз биродарлар, ўғил тўйларига сарф қилатургон ақчаларингизни мана шул илми замоний йўлига сарф этингиз, сиздан ўғлунгизга мол мерос қолмасун, балки, албатта, илм ва тарбия мерос қолсун».

Абдусалом Азимий деган муаллиф устоз муаллим ҳақидаги хотираларида: «1914 йилда Бехбудий афанди ўзининг машҳур саҳафатида Мисрда келган эди, у ерда маориф доираларини таҳқиқ этгандан кейин Миср фиръавиларица оид осориатиқаларни кўздан ўтказиб, асрларга оид тарих ва хатларни ўз дафтарига қайд ва таҳрир этиб, ватанимиз мактаб ва маориф доираларига ярашар умиди билан хатлар ва янги таъб бўлигон арабий ва оверуно тиллариндан таржима этилган китоб ва расмларни тўлаб, сандуғеца жўйлаидириб, Мисрда машҳур матбаа соҳиби китобфуруш



Наим КАРИМОВ,
академик.

ДАРВОҚЕ...

Нақл қилишларича, имтихонлар бошланган пайтда Бехбудий болалардан ҳам кўпроқ ҳаяжонланган. «Мактабнинг йиллик имтихон вақтларида, — деб хотирлаган Бехбудийнинг Абдуҳамид Азамат исми шогирди, — бу муҳтарам отанинг юзида шодлиқ ва руҳлик аломатлари кўринар эди. Келгуси кунларнинг турмушини гул-лантитувчи умидларнинг бу вақтларда тоғин бир қадам илгари босқонин ўз кўзи олдида халққа кўрсатганига суйинар ва шодланар. Унинг билан бирлашиб, бу вақтда ўқитувчилар ҳам улуг байрам этар эди...»

Халбий воситаси билан Русияга юборон эди», деб ёзади.

Бехбудий ўқув мавсумида ҳам, имтихон чоғида ҳам болаларнинг она тилидан ташқари, юқориди айтганимиздек, бошқа тилларни ҳам ўрганишга алоҳида эътибор берган. У саҳафлари вақтида яхуди миллатига мансуб бир киши билан танишган. Бу киши рус тилидан бошқа бирор тилни билмаган, чамаси, рус аёлига уйланган, аммо у билан фақат иброний тилда сўзлашар экан. Аёл қанчалик ялиниб-ёлвормасин, йиллаб-сиктамасин, яхуди у билан фақат иброний тилида гаплашаврибди. Шундан кейин хотин тақдирига тан бериб, икки йилда иброний тилини шу даражада ўрганиб олибдики, ҳатто шу тилда иброний жаридаларига мақолалар ҳам ёзибди. Бехбудий шу воқеани нақл қилган: «Аммо биз 20 йил ўқиб [ҳам] арабий сўйлаб, ёзгангамиз...», деб афсусланган.

Биз шу вақтгача ўзбек тилидан ташқари, фақат рус тилини ўрганиб келдик. Ҳозирги воқеалик ва эртанги кун ёшлардан инглиз, немис, француз, япон ва корейс тилларини ўрганибна қолмай, шу тилларда мақола ва китоблар ёзишни ҳам тақозо этмоқда. Бехбудий шундай келажакни олдиндан кўрган ва ватандошларини, айниқса, ёш авлодни эртанги кунда зарур бўлажак билимларни эгаллашни васият қилган эди.

Биз ўша пайтда Жан Жак Руссо ва Ломоносовларни жаҳон илм-фани ва маданиятининг буюк чўққилари сифатида билганимиз учун замондошларимизнинг бу сўзларини ўқиб, гоят гурурланиб кетгандик. Бизда ҳам шундай алломалар даражасига кўтарилган кишиларнинг бўлгани биз, ёшларда миллий тарихимизни, миллий фанимиз ва маданиятимиз тарихини чуқур ўрганиш истагини уйғотган. Бехбудий ҳақидаги ва унинг муаллифлигидаги ҳар бир мақола бизнинг бу улуг зот ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтириб борган. Ҳозир Маҳмудхўжа Бехбудийни бироз билганимиз учун шу вақтда қадар аллома туғилган шаҳарда бирор хайкалнинг, аллома хизмат қилган ёки овози янраган биноларда ҳеч бир мемориал тахтининг ўрнатилмагани бизни гоятда ажаблантиради.

Таназулдан чиқиш йўли...

М.Бехбудий қандай инсон бўлган? У ўзининг қандай инсоний фазилатлари билан замондошлари ҳурмати кезонган? Уни Жан Жак Руссо ва Ломоносовлар каторига қўйишимиз учун қандай асослар бор?..

Бундай саволларга қуйида унинг замондошлари ёрдамида жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

«Бехбудий ҳазратлари, — деб ёзган эди замондошларидан бири Ҳожи Муин, — кўриваида гоят маҳобатлик ва салобатлик эди. Аҳволига воқиф бўлмагон кимса мутақаббир деб гумон қилур эди. Лекин ҳақиқатда мулоим сўхбатлик, тақаллуфсиз бир одам эди. Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли бўлсин, иқтисодида кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тўзатиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва азаларга бўлатургон исрофларни ўзи бутун тарқ қилгон ва сўзига қўлоқ солатургонларни ҳам тарқ қилдиргон эди».

Бехбудий тоғаси қўлида мирзалик қилгани, муфтий ва қози лавозимларида ишлагани туфайли озми-кўпми, маблаг ортирган кишилардан эди. Лекин у бошқалардан фарқи ўлароқ, топган маблагини янги мактаблар очишга, кутубхона барпо этишга, миллий театрга тамал тошини қўйишга бағишлаган.

Билим ҳазинасини тинмай бойитиб борди. Бир неча марта саҳафга чиқиб, Шарқ ва Ғарб халқларининг ҳаёти, маориф ва маданияти билан яқиндан танишди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий таназулда яшаган

«Азиз биродарлар, ўғил тўйларига сарф қилатургон ақчаларингизни мана шул илми замоний йўлига сарф этингиз, сиздан ўғлунгизга мол мерос қолмасун, балки, албатта, илм ва тарбия мерос қолсун»

ватандошларини жаҳолат ботқоқидан олиб чиқиш йўлида нима қилиш лозим бўлса, шу илмининг барчасини бақарди. Шундай ватанпарвар ва миллатпарвар кишининг камтар, захматқаш, олижаноб, улуг инсон бўлмаслиги амримаҳол эди.

Фикри, ҳаёли ва орзулари кўпроқ келажакка қаратилган эди

Бехбудийнинг замондоши Садриддин Айнийнинг хотирлашича, у 1908 йилда мактабдор Абдуқодир Шакурый билан бирга дўстининг Янги шаҳардаги уйига меҳмонга борган. Улар Бехбудийнинг уйига кириб борганларида соҳиби хонадон мардикорлар билан бирга эски-туски кийимларни кийиб, иморат қурилишида ишлаётган экан. Шунда Шаку-

дай кишилар ҳаётлари вақтида азиз-авлиёларнинг макбараларини тез-тез зиёрат қилиб, уларнинг харобага айланишига мутлақо йўл қўймаганлар.

Бехбудий мақолалари денгизига шўнгитганимизда ҳам, устоз ҳақидаги хотиралар оламида сайр этганимизда ҳам унинг, умуман, тарихга, хусусан, она Ватан ва халқ маданияти тарихига бўлган бекиёс ҳурмати бизни хайратга солади. Унинг назарида аждодлари тарихини билмаган кишиларда Ватан туйғуси бўлмайди. Юрагида Ватанга мухаббати бўлмаган кишилардан, айниқса, ёшлардан ҳеч нарсани кутиб бўлмайди. Бехбудийнинг фикрича, ватанпарварлик ана шу туйғудан озуқа олиб шаклланади.

Бехбудийнинг фикри, ҳаёли ва орзулари кўпроқ келажакка қаратилди. Ўз ватанини севган, унинг тараккийи этишини, жаҳондаги илгор мамлакатлар

«Иномарка»лар импорти 233 млн. АҚШ долларидан ошди.



Шундай дурдона асарлар бўладики, йиллар ва асрлар оша ёзувчи, режиссёр ва санъаткорларнинг аввал пайқамаган маҳоратларини қайта-қайта кашф этаверамиз. Бундай фильмлардан чин инсонийлик, меҳр-мурувват сабоғини оламиз. «Ўткан кунлар» киносини ҳам шу каби сара асарлар қаторида тилга олсак, сира муболага бўлмайди. Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамилова билан бир муддат ўша даврга қайтдик. Ҳақиқий ижод машаққати ҳақидаги фикрларини тингладик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА:

«ЮРАГИНГНИ БЕРИБ, ДАРДИНГНИ ТЎКИБ ЎЙНАЙДИГАН РОЛЛАР ЙЎҚ»

— «Ўткан кунлар» фильми анча йиллар аввал суратга олинган бўлса-да, ҳаминша ўз мухлисларини топиб келмоқда. Бу асарда қандайдир рух бор, актёрларнинг ҳар бири бир дунё, ҳар бири бир тарих. Бoringки, кичик роль ўйнаган бўлса ҳам, гўёки асардаги одамлар экранга кўчгандек. Шунинг учун китобни ўқимаганлар ҳам қаҳрамонларни айнан мутолаа қилиб ҳаёлида гавдалангандек қабул қилишди. Бу фильмининг ютуғи шунда.

Энг асосийси, актёрлар ансамблини йиғиб, шундай катта санъат асарини суратга олган режиссёрнинг тажрибаси ва маҳорати муҳим аҳамият касб этган. Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек киносига пойдевор қўйган санъаткорлардан бири Илдош Агзамовнинг бошқа фильмлари ҳам худди шундай эсда қолгучи.

Фильм муваффақиятида Собир Мухамедовнинг меҳнатларини ҳам тилга олмасликнинг иложи йўқ. Бу инсон асар асосида ёзилган сценарийда барча майда деталларга ҳам алоҳида ургу берган. Ишонасизми, мен Кумуш образини «Ўткан кунлар» асарини мутолаа қилмай, фақат шу сценарийга асосланиб ўйнаганман. Кейин китобни қўлимга олиб ўқигач, ижодкорнинг салоҳиятига яна бир қарра амин бўлдим.

Шу ўринда бир нарсга алоҳида тўхталмоқчи эдим, фильмдаги миллий либосларни Ирина Гамбургская исми рус аёли танлаган. Тутмадан тортиб чокигача эътибордан четда қолдирмас эди. Сира эсимдан чиқмайди, Кумушнинг тўй либоси устидagi камзулнинг ёқасига тикиладиган мўйнали ахтармаган жойи қолмаган. Экран ортида шундай фидойи инсонлар меҳнат қилган.

— «Ўткан кунлар» асари китобхонлар орасида жуда кўп муҳокама қилинади. Айримлар Кумушда ҳам қандайдир айёрликлар бор, дейишади. Сиз бу фикрларга қандай қарайсиз?

— Мен ҳеч қачон Кумушда хийла-найранг бўлган, деган қарашни қабул қилмайман. Унинг юраги меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим. Роль ижро этаётганимда ҳам калбимнинг туб-тубидан қаҳрамоннинг самимий хисларини туйиб турганман. Қолаверса, бу образни онамдан андоза олиб ўйнаганман. У инсон софдил ўзбек аёли эди.

— Ролларингизни қузатсак, миллий рух, аёллик нафосати яққол сезилиб туради. Ҳаёлингиздан шундай характердаги образларни бундан-да кўпроқ яратишим мумкин эди, деган фикр ўтганими?

— Бундай ўй-хаёлар билан бирор натижага эришиб бўлмайди-ку. Эътибор қилган бўлсангиз, телеканалларда намойиш этилаётган фильм ва сериаллардаги актёрлар таркиби деярли бир хил. Сценарийлар ҳам қолип асосида ёзилган. Ҳайрон қоламан, бизда қачон ҳақиқий санъат намунаси даражасига кўтариш мумкин бўлган асарлар суратга олинади. Ваҳоланки, бугун ораимизда ҳар қандай


овутаман.

— 44 йил давомида театрда фаолият юритдингиз. Лекин анчадан буюн сахнада кўринмаяпсиз. Бунинг боиси нимада?

— 1998 йили Бухорода «Зебунисо» спектаклини ўйнаб бўлгач, декорация қурилишидаги хатолик сабаб қаттиқ жароҳат олдим. Шифокорлар ҳатто жарроҳлик амалиётини ҳам ўтказишди. Шу туфайли икки йил мобайнида ижодий фаолиятим тўхтаб қолди. 2000 йили эса яхши меҳмондорчиликдан ҳам вақтида кетиш керак, деб театрни тарк этдим.

— Ҳозир бу қарорингиздан афсусланмайсизми?

— Бугунги кунда йўқ. Шукрки, спектаклларда катта даргалар, актёрлар билан чиройли роллар ижро этдик. Ҳозирги сахна асарларини қузатиб, бирорта қаҳрамон кифёсида ўзимни кўрмайман. Айниқса, бизнинг ёшимизда актёрлар кичик эпизодик роллар билан қолиб кетади. Улар учун махсус катта асарлар қўйиш ҳақида бирор режиссёр бош қотирмайди. Айрим хорижий мамлакатлардаги театрларда ёши ва тажрибаси катта актёрлар учун



моддий рағбат муҳим аҳамиятга эга. Нима деб ўйлайсиз, бугун санъаткор умрини бахшида этиб ижро этаётган роллари учун муносиб ҳақ оляптими?

— Бирор фильмга таклиф қилишдан аввал ваъдани жуда катта беришади. Шунча микролдор ҳақ тўлаймиз, дейишади-да, суратга олиш тутагандан кейин айтилган маблағ кирқилади. Қўлингизга тегадигани эса ундан ҳам камайиб кетади. Бизнинг дардимизни эшитишга эса ҳеч кимнинг вақти йўқ. Ваҳоланки, кийим-кечақларни ҳам ўз ҳисобимиздан ишлатамиз. Кўпчиликда санъаткорларнинг турмуш шароитлари зўр

бормоқда. Айниқса, сиз каби ҳаётини тажрибаси катта, ҳурмат-эътиборга эга инсонларнинг турли масалаларга ечим топишдаги иштироки катта аҳамиятга эга.

Шундай эмасми?

— Мен Шайхонтоҳур тумани «Гулобод» маҳалласида яшайман. Афсуски, ҳозир йиғин ходимларининг иш юритаётган биноси ҳам талаб даражасида эмас. «Маҳалла гузари» қуриб битказилган бўлса-да, ҳали фойдаланишга топширилмаган.

Бизни ўйлантираётган масала эса пенсия олишда юзага келаётган муаммолар. Уйимдан бир ярим бекат наридаги кичик бир чойхонада соатлаб навбат кутаман. Баъзан икки-уч кунлаб овора бўлишга тўтри келади. Бир мен эмас, кўп кексалар шу масалада азият чекнишяпти. Уларнинг орасида имконияти чекланган қариялар қанча... Айниқса, ёгингарчилик ва ҳаво ҳарорати пасайиб кетган кунларда вазият анча қийинлашади. Шунча сарсонгарчиликнинг қизмга кераги бор. Аввалгидек, ҳамманинг уйига олиб келиб беришса, бундан кўпчилик хурсанд бўларди.

— Албатта, юқоридаги мулоҳазаларингизга мутасаддилардан муносиб жавоб қўпиб қоламиз. Самимий суҳбатингиз учун эса ташаккур!

«Mahalla» мухбири
Шахноза
РАХИМХЎЖАЕВА
суҳбатлашди.



махсус сахналаштирилган спектакллар бўлади. Улардаги маъно ва мазмун анча чуқур ҳамда теъраниги учун томошабинларнинг бундай асарларга талаби катта. Бизда ҳам мана шу тажрибани амалда қўллаш вақти келди. Зеро, ҳаётни театр сахнасига ўхшатамиз, демек, унда умрнинг ҳар бир лаҳзаси ўз аксини топили керак.

— Ҳар бир соҳада бўлгани каби санъатда ҳам

ролни маромига етказиб ижро этадиган актёрларимиз жуда кўп.

Ҳозир таклиф қилинаётган ўртамийна ролларни ҳам ўйнаймиз. Лекин юрагингизни бериб, ичингиздаги дардини тўкиб кўрсатиб берадиган роллар йўқ. Бормай дейману, кимнингдир юзидан ўтолмай рози бўламан. Оз бўлса ҳам маъноси бор-ку, деб ўзимни

Тошкентда халқаро робототехника мусобақаси ўтказилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра, дунё халқлари ўртасида невроз ҳолати аввалгига нисбатан 2 баробар кўпайган. Бунинг оқибатида эса кейинги йилларда фалаж, қўл-оёқларнинг ихтиёрсиз ҳаракатланиши ва шунга ўхшаш касалликлар кўпайиб бормоқда.

Ҳўш, саломатлиқнинг энг нозик нуқтаси бўлган асаб қандай таъсирлар натижасида зўриқмоқда? Уни асраш учун нималарга эътиборли бўлиш зарур? Кўпчиликни ўйлантирган шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Яшнобод тумани Тиббиёт бирлашмаси соғлом турмуш тарзи бўлими шифокори Сайёра Муллаевага мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам, асаб касалликлари давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди, — дейди Сайёра Муллаева. — Бошқа кўплаб касалликларнинг келиб чиқиши ҳам бевосита асаб тизимининг бузилиши билан боғлиқ. Чунки инсон танаси бўйлаб ёйилган майда нерв тоалари бош миyaning ўнг ва чап яримшарлари билан туташган. Улар эса бутун танани бошқаради.

Бугунги кунда бу хасталик нафакат кексалар, балки ёшлар орасида ҳам тез-тез учраб турибди. Турли келишмовчиликлар, ортиқча ҳиссиётларга берилиш, таъсирчанлик, руҳий тушқунлик ва бошқа салбий ҳолатлар асаб касалликларининг бирламчи сабаблари ҳисобланади.

Касалликка тараккиёт сабабми?

Фан ва техника тараккиёти натижасида одамлар тобора кам ҳаракат қиладиган бўлиб қолмоқда. Бош миёна эса нисбатан кўпроқ зўриқяпти. Биз ҳар куни минг-минглаб ахборотларни қабул қилишимиз ва уларни ўзлаштиришимиз керак. Бу жадаллашши жараёндари асаб тизимини ҳам четлаб ўтмаяпти. Асаб тоалари ва уларнинг миёнда жойлашган марказий хужайралари нозик тузилганига қарамай, шундай оғир ва мураккаб фаолиятни тинмай бажариб боради. Миyaning беҳисоб ишлаши аввал асабни таранглаттиради, кейин эса унинг меъёрида ишлаш хусусиятининг йўқолишига олиб келади. Агар бундай ҳолатлар сурункали давом этаверса, бир қатор касалликлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Мувоzanат бузилса...

Бош миёна фаолияти кўзгалиш ва тормозланишдан иборат. Бу икки ҳолат доим бир-бири билан ўртача мувоzanатда бўлади. Агар одам нотинч бўлса, қутилмаганда бошига қулфат тушса, бош миёндаги шу мувоzanат бузилади. Натижада юрак, меъда ва ичакларда ҳар хил оғриқлар пайдо бўлади. Қондаги канд миқдори ошиб кетиши мумкин. Бундай асабийлашиш тез-тез такрорланадиган бўлса, бош миёна фаолияти ўзгаради. Киши тез жаҳли чиқадиган бўлиб қолади. Уйқуси бузилади, хотираси

САЛОМАТЛИКНИНГ ЭНГ НОЗИК НУҚТАСИ — АСАБ



ДАРВОҚЕ...

«Ўз ҳаётимизга мазмун ва маъно бағишлаш учун биз ўз олдимизга мураккаб вазифани ўз вақтида қўйишимиз керакки, токи бу мақсадга эришиш биздан тинимсиз ҳаракат қилишни талаб қилсин. Бизнинг олдимизда бундай мақсаднинг бўлмаслиги ошқозон яраси, қон босимининг ошuvi, миокард инфаркти каби оғир касалликларни келтириб чиқарувчи хавфли ва кучли стресс бўлиб ҳисобланади. Мақсадсиз яшаш инсонни ҳаётда қувонч ва истаксиз мавжудот бўлиб қолишига олиб келади».

Ганс Селье, стресслар ҳақидаги таълимот асосчиси.

Бу факат касалликка мойил кишиларда юзага келади. Одатда бундай мойиллик ташки ва ички муҳитдан келадиган салбий таъсирлардан

Руҳий саломатлиқни асраш учун қуйидагилар тавсия этилади:

Инсон сабр-тоқатли, меҳнатсевар, иродали бўлиши керак. Ана шу хусусиятлар қанчалик яхши ривожланган бўлса, асаб мувоzanатини сақлаш, уни тўғри ишга солиш шунчалик осон бўлади. Бу касалликларнинг олдини олишда катта фойда келтиради.

❖ Қийин вазиятга тушиб қолганда, бу ҳолатнинг аҳамиятини ўз ҳаётининг бош қадрияти ва асосий мазмунини билан ҳаёлан таққослаб кўриши лозим. Шунда вазият анча юмшайди, ўткинчи ҳолат келтирадиган зарар олдида бош мақсаднинг нақадад улуғ эканига ишонч ҳосил бўлади.

❖ Уйда, ишда, жамоада соғлом руҳий муҳитни яратиш, бир-бирига яхшилик истаги ва ўзгаларга қувонч бахш этиш инсон умрини узайтиради.

❖ Ўқсиниш, хафагарчилиқни тезда ёддан чиқариш, эҳтиросларни тия билиш асаб тизимини мустаҳкамлайди.

❖ Бир вақтнинг ўзида қулиш ва йиғлашни беғубор болалардан ўрганиш зарур. Ҳиссиётларни чиниқтириш ва тарбиялашнинг аҳамияти катта.

❖ Асабийлашиш туфайли пайдо бўлган адреналин (энергия)ни мушакларга йўналтириш лозим, шунда асаб тоалари ва қон томирлар салбий таъсирдан ҳимояланади.

❖ Ёқимли мусиқа салбий ҳиссиётларни босишда ва чарчоқни чиқаришда жуда муҳим.

❖ Қулгу ва жилмайиш бош миёна қон томирлари орқали ўтадиган қон миқдорини ошириб, миёна тўқимасини кислород билан таъминлашни яхшилайди.

❖ Бугунги ишни эртага қўйманг, бу стресс қақиради.

❖ Уйқу асабга ором берувчи энг зўр восита эканини доим эсда тутинг. Ҳар куни 7-8 соат мириқиб дам олинг.



1992 йилдан
буён 10 ок-
тябрь санаси
Жаҳон соғлиқни
сақлаш таш-
килоти томо-
нидан «Руҳий
саломатлик»
кунини деб белги-
ланган.

пасаяди, чарчоқ ҳамда юрагиди доимий оғриқлар сезила бошлайди.

Кўриниб турибдики, ташки муҳитдаги ҳар бир психоэмоционал (руҳий-ҳиссий) ёки жисмоний зўриқиш инсон танасига ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг оқибатида қон ва танадаги бир қанча суяқлик таркиби тез ўзгаради ва иммунитетга жавобгар бўлган айрим оксил зарралари йўқолади. Натижада организмнинг касалликларга қарши қуралиши қобиляти сусаяди. Бу ҳолат киши хотиржам бўлгач, икки ҳафта, айримларда эса бир ойдан кейингина тикланиши мумкин. Лекин тезда ўтиб кетса ҳам асабда ўз изини қолдиради. Асабнинг функционал касаллиги ҳаммада ҳам органик босқичга ўтиб кетавермайди.

ташқари, бош миyaning туғма хусусиятига ва инсоннинг болаликдан то ўсмирлик давригача оилада, боғчада, мактабда қандай тарбия олганига боғлиқ.

Спорт асабни мустаҳкамлайди

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларни четлаб ўтишнинг баъзида имкони бўлмаслиги мумкин. Қундалик ҳаётимизда ўзимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда жуда кўплаб асаб бузилишига сабаб бўладиган вазиятларга тушиб қолишимиз ҳам турган гап. Аммо саломатлигини қадрлайдиган ҳар бир инсон муаммоларни оғир-босиқлик билан хал қилишга ҳаракат қилиши лозим. Қолаверса, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил этиш, ўз вақтида овқатланиш, тиниқиб ухлаш, доимий равишда баданини чиниқтириш ҳам асаб тоаларимизни мустаҳкамлаш учун жуда фойдали. Айниқса, спорт билан шугулланишнинг аҳамияти катта. Кишининг турмуши яхши бўлса, оёқошталликда ҳаёт кечирса, асаб маркази бўлиши бош миёна ўз ишини яхши бажаради.

«Mahalla» мухбири
Шахноза
РАҲИМХҲАЕВА
ёзиб олди.

Тошкентда 450 минг АҚШ долларига харид қилинган биринчи электробус ҳаракатланишни бошлади.

Шамоллашга безътибор бўлманг! Бу жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин



Куз фасли келиб, кунлар совиши билан юқори нафас йўллари хасталиклари (ЎРВИ) ва грипп авж олади. Бундай пайтда касалликка безътибор бўлиш асло ярамайди. Акс ҳолда бу жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ЎРВИми ёки грипп?

Кўпчилик инсонлар грипп билан юқори нафас йўллари-нинг ўткир респиратор вирусли инфекцияси (ЎРВИ)ни битта хасталик деб ўйлайди. Чунки ҳар икки касалликнинг ташки белгилари бир-бирига жуда ҳам ўхшаш бўлади. Аслида эса улар бошқа-бошқа хасталиклардир.

Одатда грипп билан оғриган беморда лоҳаслик тез ривожланади, тана ҳарорати ҳатто 40 даражагача кўтарилиши мумкин. Бош ва мушакларда кучли

оғрик бўлиб, кўнгил айнийди ва қайт қилиш ҳолатлари кузатилади. Қолаверса, гриппнинг дастлабки босқичида тумов ва йўтал бўлмайди. Агар шифокор бемордаги ўзгаришларга қараб, унга грипп ташхисини қўйса, унда хасталик билан жиддий кураш олиб бориш, мутахассис назоратида даволаниш талаб этилади. Акс ҳолда оддий шамоллаш бўлиб кўринган ушбу хасталикни «оёқда ўтказиш» салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, гриппдан

ДАРВОҚЕ...

Дастлаб гриппга ўхшаш касаллик ҳақидаги маълумотларни Гиппократ эраимиздан олдинги 412 йилда ёзиб қолдирган. Ўрта асрларда эса унинг эпидемиялари ҳақида бот-бот ёдга олинган.

Тарихий манбаларда ёзиб қолдирилишича, илк бор грипп пандемияси 1580 йилда кузатилган. Ҳозирги кунда ҳам бу хасталик кўпгина мамлакатлар учун жиддий муаммо ҳисобланади.

иммун тизими ҳали тўлиқ ривожланмаган ўдақлар, ёш болалар, ҳомиладор аёллар ҳамда иммунитети паст кекса ҳамда бемор кишиларни эҳтиёт қилиш зарур. Ўрак-қон томир тизими, буйрақлар, юрак туғма нуқсонли ҳамда ўпкасида сурункали касаллиги мавжуд беморлар вирус юктириб олсалар, хасталиклари оғир кўринишда хуруж қилади. Бу эса уларнинг ҳаётига жиддий ҳавф туғдиради.

Шифокорлар тез-тез грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг асоратидан эҳтиёт бўлишга чакиршади. Бу бежиз эмас. Чунки гриппнинг ўзидан ҳам асорати оғир. Унга

бронхит, гайморит, ларингит, фарингит, трахеит, фронтит каби касалликлар қиради. Яна ушбу хасталикнинг пневмония (зотилжам), перикардит (юрак пардасининг яллиғланиши), плеврит (ўпка пардасининг яллиғланиши) каби асоратлари ҳам бемор аҳволини оғирлаштирилади. Ҳозирда дунёнинг кўпгина ривожланган давлатлари каби бизнинг мамлакатимизда ҳам гриппга қарши профилактика мақсадида эмланиш мумкин. Бемор атрофдагиларга инфекция юктирмаслиги учун оғиз-буринни доқа никоб билан тўсиб юриши зарур. Ўз вақтида шифокорга мурожаат этиш касалликнинг асоратсиз кечишига замин яратади.

Агар нафас йўлларининг ўткир вирусли инфекцияси бўлса, унда касалликка қарши мустақил курашиш мумкин. Мазкур хасталик, асосан, томоқ қичиши, тумов, йўтал ҳамда тана ҳароратининг кўтарилиши билан кечади. Шу боис энг биринчи навбатда, ана шу симптомларга қарши «уруш» очини керак бўлади.

Фойдали муолажалар

Инсон ўзида шамоллаш аломатларини сезиши ҳамоноқ, бурунни кучсиз тузли эритма ёки мойчечак дамламаси билан ювиши лозим. Бу даволаш усули вируснинг шиллик қаватларга ўрнашиб олишига йўл қўймайди. Шунингдек, хона ҳароратини бир маромда ушлаб туриш лозим. Ҳаво ҳаддан ташқари куруқ бўлиб кетмаслиги учун иситиш мосламалари олдида идишга сув солиб қўйиш тавсия қилинади. Бу эса беморнинг эркин нафас

олишига катта ёрдам беради. Қолаверса, хонани вақти-вақти билан шамоллатиб туриш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, томоқни тез-тез фурацилин ёки мойчечак дамламаси билан чайиш зарур. Бу эса танада касаллик вирусларини ҳайдашга қўмаклашади. Агар йўтал кучли бўлса, эвкалипт, оққарағай ва чой дарахти эфир ёғлари ёки — маврак, кизилпойча ва зубтурум каби доривор ўтлар билан ингаляция қилиш яхши самара беради. Шунингдек, асал қўшилган ўтли чойлар ёки оддий сувни илқ ҳолда ичиш танага қувват бағишлаб, хасталикни енгади.

Таблетка ичишга шошилманг!

Одатда шамоллаш хасталикларида тана ҳарорати кўтарилади. Агар ҳарорат 38,5 даражадан ошмаса, шифокорлар иситмани туширувчи воситаларни қўлламаслигини тавсия этади. Боиси бу пайтда организм бутун кучини инфекцияни енгитишга сафарбар этган бўлади. Бундай вақтда энг тўғри йўл — ҳордик олиб, куч тўплаш лозим. Кўпроқ суюқликлар (чай, кайнатишган илқ сув, шарбат) ичинг ва ухлашга ҳаракат қилинг. Бироз вақт ўтгач, қарабсизки, ўзингизни анча тетик ҳис қила бошлайсиз. Лекин «оёққа туряпман» деб, муолажаларни асло ташлаб қўйманг. Акс ҳолда хасталик қайталанishi мумкин.

Равно ТОЖИБОЕВА,
Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Шамоллаш туфайли овоз бўғилса...

Шамоллаш хасталиклари туфайли кўпчилиكنинг овози бўғилиб қолади. Бу ноҳушликни бартараф этиш учун халқ табобатида кўплаб самарали даво усуллари мавжуд. Улар ичида энг яхшиси, иссиқ бўлмаган илқ сўт(базилар қайноқ сўтни ичишади, бу нотўғри. Сабаби иссиқлик ҳиқилдоқ шиллик қаватини куйдириб қўйиши мумкин)га сарёф солиб тез-тез ичиб туринг. Айтиш лозимки, бу яллиғланишнинг олдини олишда жуда фойдали муолажа ҳисобланади. Агар сизда ўткир яллиғланиш бўлмаса, унда ингаляция (чуқур нафас олиш) қилишингиз ҳам мумкин. Уни турли ўсимликлар (мойчечак, календула), эфир мойлари, сода ва асал билан амалга оширсангиз бўлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Грипп тузалса, учуқ чиқадими?



— Аксарият ҳолларда шамоллаш билан оғриган беморларнинг лабига учуқ чиқади. Айтинг-чи, бу ҳолат хасталикнинг тизалаётгани билан боғлиқми?

Зоҳида ЎРИНБОЕВА.
Тошкент шаҳри.

Шоира ҚОДИРОВА

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 19-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори:

— Лабнинг енгил ачишиши, қичишиши ва шишиб қолгандай туюлиши учуқ чиқаётганидан дарак. Одатда бундай белгилар бир неча соатдан суткага қадар давом этиши мумкин. Агар тошма аломатлари сезилган заҳоти даволаш чоралари кўрилса, лабдаги яллиғланишнинг олдини олиш мумкин. Акс ҳолда, лаб териси аста шишиб, яллиғланган соҳа



атрофида пуфакчалар пайдо бўлади.

Айтиш лозимки, организмдаги шамоллаш касалликлари вируси иммунитет химояси суестлашиши билан дарҳол фаоллашиб, кўпая бошлайди. Шу тарика вируснинг «уйғониши» лаб ёки тананинг бошқа аъзоларида тошма топиши билан намоён бўлади. Кўриб турганингиздек, асосий омил иммунитет билан боғлиқ.

Боғотда саксовулдан чой тайёрланмоқда.



Ҳар бир ишда меъёр зарур

Одамзод ҳамиша эзгу ниётлар, мақсадлар қилиб, ушбу тилакларнинг рўёбга чиқишини дилдан истаган. Ҳадиси шарифларда ҳам амаллар ниётларга кўра рўёбга чиқиши айtilган. Лекин ниёт, мақсад, орзу-ҳавас динимиз таълимотига мутлақо зид, Қуръони карим оятларига хилоф, ҳадиси шарифларга тўғри келмаса-чи?

Бугун жамиятда шундай иллатлар учидики, уларнинг на ҳади бор ва на ҳисоби. Ҳаммамиз фарзандларимиз камолини кўришни истаймиз. Шу йўлда кунни тунга улаб меҳнат қиламиз. Аммо йиллар давомида мисқоллаб йиккан маблағимизни бир-икки кунда кўкка совурамиз. Бу ишлар қанчалик тўғри? Аслида динимизда қандай тадбирларни ўтказишга руҳсат берилган?

Шу ўринда шарият жорий қилган баъзи зиёфатларнинг номларини маълумот учун келтириб ўтишни маъқул кўрдик:

Кироҳ – ёз зиёфати.

Тухфа – меҳмон келса бериладиган зиёфат.

Харс – туғруқдан кейин бериладиган зиёфат.

Маъдаба – тақлиф қилинганда бериладиган зиёфат.

Валима – тўй зиёфати.

Ақиқа – фарзанд туғилганидан кейин етти кун ўтиб бериладиган зиёфат.

Ғадир – бола хатна қилинганда бериладиган зиёфат.

Вазима – азадан сўнг бериладиган эҳсон.

Нақиҳа – сафардан қайтганда бериладиган зиёфат.

Вақира – иморат битганида бериладиган зиёфат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, буларнинг ҳеч бирини қилиш мажбурий(!) эмас. Маъодо қилганда ҳам умуман дабдаба берилмаслик, исрофдан қочиш зарур.



Керагидан ортик сарфланган ҳар бир нарса исрофдир

Керагидан ортик сарфланган ёки беҳуда ишлатилган ҳар бир нарса исрофдир. Жумладан, тўй-ҳашамлардаги ортикча дабдабалар ҳам. Масалан, айрим кишилар йиллар давомида катта машаққат билан йиккан давлатини тўй бошлаганидан сўнг ўткинчи ҳою ҳавас, сохта обрў учун соғуриб юборади. Ҳар доим тўй қиялманми, дея етмаганига қарз ҳам кўтаради. Икки ёшнинг келажак ҳаётини эса ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Тўй ва маросимлар дабдабаси, сохта мактовлар, маҳалалардаги дув-дув гаплар ҳар қанча чиройли кўринмасин бу, аввало, катта исроф, динимизга ёт тушунчалардир.

Кўпни кўрган кишилар оилада эр ҳисоб-китоби жойига қўймаса, хотин тежагини билмаса, улар ўртасида мурося бузилиб, етишмовчиликлар келиб чиқади, дейди. Афсуски, баъзи оилаларда динимизнинг исрофдан сақлиниш ҳақидаги кўрсатмаси унутилган: тежамкор бўлишга тарғиб этилмайди, фарзандлар ҳам вақтини беҳуда нарсаларга соғуради. Охирабда Аллоҳ таолонинг ҳар бир неъматидан қандай фойдаланганимиз, қаерга сарфлаганимиз, шукрини қай даражада адо қилганимиз ҳақида сўраламиз, ахир.

Ҳадисларда исрофгар жаннатга кирмаслиги зикр қилинган. Маърақа-маросимларда беш хил, баъзан етти хил таом тортилиши керак, деган тушунчалар кўпчилигимизнинг қорини ғамага муккасида кетганимиздан дарак. Аслида ортикча овқат еган ёки ичимлик ичган одамнинг танаси оғирлашади, тоат-ибодатида ҳаловат йўқолади, меҳнат қилишга малолланиб қолади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алай-

ҳи ва саллам): «Одамзод қориндан кўра ёмон бирор идишни тўлдирмаган. Одам боласига гавдасини тик тутишга бир-икки лўкма озуқа етади. Агар кўпроқ егиси келса, унда ошқозонининг учдан бири овқатга, учдан бири ичимликка, учдан бири ҳавога тўлдирилиши керак», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Яхшилик қанча кўп қилинса ҳам исроф бўлмайди

Боболаримиз оиласи эҳтиёжидан ортса, кўни-кўшниси, ёрдамга муҳтож кишилар билан баҳам кўришган. Машо-йхлар: «Яхшилик қанча кўп қилинса ҳам исроф бўлмайди. Аммо исрофнинг зарраси ҳам ҳаромдир», деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, Аллоҳ розилиги йўлида қилинган ҳар қанча хайр-эҳсон исроф бўлмайди. Ва аксинча ҳар қандай исроф, гарчи зоҳиран чиройли кўринса ҳам, унда бирор яхшилик йўқ.

Аллоҳ таоло мўминларни сифатлаб бундай марҳамат қилади: «Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, ҳасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир» (Фурқон сураси, 67-оят). Халқимиздаги: «Ноннинг ушогри ҳам нон», деган нақл моҳиятини яхши англаган қайвони онаҳонларимиз келинларига қотган нонларни ҳам ташлаб юбормай, балки ундан бошқа бирор таом тайёрлаш йўл-йўригини ўргатишган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким тежамли бўлса, қашшоқлик кўрмайди», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ берган неъматларга шукр қилиш, уларни тежаб, исроф қилмай ишлатиш банданинг вазифаси. Шундай экан, ҳар бир

неъматга алоҳида эътибор билан ёндашиб, фарзандларимизга ҳам улардан оқилона фойдаланишни ўргатсак, гуноҳлардан сақланган бўламиз.

Маънавий кадр-қимматимизга путур етмоқда

Кейинги пайтда тўй бола-нинг, келин-куёвнинг, санъаткорларнинг устидан пул сочиш, баъзиларида ҳатто поёндоздай тўшах ҳолатлари учрамоқда. Келин-куёв тўйларида эса турли марқадаги турнақатор автомобиллар қортежини гапирмаса ҳам бўлади. Баъзи юртдошларимизнинг савияси минг машаққат билан ишлаб топган пулни шу тарика сочишга етятгани, деб афсусланасан киши.

Ёки тўйларда айрим ёшларнинг ўзига ярашмаган тарзда қилиқлар қилиб (буни раке дейиш нотўғри) меҳмонлар эътиборини тортишга уриниши, турли шоу ва томошаларнинг уюштирилиши ҳам тўйларимизнинг маънавий кадр-қимматига путур етказмоқда.

Буларнинг барчасига кейинги пайтда тўйларда турли олатлар пайдо бўлишига бефарқ қарашимиз, янги урф чиқибди, деб унга кўр-кўрона эргашишимиз сабаб бўлмаяптими? Нега кўпни кўрган оқсоқолларимиз, эл ичида ҳурмат-эътиборга эга нурунийларимиз, ота-оналар бунга бефарқ қараяпти? Ахир, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларга халқимизга ҳос анъана ва қадриятларни ўргатиш, аввало, биз, катталарнинг вазифамиз эмасми?

2-3 соатлик тадбир йиллар давомида тўпланган маблағни сарфлаш қанчалик тўғри? Дунёда яна қайси халқ бундай йўл тутди? Ҳеч бир миллат, халқда бундай олат йўқ. Нега бунинг англаш, одамларга етказиш қийин кечмоқда? Нега ихчам, камхарж тўй ўтказишни ҳеч ким ўзи бошлаб бергиси келмайди? Эл қатори-да, деб қачонгача ўзимизни алдаймиз, овутамиз. Оқилона тўй ўтказиб, тежалган маблағларни оила саломатлиги ва фаровонлиги, болалар таълим-тарбиясига сарфлаш мумкин-ку, ахир!

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон Мусулмонлари
илораси раиси ўринбосари.

ОТА-ОНАГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ ОТАЛАР ҲАҚИДА

1. Ота хонадонга ташриф буюрганда ўриндан туриб, жой бўшатиш лозим.
2. Ота билан кетаётганда унинг изинисиз ундан олдин юрмаслик керак.
3. Ота фарзанд учун бирон нарса мерос қолдирмаса ҳам, ундан номус қилинмайди.
4. Ота бор уйда бош қотиришга ва бировга маслаҳат солишга зарурат бўлмайди.
5. Ота ёнида ёки у кириб келганда ёнбошлаб ётилмайди.
6. Ота уйда бўлмаган маҳалда истеъмол қилинган нарсалардан унинг учун алоҳида олиб қўйилиши фазилатдир.
7. Мансабли шахс бўлсанг ҳам отанг қақирганда отингдан тушиб, олдида ҳозир бўлишга шошил! Мансабинг ишинга алоқадор, отангга эмас!
8. Отангнинг ёнидаги солиҳ кишиларга нисбатан самимий бўлгин, агар отанг вафот топиб кетса ўшалар билан муомала-муносабатларингни узма!



ФОРС КЎРФАЗИ: ДИПЛОМАТИЯ ЁКИ УРУШ...

Саудия Арабистонидаги нефтни қайта ишлаш корхоналарига дронлар ҳужуми хавфли қарама-қаршиликда ўзига хос бурилиш даври бўлди. Унинг доирасида Форс кўрфазига танкерлар портлатилди. Ямандagi вазият кескин тус олди. Ироқдаги шиалар лагерларига бир неча ҳаво зарбалари берилди. Шу муносабат билан жаҳон нефть етказмалари хавфсизлиги шубҳа остига олинди.

14 сентябрь, шанба куни эрталаб дунёдаги энг йирик нефтни қайта ишлаш корхонасига уюштирилган ҳужум эронликларнинг учувчисиз бошқарилган аппаратлари ёки ракеталари билан амалга оширилмаган тақдирда ҳам Саудия Арабистони ва Эрон ўртасидаги кескинликни кучайтириши мумкин.

Ушбу ҳужум чоғида Аббайкдаги заводга бир неча снаряд отилди, ёнгин келиб чиқиши оқибатида Саудия Арабистонидаги нефть ишлаб чиқариш ҳажмини деярли ярмигача қисқаришига сабаб бўлди. Жаҳон «қора олтин» бозорининг 5 фоизга қисқариши халқаро нефть етказмаларининг хавфсизлиги юзасидан жиддий таъшишларни келтириб чиқарди. Саудиянинг «Агамсо» гигант компаниясига тегишли Аббайк заводи яна қачон тўлиқ қувват билан ишга тушиши номаълум. Молиявий экспертлар ана шу саҳнада қора олтин нархининг бир баррелли 100 долларгача қимматлашуви ҳақида хавотирларини изҳор қила бошлади.

Ҳужумни ким амалга оширди?

Ҳужум учун масъулиятни Ямандagi ҳусий исёнчилари олар экан Аббайкдаги завод ва Хураисадаги конга 10 та дрон билан ҳужум қилинганини хабар қилди. Бироқ бу каби кенг миқёсдаги ва аниқлик билан содир этилган ҳужум ҳусийларнинг жангвор салоҳияти сезиларли равишда ошганидан далолат беради. Шунинг учун на АҚШ, на Саудия Арабистони уларнинг сўзларига ишонмаяпти.

Айниқса, Саудия ва Эронни уруштириб қўйиш ва уларни кучсизлантиришдан манфаатдор АҚШ ҳусийларнинг баёноти-ни рад этишга шошилди. 14 сентябрь куни кечкурун АҚШ Давлат котиби Майк Помпео твиттерда: «Эрон жаҳон энергия маҳсулотларини етказиб бери-лишига қарши исми кўрилмаган ҳужумни бошлаганини» ёзди. Ҳужум Яман ҳудудидан амал-га оширилганига ҳеч қандай далиллар йўқлигини ҳам эсдан чиқармади.

Бунга жавобан Эрон ташқи ишлар вазири Мухаммад Жавад Зариф Помпеони ёлғончиликда айблади. Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар сиёсат-чилар учун ҳам чинакам кураш майдонига айланди. Эрон таш-қи сиёсат маҳкамаси раҳбари

ҳам америкалик ҳамкасбини «максимал босим» вазифасини барбод қилиб, «максимал ёлғон-чиликка» ўтганликда айблади: «АҚШ ва унинг мижозлари қурул-яроғдаги устунлик уларга ғалаба келтиради, деган иллю-зияга боғланиб қолишди. Эрон шаънига айбловлар ҳалокатга яқун ясолмайди».

Шу ўринда савол туғилади. Помпео ёлғончи бўлса, унда ҳужумни ким содир этди, унинг ортида кимлар турибди?

Тан олиш керак, охириги икки йилда ҳусийлар Саудия Арабис-тонига қарши ўнлаб дронлар ва кичик масофада учадиган баллистик ракеталар олди. Улар-нинг кўпчилиги Саудия ракета ҳужумидан мудофаа тизимлари томонидан уриб туширилди. Бироқ муайян зарар етказгани ҳам бор гап.

14 сентябрь куни кечки пайт, вазиятдан хабардор манбанинг CNN таҳлилчиси Питер Бер-генга хабар беришича, мазкур ракета ва дронлар Яман ҳудудидан эмас, балки Эрон ҳудудидан учирилган бўлиши эҳтимоли юқори. CNNнинг Форс кўрфазид-аги бошқа манбасида ҳозирча далиллар мавжуд бўлмаса-да, айрим ишораларга кўра, ҳужум-нинг Ироқ жанубидан туриб амалга оширилганини тахмин қилиш мумкин.

Ҳусийларнинг ўзи эса 14 сен-тябрь ҳужумларини ўтказишда уларга подшоҳлик ичидаги кан-дайдир қучлар ёрдам берганига ишора қилди, гарчи далиллар келтиришмаган бўлса ҳам. Ҳу-сийлар вакили Яхё Сарининг баёноти-га кўра, бу операцияни ўтказиш учун «синчков жосу-слик операцияси, шунингдек, дастлабки қузатув ва подшоҳлик ичарисида ҳурматли одамлар-нинг ҳамкорлигида олиб бо-рилган». Балки бу ўринда Сари Саудия Арабистонининг шарқий ўлкаларидаги исёнкор руҳда қо-лаётган шиа аҳолисини назарда тутган бўлиши мумкин. Аббайк аксарияти шиалардан иборат ал-Қатиф ва Ал-Ахса туманлари ўртасида жойлашгани шундай ҳулоса чиқаришга ундайди. Би-роқ ҳусийларнинг мақсади ички низоларни уйғотиш, бу туманлар аҳолиси ҳужумни ўтказишда кўмак кўрсатгани ҳусусидаги иддаолар ортқча тўқиб чиқа-рилган.

Ҳужум кимнинг ҳудудидан туриб амалга оширилди, тепки-ни ким босди, бу муҳим эмас, бу хавфли қарама-қаршиликни урушга айлантириб юбориши

ҳеч гап эмас. Шундоқ ҳам АҚШ ва Исроил, айрим пайтларда Буюк Британия Техронга нис-баган тиш қайраб турибди. Ҳар қандай лаҳзада бир томонда АҚШ-Саудия Арабистони-Ис-роил ва иккинчи томонда Эрон ўртасида катта уруш келиб чиқиш эҳтимоли йўқ эмас. Агар Саудия ва Эрон ўзаро урушадиган бўлса, бундан катта давлатлар фойда кўради. Чунки бу тўқнашув иккала давлатни ҳолсизлантиради, кучсизланти-ради. Исроил Бош вазири Бинья-мин Нетаньяху ҳужум ортида Эрон турганини тасдиқламади, бироқ эронпараст қучларга ҳар ерда, таҳдид туғдирган жойда, шу жумладан, Ироқ ҳудудида зарбалар беришга тайёрлигини маълум қилди.

*Ҳужум чоғида
Аббайкдаги завод-
га бир неча снаряд
отилди, ёнгин келиб
чиқиши оқибатида
Саудия Арабистони-
даги нефть ишлаб
чиқариш ҳажмини
деярли ярмигача
қисқаришига сабаб
бўлди.*

Нефть етказиб бериш ҳажми қисқарди

14 сентябрь ҳужумлари на-тижасида Саудия подшоҳлиги халқаро бозорларга нефть еткази-б бериш ҳажмини кунига 5,7 миллион баррелга қисқартирди. Бу билан ўз нефть саноатининг «ворагига» қарамлигини намо-йиш этди.

Хуллас, бу ҳужумлар халқаро ҳамжамятда қучли акс-сало уйғотди. АҚШ керак бўлган тақ-дирда нефть бозорини барқарор-лаштириш мақсадида ўзининг стратегик нефть захираларини очишга тайёрлигини билди-ришди. АҚШ президенти шу мақсадда Саудиянинг валиахд шаҳзодаси Мухаммад бин Сал-мон билан телефон мулоқоти ўтказди.

Ҳозирги пайтда бозорда «қора олтин» бисёр. Шу йили ОПЕК ва Россия жаҳон нефть нархини бир маромда ушлаб туриш ниятида нефть казиб чи-қариш ҳажмини камайтиришга келишиб олган. Саудия Арабис-

тони одатда ушбу ташкилотдаги барқарорлаштирувчи ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, яъни зарур бўлган тақдирда оқимни камайтириш ва кўпайтириши мумкин. Энди у вақтинча бу им-кониятдан маҳрум бўлди. Бозор-ларни тинчлантириш учун ҳам-маси етказилган зарар миқёси ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмда тиклашга доир қарорларнинг қабул қилинишига боғлиқ. Сауд-ия Арабистонининг аксарият муҳим нефть инфратузилмалари объектида анча захиралар бор, албатта.

Саудия Арабистони юз берган ҳодисага қандай чора кўради?

Бироқ бир масала ноаниқ қолмоқда, Саудия Арабистони юз берган ҳодисага қандай чора кўради? Ямандagi ҳусийларга қарши ўзининг ҳарбий кампа-ниясини кучайтирадими? Ёки АҚШ билан биргаликда Эрон-даги нефть конларига жавоб зарбаларини берадими?

АҚШ президенти Дональд Трамп Саудия Арабистони нефть конларига 14 сентябрь куни қилинган дрон ҳужум-ларига Вашингтон жавоб қай-таришга тайёр эканини ва бу борада Саудия билан қучларини бирлаштиришга тайёрлигини билдирди. Воқеаларнинг бун-дай ривожини улкан минтақавий можарога айланиб кетади. Шунинг чуккур мулоҳаза қилаётган рас-мий Ар-Риёд Техроннинг нефть корхоналарига қилган ҳужумга алоқадорлиги юзасидан яқиний ҳулосага келмаганини маълум қилди. 16 сентябрь куни Трамп Вашингтонда АҚШ ҳарбий ден-гиз қучларининг 5-флотга жой-лашган Бахрайн давлатининг валиахд шаҳзодаси Салман ибн Хамад ибн Иса Ал Халифани қа-бул қилди. Бу бежиз эмас. Чунки Эрон минтақадаги Америка ҳарбий объектлари шаънига таҳдидли баёнотлар ёғдирди. Эрон ислом инқилоби кўрик-чилари корпусининг ҳаво-кос-мик қучлари қўмондонни Амир Али Хожизода: «Ҳамма билиб қўйсин, Эрондан икки минг чакирим масофада жойлашган Америка ҳарбий базалари ва авиаташувчилари ракеталари-миз етиб борадиган ҳудудларда жойлашган», дея Эрон ҳар доим «ўлақонли урушга» тайёрли-гини қўшимча қилди. У шу йил июнь ойида Техрон Ормуз бўғо-зи устидан Америка учувчисиз самолёти уриб туширилганидан

кейин мамлакат ҳарбий космик қучлари тўлиқ жангвор ҳолатга келтирилганини эълантиб ўтди. Ўшанда Эрон ракеталари АҚШ-нинг Қатар, БАА ва Уммондаги ҳарбий объектларига тўғрилаб қўйилган эди.

Ҳозирги вазиятда Трамп потенциал манфаатдор то-монлар билан минтақадаги хавфсизлик масалаларини му-ҳокама қилиш учун барча дипломатик каналларни ишга солади. Ҳатто БМТ Бош Ас-самблеяси доирасида АҚШ ва Эрон президентларининг уч-рашуви режалаштирилмоқда. «Толибон» билан бўлганидек, музокаралар барбод бўлмаса, бу икки давлат тил топишиб олиши, муаммони диплома-тик йўллар билан ечишга қуч топа олиши мумкин. Мабола, иш ҳарбий тўқнашувга бор-ғудек бўлса, қудратли денгиз гуруҳига эга АҚШнинг қўли баянд келади, аммо шиддат енгил кўчмайди. Эроннинг ҳам қудратли армияси бор, нафақат АҚШнинг ҳарбий базаларига, балки Исроилга ҳам зарба йў-лаши мумкин.

Очигини айтганда, Форс кўрфазини ва Яқин Шарқ тева-ра-идаги воқеалар жараёни Россия фойдасига ўйнай бошлади. 14 сентябрь ҳужумларидан кейин Россия рублиннинг долларга нис-баган қиймати мустақамлан-ди. Нефть ва газ соҳасидаги компанияларининг акциялари нархи ошди. 16 сентябрь куни Россия президенти Владимир Путин минтақадаги вазиятни Эрон ва Туркия президентлари билан муҳокама қилди. Анкара-даги қўшма матбуот анжумани чоғида Путин Техронни ўз инфратузилмаларини химоя-лаш учун Россиядан С-300 ёки С-400 ракета тузилмаларини сотиб олиш таклифини берди. Демак, бу таклиф амалга ошса, Москва бундан катта фойда кўради. Бошқа томондан, қиска муддатли истиқболда Саудия Арабистони атрофидаги вазият нефть нархининг ошишига хизмат қилади, бу эса нефть ка-зувчи ва экспорт қилувчи давлат сифатида Москва манфаатига ўйнайди. Бироқ можаро келиб чиққан тақдирда Эрондаги бека-рорлик Москванинг иттифоқчидан маҳрум қилади, шу билан бирга Техрон позицияси қучли бўлган Суриядаги вазият ҳам кескинла-шиши мумкин.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Афғонистонда электр узатиш устунлари портлатилди.



Сўнги йилларда мамлакатимизда болалар футболни жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Турли ёш тоифаларидаги умидли чарм тўп усталаримизнинг қўтба ва жаҳон биринчиликлари, турли халқаро мусобақаларда қайд этган натижалари буни яққол исботлаб турибди.

Дилшод НУРАЛИЕВ: «МУРАББИЙГА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРМАЙ ТУРИБ, УНДАН НАТИЖА ТАЛАБ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ»

Аммо тан олиш лозим, соҳада ечимини қутаётган, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар таллайгина. Жумладан, ёш ва умидли спортчиларни излаб топиш, иктидорини рўёбга чиқариш, уларга футбол сир-асрорларини чуқур эгаллаши учун етарли шарт-шароит яратиш талаб даражасида эмас. Хабарингиз бўлса, жорий йилнинг 4 сентябрь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам бу масала чуқур таҳлил этилиб, ўзбек спортдаги селекция ишлари танқид остига олинган.

Биз ушбу мавзу юзасидан ёшлар футболда катта тажрибага эга бўлган мутахассислардан бири, «Локомотив» футбол академияси директори Дилшод НУРАЛИЕВ билан суҳбатлашдик.

«Айрим мураббийлар «югур, теп, чоп» тактикасидан нарига ўтолмайди»

— Халқимиз футболни жуда яхши кўради, — дейди Дилшод Нуралиев. — Кувонарлиси, сўнги йилларда турли ёш тоифалардаги терма жамоаларимиз халқаро ажил майдонларда ажойиб натижаларни қайд этиб, ўзбек мухлислари меҳрини қозонмоқда.

Аммо аччиқ бўлса ҳам шунини айтиш керакки, соҳада ҳали кўплаб муаммолар мавжуд. Камчиликларни бартараф этиш учун эса бир ёки икки кишининг саъй-ҳаракати камлик қилади. Бунинг учун барча мураббийлар, мутахассислар, мухлислар бир ёқадан бош чиқариб, муаммоларни биргаликда ҳал қилиши лозим.

Эътибор берсак, бугун мамлакатимиздаги футбол академиялари, ихтисослаштирилган футбол мактаб интернатларида фаоллаётган олимлар мураббийларнинг аксарияти ҳали ҳам эски ва замонавий футбол талабларига жавоб бермайдиган тактик услубларда машғулотлар олиб бормоқда. Айримларининг эса футбол борасидаги билимлари жуда ғариб — «югур, теп, чоп» тактикасидан нарига ўтолмайди. Базилиларида бола психологияси, улар билан

МАНЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Болалар-ўсмирлар, Олимпия захиралари ва олий спорт маҳорати мактаблари тренерларининг ойлик иш ҳақи умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига нисбатан деярли 2 баробар паст. Ўз навбатида, тренерларнинг 51 фоизи ўрта махсус маълумотига эга, 2 мингдан ортиқ олий маълумотли мураббийларга эҳтиёж мавжуд.

ишлаш бўйича етарли кўникма йўқ. Энди ўзингиз ўйланг, бу каби мутахассислар кўлида футбол сир-асрорларини ўрганаётган ёш иктидор эгаларидан нима қутасиз?! Бундай мураббийлардан натижа талаб қилиш у ёқда турсин, уларнинг «беминнат» ёрдами билан бор иктидорларни ҳам бой берамиз.

«Ўзбекистон миллий терма жамоаси нега жаҳон чемпионатиغا чиқа олмаяпти?»

— Кўпчилик мендан «Ўзбекистон миллий терма жамоаси нега жаҳон чемпионатиغا чиқа олмаяпти?» деб сўрашади. Фикримча, бунинг сабаби ҳам ўз-ўзидан болалар футболга бориб тақалади. Узоққа бормайлик, китъамиздаги Япония, Қатар, Жанубий Корея каби мамлакатлар халқаро майдонларда нинининг ҳисобига яхши натижалар қайд этмоқда?! Аввало, у ерда болалар футболга юксак эътибор қаратилади. Шундай экан, биз ҳам бу масалага жиддий ёндашишимиз зарур ва бунинг пайти аллақачон келган.

Тан олиш лозим, футболимизда ҳали ҳам таниш-билишчилик йўқ эмас. Мураббий сифатида менинг ўзимга ҳам «Ўғлим ўйнасин, жияним майдонга тушсин» деган илтимослар бўлиб туради. Назаримда, бундай иш услуби билан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Мураббий, энг аввало, кўл остидаги футболчиларнинг имкониятлари, иктидорини тўғри баҳолаши лозим. Ҳалоллик, адолат бўлсагина спортда бирор ютуққа эришиш мумкин.

«Ёш ва маҳоратли мураббийлар авлоди етишиб чиқмоқда. Аммо...»

— Бугун футбол олами ва унинг атрофидаги муҳит ўзгариб бормоқда. Тўғри, кепток

ҳали ҳам думалок, майдоннинг ўлчами эса ўзгаргани йўқ, бироқ ижобий натижа кўрсатиш учун ҳар қуни янги-янги дастурлар, тактик услублар амалиётга жорий этилмоқда. Спортчиларни тез ва аниқ фикрлашга ўргатиш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини бир маромда ушлаб туриш учун машғулотларга алоҳида ёндашиляпти. Бугун Нидерландия, Бельгия, Испания, Англия, Германия, Бразилия, Аргентина каби футболни тараққий этган давлатлардан етишиб чиқаётган минглаб ноёб иктидор эгалари юқорида таъкидланган самарали ишлаш услубларининг меvasи

ДАРВОҚЕ...

Мактабларда ўқувчилар жамоавий спорт ўйинларига тўлиқ жалб этилмаяпти. 2 мингдан зиёд мактабда спорт заллари йўқ, 3 мингдан ортиғи эса таъмирталаб.

деб биламан.

Авваллари Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан ўзбек мутахассислари чет мамлакатларга малака ошириш учун юборилади. Назаримда, ана шу анъанани бугун ҳам давом эттириш, мураббийларни ҳеч бўлмаганда Россиянинг «Спартак», «Краснодар», «Ростов» каби клубларига тажриба алмашиш учун юбориш лозим. Ўйлайманки, бунинг самараси жуда яхши бўлади. Энг асосийси, уларда ўзига нисбатан талабчанлик ортади, янгиликка интилади.

Яна бир муаммо шуки, мамлакатимиздаги аксарият футболга ихтисослашган таълим масканларининг моддий-техник базаси талаб даражасида эмас. Худудий футбол мусобақаларининг савияси эса жуда ҳам паст. Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хо



Кувватов, Шерзод Ҳақимов, Жасур Ҳасанов каби жуда кўп иктидорларни тарбиялаб берган эди. Афсуски, уларнинг базилиари ўша пайтдаги иктидорини ушлаб қола олмади.

Бунга эса супер лига-

миздаги жамоалар бош мураббийларини маълум маънода айбдор деб биламан. Негаки, айрим тренерлар натижа кўрсатиш учун ёш футболчиларни асосий таркибга жалб этишдан чўчиди. Мана, Англия, Испания ёки бошқа чемпионатларда 16-17 ёшли футболчиларга бемалол ишонч билдириб майдонга туширишгапти-ку. Бизда эса 17 ёшга кирганларга ёш бола деб қараймиз. Бу борада мен «Насаф» ва «Бунёдор» футбол жамоалари бош мураббийлари Рўзкул Бердиев ва Вадим Абрамовни алоҳида ўрнатиб қўрсатган бўлардим. Бу мутахассисларнинг саъй-ҳаракати билан бугун турли ёш тоифалардаги терма жамоаларимизда бир қанча ажойиб истеъдод эгалари тўп сурмоқда. Аммо бу жуда оз. Агар клубларимиздаги барча мураббийлар ўз иш услубига бу тажрибани татбиқ эта олса, ўйлайманки, бундан факат ўзбек футболни ютати.

«Иктидорли футболчиларимизни ўтиш даврида йўқотиб қўяяпмиз»

— «Пахтакор»да ишлаган кезларим клубда асосий жамоа, ёшлар жамоаси, биринчи лига ва иккинчи лигаларда ўйинчиларимиз ўйнади. Уларни тарбия қилганимдан сўнг 20 нафарини ёшлар жамоасига берардим. Салоҳияти етмаганлари эса биринчи лигадаги жамоамизда тўп сурарди. Достон Ҳамдамов, Жавохир Сидиков, Жамшид Болтабоев, Ақром Комилов, Рустам Ашурматов, Сарвар Каримов каби номлар ана шу саъй-ҳаракатларимиз меvasидир.

Бундан бир неча йиллар аввал Аҳмаджон Убайдуллаев, Алексей Евстафеев, Аҳмаджон Мусаев каби кўзга кўринган ёшлар мураббийлари ҳам ўзбек футболга Аббосбек Махситалиев, Темур Ҳақимов, Санжар

«Маҳаллада селекция ишлари олиб борилади»

— Жорий йил Тошкент шаҳар футбол федерацияси ва «Пахтакор» футбол жамоаси билан ҳамкорликда пойтахтимиз маҳаллаларида ўлғаяётган 4-7 ёшли болакайлар ўртасида мунтазам мусобақа ташкил этилди. Беллашувларни мамлакатимиздаги кўзга кўринган футбол мураббийлари, мутахассислар мунтазам кузатиб бормоқда. Агар ярқ этган бир иктидор аниқланса, ёш футболчи ўзи яшаётган худудга яқин бўлган футболга ихтисослашган таълим масканига бириктирилади. Ўйлайманки, бу яхши таълаббўс. Фақат лойиҳани бугун республикага жорий этиш лозим. Ана шунда футболимиз янада ривожланади.

«Mahalla» мухбири
Сабдулло ТУРСУНОВ
ёзиб олди.

Қашқадарё вилоятининг сўлим ва хушманзара туманларидан бири Китоб ўзининг ҳайратланарли табиий ёдгорликлари билан бирга, Ҳазрати Башир, Мавлоно Хожаги Импанагий, Хожа Саййид Неъматуллох, Шайх Шамсиддин, Жунайдуллох, Исом шайх ўғли Ҳозиқ, Абдурахмон Ҳисорий каби алломалар, Хиромий, Абдулла шоир сингари назм усталари мангу кўним топган тарихий қадамжоларга бойлиги билан ажралиб туради.



ИМКАНА ҚИШЛОҒИДА ҚАНДАЙ СИНОАТЛАР ЯШИРИНГАН?

Куйида ушбу қадамжолардан бири Хожаги Импанагий зиёратгоҳи ҳақида тўхталамиз. Сўфи Оллоёр ва Боборахон Машраб назари тушган Импана қишлоғи денгиз сатҳидан 900 метр баландликда жойлашган бўлиб, одамлар орасида «Хўжа имкана», «Хўжа илм кони» номлари билан машҳур. Қишлоқ аҳли шу ерда бундан тўрт аср аввал Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) авлодига мансуб улуг зот — Мавлоно Абулбоки Хожаги Импанагий яшаб ўтгани билан фахрланишади.

«Қора момо» синоатлари

Қишлоқни сув билан унинг шарқий томонида ястаниб ётган Қорахон (*маҳаллий аҳоли «Қора момо» ҳам дейди*) тоғи этаклари остида табиий тарзда оқиб чиқувчи катта-кичик ўйлаб-булоқ сувларининг бирилашибидан ҳосил бўлган чоғроқ ариқ таъминлайди. Азалдан қишлоқ билан булоқлар орасини баландлиги эллик-олтмиш метрга тенг келадиган табиий тепалик тўсиб турган. Кўп асрлар бурун аждодларимиз булоқ сувини тепалик остида қишлоққа олиб ўтишининг ўзига хос усулини ўйлаб топшигандики, уни кўриб хайратга тушишингиз табиий.

— Тепалиқнинг булоқлар томонидан қишлоқ оралиги 15-20, чуқурлиги 12-20 метрлар келадиган 13 та қудуқсимон ўйлақлар кўп кучи билан қазилган, — дейди **Хожа илмкони жоме масжиди имом-хатиби Сирожиддин Жаҳонов**. — Ушбу ўйлақларнинг туби бир-бирига тенг ўлчамда бўлган ва улар еростидан бир-бирига махсус қазилган торсимон каналлар ёрдамида бириштирилган. Қадимий ероти сув иншоотини аҳоли «кориз» деб атади.

Коризларни қузулар экансиз, ота-боболаримизнинг ирригация соҳасида ҳам беқийс илм соҳиб бўлаганига амин бўласиз. Бу ердаги қудуқсимон ўйлақлар коризнинг еростидан ўтган қисмини ёритиб туришга қулайлик туғдириши билан бирга, сув йўлини тозалаши ишлари давом эттириляётган пайти хавфсизлик нуқтаси назардан ҳам жуда муҳим бўлган.

XV асрлик кўхна чинор

Импана қишлоғида табиатнинг яна бир дурдона ёдгорлиги — кўхна чинор борки, унинг ёши ўн

беш асрлар атрофида. Танасидаги табиий ёриққа эшик ўрнатилган бўлиб, асрлар ўтиши билан тана марказида кенггина ўйик ҳосил бўлган. Ўйик ичидаги «хона» девори ёнғиндан қорайганини кўриш мумкин. Ривоят қилишларича, чинор дарахти минг ёшга кирса, ўз-ўзидан олов чиқариб, ички қисми ёниб кетармиш. Лайлақлар гўшаси бўлган мазкур чинорнинг тана айланаси 18 киши қўлоғига тенг ёхуд 27 метрга яқин ўлчамда. Чинор бағрида ҳосил бўлган «хона» эса узунасига 5,8 метр ва энига 4,2 метрга тенг. Унинг ковағида 70-80 киши тик ҳолда, 25-30 киши эса чордона кўриб ўтириши мумкин. Шу боис ўтган аср бошларигача ундан мактаб синфхонаси сифатида фойдаланилган. Қишлоқ қарияларининг гувоҳлик беришича, авваллари чинор шохларида 35 та лайлақ уяси бўлган экан.

Импана мактаби асосчиси

Мавлоно Хожаги Импанагий Кеш вилоятида нақшбандия тариқатининг Импана мактабига асос солган. Аллома саъй-ҳаракатлари билан нақшбандия тариқати олис Ҳиндистон ҳудудига ҳам етиб борган ва Сирхинд мактаби юзга келган.

Хожаги Импанагий ота тарафи Термиз саййидларига, она томонидан машҳур шайх Яъқуб Чархий хазратларига бориб тақалди. Отаси Мавлоно Дарवेश Муҳаммад, асосан, Чағониён (*ҳозирда Сурхон ҳовасининг Денов тумани*) нинг Вахшувор, Ҳисори Шодмон манзилгоҳларида яшаган. Шу сабаб у кишининг нисбаси — Вахшуворий. Хожаги Импанагий дастлабки сабоқни отасидан олган, кейин Бухоро ва Самарқанд алломаларидан калом, тафсиру ва ҳадис илмларини ўрганган. Уша йилларда юз берган нотинчликлар сабаб, мавлоно Кеш вилоятининг Импана қишлоғига кўчиб келган ва у зотнинг муборак қабри Импана қишлоғидан уч чакирим узоқликдаги Хожахонлароз қишлоғида.

— **Хожаги Импанагий яшаган даврда Шайбонийлар салтанати қўллаганида таназзулга юз тутмади, — дейди тарихчи олим Мўмин Азизов.** — Абдуллоҳон II вафотидан икки йил ўтиб, Мовароуннахр ҳукмдорлиги жонийлар (*аштархонийлар*) қўлига ўтади. Ушбу сулолани Бухоро тахтини

эгаллашида **Хожаги Импанагийнинг хизмати катта бўлган.** Манбаларда ёзилишича, мавлоно **Аштархоний Боқи Муҳаммад**да Мовароуннахр тахтини эгалладан олдин: «**Аскаринг камлигидан андиша қилма! Ва бо ояти қаримани ўқигин: «Қанчадан-қанча озчилик сўруҳлар Аллоҳ иғни билан кўпчилик сўруҳлар устидан қолиб келмишдур»,** дейди. Мавлононинг бу илоҳоти ва хайрли башорати билан султоннинг ишиди ишонч пайдо бўлади ва 3-4 минглик қўшин билан дучманнинг эллик минг лашиқаридан устун келади. Ушбу жасан **Хожаги Импанагий** номини халқ орасида янада машҳур қиладди. Мавлононинг падари бузруквор **Дарवेश Муҳаммад** давридаёқ қишлоқда масжид, хонақоҳ ва мактаб фаолият кўрсатаётганди. Ўз даврида мадрасада 400 дан ортиқ талаба диний ва дунёвий илмлардан баҳраманд бўлган. Кейинчалик **Хожаги Импанагий** хўрмати эвазига аштархоний ҳукмдорлар томонидан Импана қишлоғида йирик меъморий иншоотлар мажмуаси қурилади.

Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва кейинги йилларда мавжуд мадраса ва масжидлар бузиб ташланиб, фақат хонақоҳгина сақланиб қолган.

— Ўз даврида масжуда таркибида бешта масжид, 43 ҳўқраси бўлган мадраса, шунингдек, ўзига хос йирик арқли гиштин кўприк бўлган, — дейди **Сирожиддин Жаҳонов**. — Ҳозирда масжуддан фақат хонақоҳ биноси сақланиб қолган. Хонақоҳ томида бинонинг уч томонидан махсус гиштин занжирлар орқали чиқарилади. Зинаоти йўлаклар учун зинавлар бинонинг ташиқи томонидан ўрнатилган. Хонақоҳ ичига тоза ҳаво кириши ва ёруғлик тушиб туриши учун катта-качмак махсус тўйиқ(дереза)лар қўйилган. Уларга санчидан ясалган панжараслар ўрнатилган. Хонақоҳнинг жасуруб томонида ер юзасидан 13-14 метр баландликдаги гиштин кўприк ислари сақланган. Кўприк остида ўтайдиган иккинчи — қарама-қарши йўлдан от-аравали ва тийда йўловчилар қатнаб турган. Ушбу кўприк асждодларимиз ақл-заковати билан ўзига хос мураккаб ва гўзал архитектура усулида бунёд этилган.

Тўртгала томони ҳам 11,2 метрга тенг даҳма

Хонақоҳнинг рўпарасида мав-

ДАРВОҚЕ...

Қашқадарё ўзининг нафақат меъморий ёдгорликлари, балки замонавий архитектура иншоотлари, такрорланмас гўзал табиати, узоқ ўтмишга эга бой маданий мероси билан сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Вилоятда жами 894 та маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг 638 таси археология, 181 таси архитектура, 75 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 37 таси зиёратгоҳдир. Истиклол шарофати билан қадимий ёдгорликларни таъмирлаш, уларни авлодларга ўз ҳолига етказишга эътибор кучайтирилди. Айни пайтда Хожаги Импанагий зиёратгоҳида ҳам қурилиш ишлари якунига етмоқда.



Кичик Макка хисобланган макон

Тарихчи Аҳад Бердиевнинг «Китоб тумани» китобида ёзилишича, XVI асрнинг иккинчи ярмида мусулмон олами диний қувватни Мавлоно Хожаги Импанагий маскан топган Хўжа илмкони қишлоғидан олган. Ҳатто подшоҳлар ҳам у кишининг зиёратига келишган. Яқин-яқингача Хўжа илмкони кичик Макка хисобланган. Қишлоқ илмининг маркази бўлганлиги сабабли, Амир Олимхон амирлигининг сўнгги йилларигача Бухоро амирлигининг давлат қозини ва мирзоси ушбу жойдан танланган.

— Бу улуг зотни ўзига тир деб билган кишилар жуда кўп бўлган, — дейди **Сирожиддин Жаҳонов**. — Ҳозирги пайтда ҳам Туркия, Эрон, Арабистон, Миср, Индонезия ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан мусулмонлар зиёратга келиб турилади. Бундан олти-етти йил илгари Арабистондан келган зиёратчилардан бири зиёратгоҳ дарвозасига келиб оёқ кийимини ечди, зинадан чиққач, Мавлоно Хожаги Импанагийнинг қабрларига чиззалаб юриб борди ва қарийб бир соат қабр пойига тиз чўкиб йиғлади.

Китоб томонларга йўлингиз тушса, албатта, Хўжа илмкони қишлоғига кириб ўтинг, улуг авлиё Мавлоно Хожаги Импанагийнинг қабрларини зиёрат қилинг. Ишончим комил: ўзингизда ажиб бир енгиллик туясан, руҳингиз ором олади, кеча ва бугун, авлод ва аждод ҳақида ўйлаб қоласиз. Энг муҳими, кўнглингиз обод бўлганини ҳис этасиз, зеро, ободликнинг ўзи кўнгилдан бошланади, дейишади.

Шохиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Самарқандда мамлакатимиздаги илк фотоэлектростанция қурилади.

ТАЪЛИМ

Таълим кредитини қандай олиш мумкин?



— Бу йил контракт асосида ўқишга кирдим. Лекин белгиланган суммани нақд тўлашга иқтисодий шароитим етмайпти. Шу боис таълим кредити олмоқчиман. Айтинг-чи, кредит олиш тартиби қандай?

Ойгул ЖАМОЛОВА.
Навоий вилояти.



Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,
хуқуқшунос:

— Таълим кредити Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига асосан, фақат олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларга берилади. Бунинг учун банкка ариза, талаба ва ОТМ ўртасидаги шартнома (контракт), маҳалладан яшаш жойи тўғрисида маълумотнома, кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида хужжат ҳамда имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тегишли тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилади.

Кредит талаба ва олий таълим муассасаси ўртасида тузилган тўлов-контракт шартномаси миқдориди ажратилади. Муддати бакалавр босқичи учун — 10 йил, магистратура босқичи учун — 5 йил. Кредит фоизи икки хил категория бўйича берилади. Биринчиси фоизсиз бўлиб, у чин етимларга, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига — ноль фоиз ставкасида ажратилади. Иккинчиси, талабаларнинг қолган тоифаларига — Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда (ҳозир 16%) берилади.

Ариза банк томонидан 10 иш кунинда қўриб чиқирилиши ва кредит шартномаси имзоланиши керак. Агар кредит беришмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма ҳулоса бериши лозим. Сизга шунчаки оғзаки рад жавоби беришларига йўл қўйманг. Ёзма ариза қолдиринг ва банклар, албатта, асосланган ёзма жавоб беришсин. Бу келгусида асоссиз рад қилинганлик учун шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

ҲУҚУҚ

Пропискадагиларга ҳам уй бериладими?



— Ҳозирда бизнинг яшаб турган уйимиз бузилди (снос) режасига тушган. Ушбу уйда 10 киши доимий пропискада туради. Уй бузилса, пропискадагиларнинг ҳаммасига алоҳида уй бериладими?

БАҲМАДАЛИЕВ.
Андижон вилояти.

Достон ЖЎРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси катта консультанти:

— Уй-жой бузилганда факатгина уйнинг мулкдорига давлат томонидан уй-жой ажратилади. Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодексининг 27-моддасига мувофиқ, ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ёки фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахнадаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа тураржой мулк қилиб берилади. Шунингдек, бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарактлар учун ҳам бозор қийматида тўлиқ ҳажмда ҳақ тўланади.

ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТ

Қутқарув хизмати пуллими?



— Фавқулодда вазиятларда аҳоли қаерга, қай тартибда мурожаат қилиши керак? Қутқарув хизмати пуллими?

А.КОСИМОВА.
Тошкент шаҳри.



Саманлар
ҲИҚМАТУЛЛАЕВ,
Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги матбуот хизмати
ходими:

— Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги Қутқарув хизмати аҳоли ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига хавф туғилганда ёрдам кўрсатади. Шу боис аҳолимиз бирон-бир фавқулодда вазият хавфи туғилганда ёки юз берганда 1050 қисқа рақамига кўнғироқ қилиб, ўзига яқин бўлган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таркибий тузилмаларининг навбатчилик қисми билан боғланиши мумкин. Ўзини



таништириб, вазият бўйича ахборот беради. Кейинги ҳаракатлар вазиятнинг ҳолатига қараб навбатчилик қисми навбатчисининг кўрсатмасига асосан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг моддий-техник таъминоти давлат бюджетидан амалга оширилиб, Қутқарув хизматларининг хизматлари мутлақо бепул (ўзининг вазифасидан ташқари, корхона-ташкilotлар, хусусий тадбиркорлар билан шартнома асосида кўрсатадиган пуллик хизматлари бундан мустасно).

УЙ-ЖОЙ

Арзон уй-жойлар кредитлари ошдими?



— Бир йилдан буён намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойларга эга бўлиш учун навбатда турибман. Айтишларича, кейинги йил менга ҳам ана шундай уйлاردан ажратилар экан. Эшитишимча, кредит фоизи ва имтиёз даври ўзгарибди. Бу қанчалик тўғри?

Б.АБДУЛЛАЕВ.
Наманган вилояти.

Фуркат
ТОЖИЕВ,
Адлия ва
зирлиги масъул
ходими:

— Президентнинг 2019 йил 3 сентябрдаги қа-



рори билан айрим қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга кўра, жисмоний шахсларга кишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун кредитлар 20 йил муддатга, 2 йиллик имтиёзи

давр билан (ҳозирга қадар 3 йиллик) бериладиган бўлди. Биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз, кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкаси миқдориди ажратилади.

2020 йил 1 январдан бошлаб эса 1 йиллик имтиёзли давр билан, биринчи 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкасида берилади.

ТИББИЁТ

Ўқитувчилар тиббий кўрикдан ўтиш учун пул тўлайдими?



— Ўқитишни ботириб, мактабда иш бошладим. Айтишларича, ўқитувчилар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтиши шарт экан. Бунинг учун поликлиникадаги шифокорларга маълум миқдорда пул ҳам тўлаш керак экан. Бу қанчалик асосли?

А.БОЛТАЕВА.
Сурхондарё вилояти.



Хуршид АСРОРОВ,
Халқ таълими ва
зирлиги юридик бўлим
бошлиғи:

— Тиббий кўрикдан ўтиш қонуний, лекин пул тўлаш таъмагирлик, ҳеч қандай қонунда кўрсатилмаган. Меҳнат кодексининг 214-моддасига асосан, иш беврувчи сиз каби барча педагог ходимларни



меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки, кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ўз навбатида, ходимлар ҳам тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Тиббий кўрикдан ўтиш учун ходимдан пул ундирилмайди, шунингдек, тиббий кўрикларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.



МУАССИС:
ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БҲИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: Ю. Ҳожиёва
Мусахҳиллар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: У. Ибодинов
Дизайнерлар: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Нашр кўрсаткичи: 148

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шохўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табоқ,
22 660 нускада чоп этилди.
Буюртма Г-945
Тошхирлиди — 00-50